

МУСТАФО
ЧЎҚАЙ ЎҒЛИ



ИСТИҚЛОЛ
ЖАЛЛОДЛАРИ

МУСТАФО ЧЎҚАЙ ЎҒЛИ

**ИСТИҚЛОЛ
ЖАЛЛОДЛАРИ**

(1917 ЙИЛ ХОТИРАЛАРИ)

Тошкент

Ғафур Ғулом номндаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси

МУСТАФО ЧУҚАЙ УҒЛИ ВА УНИНГ
«ИСТИҚЛОЛ ЖАЛЛОДЛАРИ» АСАРИ ҲАҚИДА

Бугун юртимизнинг тарихини қайта ўрганиш ва қайта ба-
ҳолаш зарурати кўндаланг турибди.

Биз азиз билган, қиёфаларини тошларга, мрамларга кў-
чирган авлиёларимиз пазат-эътибор салтанатидан шарманда бў-
либ қуламоқдалар. Пўлбошчи — КПССнинг давлат тепасига ке-
лишидан бугунги кунгача бўлган фаолияти эллар ва юртлар-
нинг манфаатига зид кечганлиги тобора ойдин бўлмоқда. 1917
йилнинг октябрида Туркистонда мустамлакачи чор Россиясини
алмаштирган рус инқилобий демократияси ҳокимият тепасига
чиққач, ундан реакципроқ иш тутгани ҳозирда маълум. Буни
инқилобчиларнинг ўзлари ҳам яширмаганлар¹. Булар, шубҳасиз,
тарихимизни, хусусан, сўнгги совет даврини бошқатдан кўрнб
чиқишни шарт қилиб қўяди.

Бугунги авлод асл ҳақиқатни билмоғи шарт. У, биринчи нав-
батда, тарбия учун керак. Мустафо Чўқай ўғлининг ушбу хоти-
ралари шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Унда мустақиллик
учун оталаримиз олиб борган муросасиз курашнинг армонлари,
алам-изтироблари ҳикоя қилинади. Ундаги кўп нуқталар бугун-
ги кун билан гоят оҳангдош, бинобарин, ибратлидир. Иккинчи-
дан, Мустафо Чўқай ўғли Туркистондаги 1917 йил қонли воқеа-
ларининг оддий иштирокчиси эмас, балки марказида турган би-
родарларимиздан. Ниҳоят, у ўз даврининг маърифатпарварлари-
дан эди. Араб, форс каби шарқ тиллари қаторида рус, фран-
цуз, инглиз, немис, поляк тилларини мукамал билган.

У 1890 йилнинг 17 январида Сирдарё бўйидаги қадим Оқ-
масжид (Перовск)да (ҳозирда Қизил Ўрда)нинг асладда қий-
чоқ оиласида туғилган. Она томонни Хива хонлари сулоласидан.
Бошланғич маълумоти Оқмасжидда, ўрта таълимни Тошкентда,
рус гимназиясида олган. 1914 йилда Петербург университети ҳу-
қуқшунослик факультетини аъло баҳога тугатган. 1917 йил фев-
раль инқилобига қадар Петербургда Думадаги мусулмон фрак-
циясининг Туркистон масалалари бўйича котиби бўлиб ишлаган.
1917 йил апрелда Оренбургга келади, умумқооқ курултойида
Туркистон номидан иштирок этади. Сўнг Мунаввар Қори ва
унинг шериклари билан бирга Тошкентга қайтади, 1917—1918
йилларда ўлка ҳаётида юз берган барча воқеаларда фаол қат-
нашади. 1917 йилнинг апрелидан «Улуғ Туркистон» газетасини
йўлга қўяди, июнда «Бирлик туғи»ни чиқара бошлайди. «Шў-

¹ ЦГА УзССР, Ф. Р. 17, оп. 1, Д. 45.

Мустафо Чўқай ўғли.

Истиқлол жаллодлари: (1917 йил хотиралари) //
Сўз боши Б. Қосимовники // Т.: Фафур Гулом номи-
даги Нашриёт — матбаа бирлашмаси, 1992.—80 б.

Ҳурматли китобхон, истиқлол — мустақиллик муборак бўл-
син!..

Аммо, гўё осон эришилгандек туюлаётган бугунги мустақил-
лигимиз учун бир замонлар Мустафо Чўқай ўғлидек жафокашу
жабрдийда биродарларимиз балном этилиб, ота юртдан бадар-
га қилинган эдилар. Ва улар уқубатли ғарибликда ҳам она Ва-
тан ғамида қайғуриб, биз учун бебаҳо ёдномалар битган эди-
лар, токи биз уларни ўқиб, шафқатсиз хатоликларга йўл қўй-
магаймиз.

Ха, дорумомон кунлар келгани чин бўлсин. Азиз китобхон,
улуғ биродаримиз Мустафо Чўқай ўғлининг ушбу китоби сиз
учун, биз учун — ҳаммамиз учун ёзилган. Ва уни бугунги ис-
тиқлол шарофати туфайли ўқиш бахтига муяссар бўлаётганин-
гизни унутманг.

Мустафо Чўқай ўғли. Палачи нашей независимос-
ти: (Воспоминания 1917 года).

ББК 63.3(2У)

Ч—4702020201—48
М 352(04)—92 Доп. 92

SBN 5-635-01187-X

© Мустафо Чўқай ўғли, 1992 й.

ройи исломия» ташаббуси билан тузилган Туркистон мусулмонларининг Улка Совети — Миллий марказининг раислигига сайланади. Ушбу совет Туркистоннинг сиёсий-маданий жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришни кўзда тутар эди. Октябрь тўнтарышидан сўнг Туркистони қўлга олган эсэр — большевиклар «мусулмонларнинг ҳокимиятга иштироки»ни «имкониёз» топганда, Қўқондаги «Туркистон мухторияти»нинг асосчиларидан бўлди. Дастлаб, раис муовини ва хорижий нозирни, сўнг раис бўлиб ишлади. Мухторият 1918 йилнинг бошида Тошкент Совети томонидан қонга ботирилгач, Мустафо Чўқай ўғли босмачиларга қўшилди. 1919 йилда эса мустақиллик эълон қилган Гуркистонга борди ва сиёсий фаолиятини давом эттирди. 1920 йилда у ерда ҳам советлар ҳокимияти ўрнатилгач, Туркияга, уйдан Берлинга ўтди. «Янги Туркистон», «Еш Туркистон» сингари журналлар — мажмуалар ташкил қилади. 1940 йилда Парижда уни немис кўшнчалари қамоққа олиб, лагерга жўнатдилар. Кўп ўтмай, у озод қилинади ва 1941 йилнинг декабрида Берлинда вафот этади.

Мустафо Чўқай ўғлининг ушбу хотиралари дастлаб «Еш Туркистон» мажмуасида 1937 йилда Берлинда «1917 йил, Хотира парчалари» номи билан босилган. 1988 йилда проф. Саодатхоним Исоқий уни Анқарада чоп эттирди. 1989 йилда эса у Олмонияда рус имлосида нашр этилди. Ушбу нашр шу асосда тайёрланган. Биз китоб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уни «Истиқлол жаллодлари» деб номладик ҳамда энг зарур изоҳлар ва жузъий имловий тузатишлар билан чекландик.

Туркистондаги большевиклар тузумининг мурасисиз муҳолифи, умрининг катта қисми муҳожирликда кечган фидойи ватандошимизнинг армони ва аламга тўла 1917 йил ҳақидаги хотиралари, ўйлашимизки, ҳеч бир юртошимизни бефарқ қолдирмайди.

БЕГАЛИ ҚОСИМОВ,
профессор

МУАЛЛИФДАН

«1917 йил. Хотира парчалари» «Еш Туркистон»нинг 13 сониди чиқди, демак, бир йилдан ортиқ чўзилди. Бу чўзилиб кетиш туркистонлик ўқувчиларининг уни таъқиб эта билишларида анчагина қийинчилик чиқарди. «Еш Туркистон»ни мунтазам олиб турмаган ватандошларимиз бир тарафда турсин, уни мунтазам олиб тура билган ўқувчиларимиз ҳам бир ёзунинг устидан бир неча ой ўтгач, у ёзувда баҳс этилган масалани унутиб қўйган бўлишлари-да мумкин бўлади. Мана шу жиҳатдан техникавий оғирликларни назарда тутиб, хотирамни тафриқа ҳолда нашр этишни шу нуқтада тўхтатиб, айрим китобча ҳолда чиқармоқчи бўлдим.

Бундай шаклда хотирам тўла ёзилмади, мумкин ҳам эмас эди. Шунинг учун мен «Хотира парчалари» деб атадим. Хотираларининг асос-мақсади туркистонликларга у замонда дучор келган қийинчиликларимизни кўрсатишдир. Асосий гоёмиз бўлган «Туркистон истиқлоли»га ўтмишда учратган қийинчиликларга кўз юммай, у замоннинг тажрибаларини ҳисобга олиб ҳаракат этганимиздагина эриша оламиз.

Хусусан сиёсатда энг буюк бахтсизлик, объектив оғирликларни ва ўз камчиликларини кўра билмаслик ёки кўришни истамасликдир. Кўп жасоратли бир жамоат ходими ёки порлоқ бир сиёсий нотик бўлиш мумкин. Агарда сиёсий ишни юритишда, керакли ишни бажаришда, объектив қийинчиликлар ва кечирилган хатоларни кўришни истамганда жасорат оддий бир ҳақсизликка, нотиклик-да бир бўғилган бўш-баёвликка айланиб кетади. Биз туркистонликлар мана шу таҳликали вазиятдан донмо қочишимиз керак.

Оғирликни кўриш, унга қарши кураш очмоқ ва уни енгмоқ чорасини кидириш демакдир. Ўз камчилигини кўриш эса, уни битиришга ва тақоррамасликка уриниш демакдир. Буларнинг ҳар иккиси-да узун, жиддий ва қизғин бир ҳозирлик истади.

Менинг хотира парчаларим Тошкентда ҳукумат большевиклар қўлига тушиб қолиши билан кесилмоқдадир. Бу тарих билан мухторият эълони тарихи орасида кўп ҳодисалар ва воқеаларга бой қисқа бир муддат кечадир. Ундан сўнгра бизнинг миллий идора қуриш йўлидаги кўп эҳтиётлик билан танлаган биринчи одимимиз — мухторият даври бошланади. Ҳозиргача мухторият масаласига ажратилган мақолаларда берилган тафсилот, табиий, миллий курашимизда муҳим бир марҳала¹ саналган мух-

¹ Босқич.

торият даври ҳақида тўлиқ маълумот бермайди. Шу йил сўнгида ёки келажак йил бошида «Хотира парчалари»нинг иккинчи қисмини нашр эта билажогимни умид этаман.¹ Иккинчи қисмида мухторият масаласи устида узоқроқ тўхтаб, уни бир оз ойдинлатишга уринаман.

Мухторият ҳукумати йиқилгандан сўнг, бизнинг Туркистонда, ҳатто советларга қарши ҳаракат тарихида муҳим ўрин тутган умумхалқ кўтарилиши — «Босмачилик» ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатнинг айрим воқеалари бизга бир даражага қадар маълум бўлса-да, у бугунгача тамомила ўрганиб таҳлил этилмаган. Босмачилик ҳақида 1928 йили бир инглиз мажмуасида чиққан бир мақолам ҳам Европада, билхосса совет матбуоти-нинг назар-эътиборини ўзига тортган эди. Мен 1938 йилнинг кўклямида, «Босмачилик»нинг 20 йиллиги муносабати билан бу мақоланинг туркчасини мумкин қадар кенгайтирилган бир шаклда нашр эта билажогимни умид этаман».²

«Босмачилик» даври анчагина узоқда қолган кечмишимиздир. Бир тарихий «Босмачилик» ҳаракатида ҳам, 1917 йил мартдан ноябрга қадар турган ташкилот тажрибаларимизда ҳам бизнинг заифлигимиз ва ўз камчилигимизни кўра олмаслигимизда яққол намоён бўлди. Нақадар оғир ва нақадар аччиқ бўлса ҳам, тўғрисиини сўзлаш керак. Чунки бизнинг асосий мақсадимиз олга кетишдир. Бу кураш давомида ўтмишнинг хатоларини такрорламаслигимиз, шунинг учун ҳам унга қарши қатъий кураш юритишимиз керак. Бунинг билан миллий қутулиш курашимиз, шайхидларнинг руҳи ва қони талаб этмоқдандир. Чунки биз ўтмишнинг хато ва камчиликларини очиб кўрсатиш билан курашимизнинг келажагидаги қурбонларини озайтиришга ёрдам этган бўлишини умид этамиз.

Туркистон миллатчилари 1917 йили инқилобнинг келтирган фурсатидан фойдалана олмаганлигимиз ҳақиқатини бир қарра билмоқлари даркор. Табиий, бу муваффақиятсизлигимизнинг сабаби кўпдир. Биринчидан, объектив омиллар: Буюк ва кучли Русия қаршида ярим асрдан ортиқ сурган имперализм мустамлака сиёсати юки остида эзилиб кучсизланган Туркистон турар эди. Биз курашга ўзимиз танлаган фурсатда эмас, Русия инқилоби жараёнини келтириб чиқарган вазият ижоботи билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омиллар: Миллий манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда туркистонликлар ўзаро кучли бирлик қура олмадилар ва бунга улгурмадилар.

Бу объектив ва субъектив омиллардан субъективни энг қўрқинчли деб қабул этамиз. Инсоннинг назари доимо ташқи дунёга қаратилган бўлганда кўпинча ички етишмасликлар ва хатоларни кўролмаб қолади. Шунинг учун ҳам шахсан мен ва умуман биз «Еш Туркистон» ёзувчилари юртдошларимизни шу ички жиҳатимизга, ўз камчиликларимизга кўпроқ диққат этишга чақириб келмоқдамиз. Мен бу хотира парчаларимда мана шу нуқтага айрича аҳамият бердим.

Биз ўз ички етишмасликларимизни нақадар тегин кўра билсак, унга қарши олажогимиз тадбирлар-да у қадар жиддий бў-

лади. Ички камчиликларимизни битириб, миллий бирлигимизни кучайтириш, бунинг билан курашимиз негизини соғломлаштириш ишида биз, муҳожирлар ўрнатилган бўлароқ бир вазиятда бўлишимиз лозим. Мамлакатга йўл очилиб, барчамизга элга қайтиш имкони яратилганлигини тасаввур этиб кўринг... ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб элга қайтсак, халқимизнинг миллий бирлик ҳадафини қулайгина амалга оширсак, у йўлдан юршига кўп ёрдам этган, унинг юкини енгиллатган, йўлини қисқартган бўламиз. Тарқоқ бўлиб қолганимизда умумий миллий ишмизга зарар келтирган бўламиз.

Мана, туркистонликларга такрор-такрор эслатмоқ истагим муҳим масала шудир.

МУСТАФО ЧУҚАЙ УГЛИ

¹ Иккинчи қисми ёзилмаган бўлиши керак.

² Орага Иккинчи жаҳон уруши киргани туфайли бу мавзу ёзилмаган бўлиши керак.

1917 йилги Русия инқилоби устидан ўн тўққиз йил ўтди. Бу инқилобни қандай севиниб, ҳовлиқиб қарши олганимиз ҳалигача ҳаммамизнинг эсимизда турибди. Кўп туркистонликлар, айниқса қариялар, 1917 йили инқилобни Русия билан Туркистон орасида кечилмас зовур очган 1916 йили Туркистон кўзголониинг мантқиқий натижаси деб қабул этган эдилар. Ёзиқки, бизнинг бу қувончимиз узоқ сурмади. Инқилоб бизнинг умидларимизни йиқди, ишончимизни битирди, алдаганимизни очиқ кўрсатди... Кенг юртимиз қурбон бўлган ўз болаларининг қони билан сувланиб, уларнинг тани билан қопланди. Мингларча Туркистон йиғитлари янги маска тақиниб чиққан эски мустамлакачиларга қарши курашиб ўлдилар. Мингларча ёш Туркистон қаҳрамонлари совет Русия зиндонларида, сургулларда чиримоқдалар. Ун мингларча, ҳатто юз мингларча туркистонликлар инсон каби янаш имконини қидириб, юртларини ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Бу тарихқа севинч, умидлар билан қарши олинган инқилоб умумий миллий фожесамиз шаклини олди.

Табий, булар инқилобнинг ҳар кишининг зеҳнида қолдирган унутилмас изларидир... Инқилоб ҳодисаларининг кўп нуқталари хариталаримиздан йўқолиб бормоқда. Биз инқилоб бошланган вақтида қайси тарзда ишлашимиз ва қандай йўллар билан ўз юрт ва халқимизга таъсир эта билганимиз, манфаатларни таъмин этишга уринишларимиз душман тарафидан яратилган қонли саҳна орқасида қолиб, унутилиб кетмоқдалар.

Биз у замон 1917 йили инқилобнинг миллий давлат қуришимиз имконини беражаинга умид этган ва шунга ишонган эдик. Биз бу умид ва ишончимизда

алданган бўлиб чиқдик. Буидан, табий, бизнинг 1917 йили инқилобига қатнашганимиз масаласини бутунлай унутиб юборишимиз керак деган маъно чиқмайди. Аксинча, биз бу ўтмишни объектив ва бетараф бир шаклда ўртага қўйиб, уни хотираларимизда яхшилаб сақлашга уринишимиз керак. Чунки шу тариқадагина биз эскида кечирган янглишликларимизни эслаб, келажакда шундай хатоларга киришдан сақланган бўламиз.

Мана бу ва буидан сўнг келажак ёзувларда Туркистонининг инқилоб даври ҳақида ёзиб ўтмоқчиман. Бу ёзувларимда шахслар ҳаракатидан зиёда воқеалар устида турмоқчи бўламан. Бу билан мен ёш туркистонликларни миллий яшашимизда кўпгина муҳим ўрни бўлган яқин кечмишимиз билан таништирган бўлишимни умид этаман.

1917 йил инқилоби бошланган чоғида мен Петербургда эдим. У замон мен Русия давлат Думаси (парламенти) мусулмон фракционини ёнидаги бюрода Туркистон вакили эдим. Туркистон ҳақида материаллар тўилар ва давлат Думасидаги мусулмон вакилларга Туркистонга онд керакли материалларни ҳозирлаб берардим. Инқилоб бошланиш олдидаги сўнг ишимда вакилларга Дума миёнбаридан сўзлаш учун 1916 йили умум Туркистон кўзголони ҳақида материал ҳозирлаб, хусусан мусулмон фракционини номидан сўзловчи вакил Муҳаммад Юсуф Жаъфарнинг нутқини ёзиб бериш бўлди.

1916 йили ноябрда Петербург ва Москвада инқилоб рўй беришига ишонмаган кимса қолмаган эди. Уруш жабҳасида муваффақиятсизлар бир-бирини таъқиб этди. Аскар қочоқчилиги кўрқинчли вазият яратди. Чор ҳукумати, мамлакатда тиричилик сақлашдаги ожизлигини яшира олмади. Ишчи доиралари очикчасига инқилобий чиқишга ҳозирландилар. Давлат Думасидаги реакционерлар ҳам ҳаяжонга тушдилар. Чор¹ ўзининг энг садоқатли кишиларининг маслаҳатини ҳам тингламади. «Сарой ағдарилиши», ҳақида гаплар чиқди. Чорни қамаб, ҳатто ўлдириб, ишис Михаилни Чор қилиб кўтарини тушунчасидан баҳс этилди. Озиқ-овқат етишмаслиги юзасидан чиққан қийинчиликлар ҳам кундан-кун кучайиб кетди. Гўшт, нон, шакар, нефть топилмади. Бутун дў-

¹ Подшо маъносида.

конлар қаршида тизилган навбатлар узайиб борди. Хукуматнинг алмаштирилиши ва афкор омманинг эътимолига таянган хукумат тузилиши талаб этилди. Чор Иккинчи Николай эса хотинининг таъсири остида англашма йўли қатъий суръатда рад этди.

Илхоят, 1917 йили февраль охирида (эскича ҳисоб билан) Петербургда тартибсизликлар бошланди. Ишчилар кўчаларга тўкилдилар. Хукумат эса буларга қарши қуролли куч юборди. Кўчаларда кураш бошланди, қон тўкилди. Аскарлар, даста-даста ишчилар, қўзғолончи халқ тарафига кечдилар. Икки-уч кун ичида Петербург танилмас бир ҳолга кирди. У ер ҳақиқий мафҳумда уруш майдони тусини олди. Хукумат бу исён ҳаракатини бостиришдан ожиз қолди. Давлат Думаси раиси Родзианконинг англашма йўлини тутиш борасидаги Чорга ёлворишлари ҳам натижа бермади. Давлат думасининг такрор-такрор қилган талабига жавобан Чор (26. 2. 1917) Думани тарқатини фармониини чиқарди. Аслида итоаткор, реакционер бўлган тўртинчи Дума Чор фармониини тингламади ва эртаси куни (27 февралда) «Давлат ва жамоат амниятини сақлаш вазифасини кўрадиган Муваққат комитет» белгилади.

Айни замонда ишчи ва солдат ифрolari тузилди. Чор инқилобни бостириш учун такрор иштилоб кўрди. Фақат вақт кечган эди. Чор учун ишиси Михаил фойдасига тахтдан воз кечишдан бошқа йўл қолмади. Фақат кўпгина ўсиб, кучайиб қолган инқилоб негизоматини кўрган Михаил Романов ҳам ҳақидаи воз кечди. Мана шу йўсинда Муваққат хукумат тузилган бўлди. Князь Львов бошчилигидаги Муваққат хукуматда Мальков ташқи ишлар, яқинда Парижда бўлган Гучков ҳарбий ишлар ва инқилобчи фирқаларнинг вакили Керенский адлия нозирини ўрнини олдилар...

Инқилоб ҳақ қозонган бўлди.

Чор тахтдан воз кечган куни мени Минскдаги Алихон Бўкайхондан у тарафга чиқарилган бир телеграм олдим. Телеграмда Умумрусия «зироатчиларини уюшмаси» (земства бирлиги)да жабҳага юборилган туркистонлик ишчиларини тамсил этмоқчи бўлган Алихоннинг бизнинг ишчилар билан бирга Туркистон далаларига кетиши кераклиги, мени эса унинг ўрнига сайланганини ёзилмоқда эди. Фақат жабҳа билан Петербург орасидаги алоқа кесилиб қолганидан мен

Петербургдан чиқолмай қолдим. Бу ерда бўлган замонда вақтдан фойдаланиш керак эди. Янги хукумат янги сиёсий ҳаракат йўли чизмоқда, Туркистон идораси учун эса янги тартиб қонунини ҳозирламоқда эди. Ҳар куни хукумат кишиларидан, инқилоб бошлиқларидан ҳали бири, ҳали иккинчиси билан кўришмоқ лозим эди. Уша кунларда сонсиз қоғозлар ёзилди, сонсиз лойиҳалар тузилди. Бизда ўзимизнинг кучсизлигимиз, кенг омманинг старли даражада ташкил этилмаганилиги ўйи, шунинг учун ҳам тилагимизни ўз кучимизгагина таянган ҳолда айта олмаслигимиз кўрқувин бор эди. Мана шу сабабдан биз рус инқилобчи демократларининг раҳбарлари ёрдамидан фойдаланиш мажбуриятини сездик.

Бу тариқа кунлар, ҳафталар кечди. Мартнинг сўнг кунларида Тошкентдан бир телеграм келди. Бу телеграмда менинг тезликда Туркистонга қайтишим ва Оренбургда тўхтаб, у ерда тўпланадиган умумқозоқ қурултойида Туркистон ҳақида сўзлашим билдирилган эди. 1917 йили 1—14 апрелда Петербургда Оренбург томон йўлга тушдим.

II

Севишчи ҳаяжонлар ичида Петербургда айрилдим. Ҳақиқатини яширмаслик керак. Талабалик йилларида (1910—1914) дорилфунун ва умуман рус мунавварларининг инқилобчи демократлари табақаси ичида кечирган вақтларимда мени Петербургини севган эдим. У замон рус талаба муҳити ва рус инқилобчи демократлари доираси жуда жозиб васфларга эга эди. У замон гайрирус халқлар мансублари ҳам, чех ва финлардан бошқалар ҳам, у доирада ўзларини ёт ҳис этмас эдилар. Табиий, бу гайрирус халқлар мансубларининг «ўзларини унутганлардан» ёки доирага яқин бўлиш истиғидан туққан эмас эди. Рус демократ инқилобчиларида ҳукм сурдирган сиёсий қараш гайрирус халқлар мансубларининг у замондаги аҳвол руҳиясидан узоқ эмас эди. Ёт ҳис этмасликнинг биринчи сабаби ҳам шу эди. Биз у замон миллий тақдиримиз масаласини миллий истиқлол шаклида қўймаган эдик. Биз у замон ҳаммамиз рус чоризмининг йўқолиши билан тузумининг ўзгаррилиши кераклиги устидагина турган эдик. У замон чоризмининг йиқилиши ва рус инқи-

лобчи демократиясининг ҳокимиятга келиши билан, рус идорасида бизлар учун бўлган бутун ҳақсизликларнинг битиб кетишига ва ғайрирус ўлкаларда кенг миқёсда «ички миллий идора» қурилишига, бу ўлкаларга бошиб келаётган рус муҳожиротининг тўхташига ишонар эдик. У замондаги тилагимиз шундангина иборат эди. Мана бу кураш, бу тушунчада Русия императорлигининг иойтахти Петербург бизга бир сиёсий тарбия мактабигина бўлиб қолмай, юрт ва халқимизнинг келажак бахти учун керакли деб топган назариямизни берган бир ер бўлиб кўринар эди. Кўп ўтмай рус инқилобий ҳодисалари бизнинг бу тотли умидларимизни ост-уст этди. Рус инқилобчи демократияси иш бошига келгач, имтиҳон беролмади. У хорлик замонида ғайрирус халқлар мансублари учун нақадар жозибали бўлган бўлса, ўзи иш бошига ўтгандан сўнг уларни у нисбатда ҳуркитиб, ўзидан қочира бошлади.

Хайр, Петербург!

Мен Петербургдан Оренбург томон кетиб бораётганимда йўлда Пенза шаҳрида ўз туркистонликларимизга дуч келиб қолдим. Бу ерда Туркистон ишчилари билан тўлган ўнларча вагонлар бир четга чиқарилиб ташланган экан. Белгиланган ерига етиша олмай қолдирилиб кетган бу бечораларнинг ҳоли оқибатидан хабар оладиган бир киши ҳам йўқ. Бу шаклда унутилган туркистонликлар ўзлари ҳам нима қилишларини билмай ўтирдилар. Янги иш бошига келган маҳаллий идора кишилари эса буларга қандай муомала этишларини билмас эдилар. Дарҳол ҳаракатга кирдим. Туркистон вакили сифатида станция бошлиғи ёнига кирдим ва вазият ўзгарганини назарда тутиб, уларни Туркистонга қайтариб юборишини сўрадим. Станция бошлиғи масъулиятини ўз устига олиб масалани ўзича ҳал этолмади, телефон орқали комиссардан сўради. У эса ишчи вилоят ишчи-солдат вакиллари шўросига ташлади. Ниҳоят ўзим бориб ишчи аскар шўроси бошлиқлари ва вилоят комиссари билан қисқагина бир мажлисда бўлиб, ишчиларни Туркистонга қайтариб юбориш қарорини чиқардим.

Сезрон ва Самарада ҳам шундай тўхтаб қолган Туркистон ишчилари гуруҳларини учратдим, уларни ҳам қайтариб юбориш қарорини чиқарттирдим.

Ниҳоят Оренбургга келдим. Бу ерда, биринчи

Умумқозоқ қурултойи тўпланиши керак эди. Оренбург Бошқирд ерида ўрнашган рус казак аскарлий кучларининг ҳам маркази эди. Шаҳарининг аҳолиси асосан татарлар, руслар, рус казакларидан иборат эди. Бизнинг қозоқлардан эса бир неча онагина бор эди. Шунга қарамай, Оренбург узун бир замондан буён Туркистон далаларидаги қозоқ турклари миллий ҳаракатининг маркази бўлиб келган. Нимага шундай? Бизнинг турк-қозоқларимиз ўрнашган ерларда, яъни дала қисмида, ҳар жиҳатдан бундай ишларни яхши йўлга қўйишига муваффақ бирорта шаҳар йўқ эди. Шаҳарларда улар озчилигини ташкил этар эдилар. Қозоқлар кўпчилигини ташкил қилган ва бу тариқа маданий, сиёсий марказ ролини бажариши белгиланган бир шаҳарда йўқ эди. Қасерда бўлишидан қатъий назар, бир қанча қозоқ мунаввар¹ тўплана билса, у ерда миллий ишга бошлан имкони бор эди. Энг муваффақ ер қозоқ уругининг кўп мансублари ўрнашган доира ўртасидаги Тошкент, Олмаота, Самай каби шаҳарлардан бири бўлиши мумкин эди.

Фақат буларнинг ҳаммасида ҳам қозоқлар ичида кўринган ҳар бир миллий ҳаракат рус идорасининг қаршилигига учрар эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик қозоқлар ўтирган доиранинг ташқарисидан бир шаҳарни танлаш керак эди. Самай билан Тошкентдан айни даражада узоқликда, темирйўл устида ётган Оренбург энг муваффақ ер бўлиб чиқди. Оренбургда рус дорилмуаллимини бор эди. У мактабдан ҳар йили бир қанча қозоқ муаллими чиқиб турар эди. Бундан ташқари, энг муҳими — қудратли олим, юксак жамоат ходими, қобилиятли адиб Аҳмад Бойтурсун билан Мир Еқуб Давлатнинг Оренбургда ўтирганликларидир. Бу икки жамоат ходимининг кучли қалами соясинда бутун халқ ичида рағбат қозонган ҳафталик «Қозоқ» газетаси бу ерда чиқарилиб тарқатилмоқда. Мана, қозоқ халқининг жойлашган доираси ичида бўлмаган Оренбургнинг узун бир замон чўл қозоқлари миллий ҳаракатининг маркази бўлиб қолиши ва биринчи Умумқозоқ қурултойининг у ерда тўпланмасининг асли сабаби булар эди.

Қурултой собиқ Тўрғай волиси ўтирган бинода тўпланди. Қурултой янгигина тайинланган Тўрғай

¹ Энгилсин.

вилоят комиссари Алихон Бўкайхон тарафидан очилди.¹ Қурултойга кенг қозоқ даласини ҳар тарафидан сайланиб келган вакиллар билан бурунги Туркистон воли умумлиги қисмидан Тошкент Шўро-и-Исломия тарафидан марҳум Мунаввар Қори, Абдусамий Қори, Сарқул Оллоберган ўғли ва Юсуфбек Босиқара ўғли қатнашмоқда эдилар.

Мунавварнинг: «Ўзбек дўғонларингиздан салом келтирдим», деб бошлаган табрик сўзларининг қозоқ далаларидан келган вакилларда уйғотган алоқаси, қолдирган чуқур таъсири мен учун унутилмас бир эсдалиқдир. Мунавварнинг биринчи жумласини оёқда туриб қарин олган жамоат, узун олқишлари билан жавоб қайтарган бўлди. Ёши улур вакиллар уни кўз ёшлари ичида тингладилар.

Ниҳоят, қозоқ далаларининг турли бурчақларидан келган вакиллар: «Бундан ортиқ биз қандай қилиб, жондан бирлигимизни, туғишганлигимизни очиқ сўзлар эканмиз», деб кўзлари ёшланди. Оренбург ва умуман турк-татарлар номидан Фотиҳ Афанди Қаримий қурултойни қутлади. Шунинг билан қурултой буюк турк халқининг уч кучли қўли орасидаги кучли боғланнини кўрсатиб турган бир саҳнага айланган бўлди.

Биринчи қозоқ қурултойининг програмида биринчи ўринда қозоқ ери ва ишчилари масаласи қўйилган эди. Қурултой биринчи кунда рус муҳожирлари келтириш ишининг дарҳол тўхтатилиши ва давлат тарафидан ҳисобга олиниб у замонга қадар рус муҳожирларига берилган ерларни маҳаллий халққа қайтарилиши ҳақида қарор чиқарди. Қурултой рус муҳожирларига олиб берилган ерларда, рус муҳожирларига берилгунга қадар ичида уй-жой бўлган, мол боқиб ва ўт чопиш учун фойдаланиладиган ерларнинг ҳам дарҳол ўз эгаларига қайтарилиши ҳақида қарор чиқарди. Қурултойнинг иккинчи кундаёқ қурултой тарафидан чиқарилган аввалги икки қарорга Муваққат ҳукумат розилик билдиргани тўғрисида хабар олинди... Ишчилар масаласида эса уруш жабҳаларига юборилган ишчиларининг тўхтовсиз суръатда диёрларига қайтарилиши, янги ишчи олинини тўхтатиш, ишчи тўплаш ишида қаршилиқ кўрсатганлик

¹ Оренбургда чиқиб турган «Вақт» газетаси Алихонни «Русиядаги мусулмонлардан биринчи воли» деб қутлаган эди.

айби билан тутилиб маҳкум этилган кишиларнинг озод этилиши, бу муносабат билан бошланган бутун таъқибот ишларининг тўхтатилиши истади. Қурултойнинг бу тилагини ҳам Муваққат ҳукумат қабул этди.

Ниқилоб бўлгандан сўнг ишчи тўплаш ишининг ўз-ўзидан мумкин бўлмаслиги ҳаммага маълум эди. Муваққат ҳукумат ишчи тўпламоқчи бўлса ҳам, бирор-та ишчи топа олмаслиги муқаррар эди. Айни вақтда Муваққат ҳукуматининг қурултой қарорига рози бўлганлиги Русия сиёсатида бир ўзгариш борлигини кўрсатадиган бўлиб чиқди...

Қурултой програмидаги бошқа моддалар орасида қозоқларни руслардан айириб, ўзларига махсус миллий идора қуришлари, қозоқ ишлари учун ҳоким ва бошлиқлар қозоқлардан бўлган махсус адлия ташкилот яратмоқ кераклиги ва маориф ишларини кенг миқёсда тезлик билан юритиш ҳақидаги моддалар борлигини ҳам эслатиб ўтай... Булардан очиқ кўриниб турадики, биринчи қурултой қозоқ далалари учун мухторият турмуш негизини қура бошлаган эди.

Ниҳоят, таптанали ва муваффақиятли бўлиб ўтган биринчи Умумқозоқ қурултойи айни замонда татар, ўзбек ва қозоқлар тўпланган буюк бир зиёфатда самимий ва сарбаст фикр алмаштириш шаклида туғиш билан кенг миқёсда қўйилган қардошлиқ намоёиши шаклини олган бўлди.

Мунаввар, Абдусамий Қори, Сарқул, Юсуфбек ва мен Туркистон томон йўлга тушдик. Туркистонда қилинадиган ишларимиз ҳақида атрофлича кўришимиз эндигина транда (поездда) мумкин бўлди: Туркистоннинг шаҳарлари билан далаларидаги вазият фарқлари ҳам дарҳол кўзга таниланди. Рухимиздаги бошланғич тараддуд, ҳаяжон ҳам бу онда кечди. Туркистонда ишчи ва солдатлар шўросининг роли бизнинг янгигина қурилиб, ўзига куч тўплай бошлаган миллий ҳаракатимиз учун хавфли кўрина бошлади.

Мен ўзим Оренбургда бўлган пайтимида Тошкентда очиладиган Умумтуркистон вилояти ижроия комитетлари қурултойига вакил этиб сайланган Оқмасжидда (бурунги Қизил Ўрдада) бир-икки кун қолмоқчи бўлиб, поезддан тушиб қолдим.

Оқмасжид менинг ўсган ва шу ердаги мактабга кириб ўқий бошлаган шахримдир. Мен у ерда яшайдиган ўзбек, қozoқ, татар, рус ва яҳудийларнинг деярли ҳаммасини танийман. Бутун аҳоли мени янада яхшироқ танийди. «Мўътабар, ҳурматли кишининг боласига ҳам ҳурмат кўрсатиш керак», деган бизнинг халқ одати бўйича аҳоли менга ҳам кўп ҳурмат кўрсатар эди. Айниқса қozoқлар мени ўзларининг табиий вакиллари деб кўрар, ҳам менга ўзларининг мудофаачиси деб қарар эдилар. Петербургда ўқиб юрган вақтларимда ҳам бир неча марта Оқмасжидга келиб, ҳукуматнинг муҳожирот ишларига доир материаллар тўплаб кетган эдим. Қozoқ вакиллари билан Тошкент ва Петербургга бориб юрар эдим. Бир неча бор рус мустамлака сиёсатининг қурбони бўлган мазлум аҳолининг ер-жойи ва сувиши муҳожирот идораси чапгалидан қўтқариб қола билган эдим. Аввалдан бу каби ишларни кўриб, билиб келган Оқмасжид халқи мени Туркистон вилоятлари комитетининг биринчи қурултойига ўз намоиндаси этиб юбормоқчи бўлди ва сайлади...

Эски Туркистон вилояти доираси шаҳарлари орасида Оқмасжиднинг баъзи бир хусусиятлари бор эди... Бу хусусиятлардан бири, балки энг муҳими, бу доирада ишлаётган тилмочларнинг кўпчилиги оқмасжидлик бўлган эди. Ёлғиз Сирдарё вилояти доирасидагина эмас, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари шаҳарларида ҳам воли, маҳкама бошлиғи, полиция бошлиғи ва маҳкамаларда оқмасжидлик қozoқ тилмочларини учратар эдингиз... Оқмасжид шаҳри ўзи эса одатан котиб ва тилмоч помоздлари уяси шаклини олган эди.

Мустамлака ҳолида бўлган бир мамлакатда тилмоч маъмурлар у мамлакатнинг миллий манфаати нуқтан назаридан энг зарарли, энг қўрқинчли махлуқлардир. Табиийки, бундан барча тилмочлар ёмон кишилардир деган хулоса чиқмайди. Орада ўз юртдошларидан ришват олмоқчи бўлиб, идора бошлиғи билан биргалашиб ўз халқини, юртдошларини қийнаб бўғишга уринмай турган яхши, тўғри тилмочлар ҳам учратилар эди.

Мен ўзим Оқмаллуада, Олмаотада, Тошкентда, Ашқободда, Бухоро, Хива ва бошқа ерларда кўпгина

тилмочларни танир эдим. Буларнинг деярли ҳаммасини бир ишга ярамас модладан айни ўлчовда ишланган моллар эди деса бўларди. Кенг юртимизни миллионларча халқи билан мустамлака қилиб босиб ўтирган рус режими ҳақида мана шу ўз халқимиз чиқиндилари — тилмочларга қараб ҳукм бериш мумкин эди.

Тилмочлар орасида фақат биргина шахсни яхши сифатлар билан танирдим. У Оқмасжид маҳкама бошлиғи ёнида таржимонлик қилиб турган Эрали Қосим ўғли деган киши эди. Унинг руҳан покиза бўлганлиги, бойлик, пулларга қизиқиб ҳаром йўлларга кирмаганлигини қатъийлик билан сўзлаш мумкин. У инҳоятда диндор бир киши эди. Таҳоратсиз бир одим ҳам отмас эди. Ёлгонини гуноҳ, ришватни ҳаром, деб билар эди. Ришват олган бир мусулмоннинг диндан айрилиб, кофир бўлиб қолишига ишонар эди. Шунинг учун ҳам бу кишининг ҳеч бир йўл билан мансаби кўтарилмай, ўтирган жойида қолган эди. Бутун ўйи рус идорасига маҳкам ўрнашиб, бошлиқнинг эътиمودини қозониб, у билан бирлашиб ўз халқини таламоқ, ўз биродарларининг қонини сўрмоқдан бошқа бир нарса бўлмаган инсофсиз ва имонсизлар Эралини «босиб ўтиб» юксак ўринларга эга бўлгандилар.

Иккилоб хабари келар-келмас Оқмасжид шаҳри ва районининг ерли аҳолиси Эралини Миллий Комитет раислигига сайлади. Эрали ўз аҳвол-руҳияси билан иккилобдан, умуман, сиёсатдан кўп узоқда қолган бир киши эди. У замонда Оқмасжид аҳолиси ўз орасидан иккилобчи-сиёсий бир киши қидиришга киришган тақдирда ҳам ҳеч кимни тополмас эди. Деярли бутун тилмочлар Эралига қарши бирлашдилар. Бундай бўлиши табиий эди. Чунки улар эски хўжайинлари соясинда осонгина ақча қозониб бой бўлиш манбаларини йўқотдилар. Бундай унсурлар вужудга келган янги шароит билан қулайгина келиша олмадилар. Улар, халқнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қила олмайди, деган фикрда эдилар ва ўз иқтидорига эга бўлиб олган халқнинг кечаги ёт, истисморчи (эксплуатациячи) идоранинг хизматчиларини ўзларига яқинлаштираяжакларини тушундилар. Шунинг учун ҳам улар халқ устидан босиб ётган эски рус идорасининг йиқилиши билан ўз ҳамёнларида вужудга кела бошлаган бўшлиқни тўлдириб бериш учун бир куч қи-

дира бошладилар. Ана шу қидирилган куч ҳам маҳаллий рус ишчи-солдат вакилларининг шўролари бўлиб чиқди.

Бутун майда-чуйда котиб, тилмочлар Оқмасжид шаҳри ва районда ҳукмронликни қўлга киритган Рус Ишчи ва Солдатлар шўросининг хизматиға кирдилар. Миллий Қўмига эса Рус Ишчи ва Солдатлар шўросининг кўзига тулган чўп эди. Шунинг учун ҳам йўқотиниға уридилар. Миллий шўро эса ўз юрти, халқининг идорасиға қатнашиниға ҳақи бўлганлигини сўзлаб, қарини турди... Тилмочлар эса халқни «Оқ нодиншоҳни йиқитган Ишчи ва Солдатлар шўроси ўзига қаршилиқ қилган ҳар қандай кучни ҳам елгини, халқ тинчлик билан бўйсунмаган тақдирда Ишчи ва Солдатлар шўросининг жазо бирликлари бўйсундиришиға мажбур этишини» сўзлаб халқни кўрқитдилар. Бундай хабарларини эшитиб ҳовлиқиб қолган халқ вакиллари бу ҳақда Миллий шўро бошлиғидан сўрадилар. У эса ҳаяжонға тушиб кетган халққа масалани аңлатиб, овутиниға уриди. Мана шу ҳаракати учун у кишини Ишчи ва Солдатлар шўросининг душмани деб танитдилар.

Оқмасжиддаги майда тилмочлар ўзларининг Эралиға қарши юритган ушбу ифвогарчиликларида ўз синфларидан бўлган буюк мавқедаги кишилардан ёрдам олдилар. Бу ёрдамчиларининг бири собиқ Самарқанд вилоят адлия маҳкамаси ҳузурдаги тилмоч Хусан Иброҳим, иккинчиси эса собиқ Самарқанд ҳарбий волиси ёнида тилмочлик қилган (кейинроқ хусусий даъво вакили) Серали Лопини эди. Булар иккинчи ҳам асл оқмасжидликдир ва Хусан Иброҳим ишқилбоддан аввал нотўғри таржима қилишда айбланиб ишдан ҳайдалган эди. Серали эса Самарқанд волиси ёнидаги вазифасини ташлаб, хусусий даъволарға вакиллик қилиб юрарди. Унинг бу қилиб юрган ишлари ва муваффақиятсиз буюк савдо ишларига кириб кетиш каби ҳаракатлари Сералини ўз ҳамшаҳарлари, оқмасжидликлар билан орасини очиб юборди. Серали ишқилбод бошлангандан сўнг қайтиб Оқмасжидға келди. У кўп ақлли ва қобилиятли бир киши бўлгани билан бирға сўнг даражада худбин эди. У Эралининг халқ орасида жуда кўп ҳурмат қозонинини нестамди. У рус ишчи ва солдатлар ёрдамисиз Эралини бартараф этиниға ҳаракат қилди, бирок Оқмасжид миллий шўроси Сералининг изидан

кетмади. Шунда Серали «Халқ вакиллари шўроси» номли ташкилотни юзаға келтирди. Улғунча кенг програм билан бошланган бу йиғилишға алоқа кўрсатувчилар оз бўлди. У юқорида неми айтиб ўтилган Хусан Иброҳимни ҳам бу ташкилотға тортди...

Хусан Иброҳим Рус ишчи ва Солдатлар шўроси билан алоқаға кирди. Рус ишчи ва Солдатлар шўроси ва юқорида қайд қилиб ўтилганидек рившатхўрлиги ҳамда ёмон таржимаси учун ишдан қувилган Хусан Иброҳим билан гоятда мувофиқ дўстлар бўлиб чиқдилар ва бир-бирларини яхши аңладилар.

Русия ишқилоби бошланганидан эътиборан бизға, Туркистонға ўзининг нафратланган юзини кўрсата бошлаган эди...

Демак, мен Оқмасжидға келган чоғимда у ерда уч ташкилот бор эди:

1-Оқмасжид Район Миллий Шўроси (Эрали Қосим ранслиги остида); 2-Оқмасжид Район Халқ Вакиллари Шўроси (бошлиғи Серали Лопини); 3-Оқмасжид Ишчи-Солдатлар Шўроси Хусан Иброҳим бошчилигида бутун тилмочлар ичида ёмоннинг ёмони, чиркиннинг чиркин бўлган уйсурлар, техник ишчи сифатида, мана шу учинчи рус ишчи-солдатлари ташкилотига тилмочликка киргандилар.

Шаҳар халқининг ҳаяжон ичида ороми йўқ эди. Халқ бугунининг эртаси нима бўлишини қандай ҳодиса юз беришини билмас эди. Улар вазиятға шу даражада инонмас эдилар. Чунки ақли-боши жойида бўлмаган Аганов исмли бир рус темир йўли ишчисининг бошлиғи остидаги Ишчи-Солдатлар шўроси ҳар кунни бир тур, тушуниб бўлмайлиган, кутилмаган овоза тарқатиб турар эди. Қуролли солдатлар ҳар кунни уйма-уй юришиб тинтиб, кишиларни ҳибс этиб, хушларига келган ашёни олиб кетиш каби масъулият сезмаслик ҳаракатларини орттирмоқда эдилар. Миллий Шўрода эса Рус Ишчи ва Солдатлари шўроси тарафидан чиқарилган бу тартибсизликларининг олдини олишға етарли куч йўқ эди. Янги рус идораси эскисидан ҳам ёмонроқ бўлиб чиқди...

Серали Лопини билан менинги шахсий муносабатимға келганда, у киши мени ўз иниси каби яхши кўрар эди десам бўлади. Аммо сиёсий масалада эса биз бир-биримизға яқинлаша олмасдик. Бир хусусий учрашувда мен ундан неға ана шу ўтмиши ифлос бўлган Хусан Иброҳим билан шу қадар боғланиб кет-

гапсиз, деб сўрадим. Менинг бу сўроғимга Серали айнан бир вақтлар Ленининг Зиновьев ҳақида «Шундай чиркин телбалар сизга нимага керак?» деб қўйган сўроққа, «Кема фарқ бўлаётганда тешикларига тиклиш учун ҳар қандай пачава ҳам ишга ярайди»¹, деб қайтарилган жавобга ўхшаш бир жавоб берган эди. Демак, «инсон пачавалари» ҳақидаги ҳукмида ниқилобчи, марксист Ленин, бизнинг марксизм ва ниқилоб назарияларидан кўп узоқ қолган, марксизмнинг очиқ душмани Серали билан бир фикрда бўлиб чиқади. Ҳар иккаласи ҳам сиёсий курашнинг муайян давлатларида ҳар чиркин пачавадан ҳам фойдаланиш мумкин, деган фикрда эдилар.

Бизнинг ўзаро тортишмаларимиз Рус Ишчи ва Солдатлар Шўросининг ишини енгилашмоқда эди. Мен Оқмасжидда икки кунгина қолдим. Бу икки кун ичида Рус Ишчи ва Солдатлар Шўролари билан бирга иш олиб беришимиз мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Биз, сўзнинг ҳақиқий маъносидан келишолмас душманлар бўлиб қолдик. Мен бир нутқимда ниқилоб ва ниқилобдан қўлга киритган бизнинг ҳақ-хуқуқимиздан баҳс этган замонимда **тўпланишдаги** солдат ва ишчилар «Бизга Петербург адвокати керак эмас, ҳокимият биз солдатларнинг, ишчиларнинг ҳокимиятидир!», ҳатто «Уни ўлдириш керак!» деган бақаришлар билан бир печа бор сўзимни бўлдилар.

Мен «Рус ниқилобчи демократияси»нинг ташкилоти Ишчи ва Солдатлар Шўроси билан илк қаршилашимим мана шу шаклда бўлган эди. Бу эса келажак учун ҳеч қандай бир яхшилик замани бўла олмас эди...

Биз ўз миллий кенгашишимизни чақирдик. Туркистон марказий Ишчи ва Солдатлар Шўроси ва муваққат ҳукумат қўмитаси воситаси билан қурилган Оқмасжид Ишчи ва Солдатлар Шўросига таъсир этиш ва бу йўл билан маҳаллий, миллий муассасаларга ҳаракат қилиш имконига эришиш кераклиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Оқмасжиддан Тошкентга қараб бораётганда Жўлак (Байкақум), Чияли, Янгиқўрғон, Туркистон, Арис ва бошқа ерларда маҳаллий халқ намояндаларидан учратган кишиларим ҳаммаси рус солдатлари

¹ Кейинроқ «Коминтери» бошлиғи тайин этилган Зиновьев мана шу «инсон пачаваси»дир.

шўроси зулмидан шикоят этдилар. Саводсиз қуролли солдатлар тилмочлар билан бирга овулма-овул юриб, маҳаллий миллий ташкилотларининг иш ва васиқаларини текширишга бошлаган эдилар. Бу саёхатчилар ҳақиқатда эса, мол-бойлик тўплаш саёхатлари эди. Халқни очиқдан-очиқ таладилар. Бу рус солдатлари шўросининг вакиллари ёнида эски пайтдаги пристав, жандарма маъмурларининг қилган ёмонликлари «болалар ўйини» каби бўлиб кўриниб қолди. Келажак бундан ҳам қўрқинчлироқ бўлиб кўрина бошлади.

Тошкентда биз қандай бир вазият қаршисида бўламиз? Ажабо, маҳаллий «Ишчи-Солдат Шўролари»нинг ерли халққа кўрсатаётган зулм ва худбинликларини Тошкент воситаси билан тўхтатиб, халқнинг ҳақ ҳаётини қайтариш мумкинми? Агарда марказий Ишчи ва Солдат Шўролари ҳам ўзининг Оқмасжид шўъбаси аҳвол-руҳиясида бўлса, нима бўлади?

Мана шу қарама-қаршиликлар ва ҳаяжонли ўйлар ичида 10. 4. 1917 тарихда Тошкентга келдим. Станциядан тўғри Туркистон вилоят ишчи ва солдат шўроларининг тўпланаётган съездига бориш мақсадида эски Воли саройи¹ томон йўл олдим.

IV

Бугунги Воли саройидан туркистонликлар кўнгилида қайғули хотираларгина қолган. Туркистон халқининг бу саройга қайси кўз билан қараганини, унга қарши бўлган ғазаб даражасини кўрсатиш учун ёлғиз бу саройни ичида яшаганлардан бир нечтасининг исмини эслатиб ўтиш kifоя этса керак. **Генерал Духовский** 1898 йилги Андижон кўзғолонидан кейин бутун Андижон уламо, руҳонийларини масжид жомега тўплаб, ҳаммасини тиз чўкиб сажда этишга мажбур этган. Энг улуғ саналган уламолардан бир нечтасининг саждада ётган боши устида босиб ўтган ҳам ана шу Духовский эди. Бундай хўрланишни ҳеч бир туркистонлик унутмаган бўлса керак.

Генерал Иванов, бу киши Тошкентни руслар олиш пайтида ёш зобит бўлароқ қатнашганлардан бири эди. У киши ўз қўли остидаги маъмурларга ерли халқларга нисбатан ҳеч қандай ачинмаслик керак-

¹ Тошкент метросининг ҳозирги «Мустақиллик майдони» бекати устидаги бино (қисман сақланган).

лигини, унга ҳар замон рус муштини кучини кўрсатиб туриш лозимлигини талқин этарди.

Золм рус умумволилари ичида энг чиркин ва гаддор бир тип — генерал Самсонов: «Рус мужигининг ўгриси ҳам ҳар қандай туркистонликдан, унинг авлиёсидан ҳам яхшидир», деган киши эди. Вилоят ва район бошлиқларига туркистонликларнинг муҳожирот идораси тарафидан ишланган ҳақсизликлар устидан келтирилган аризаларни қабул этилмаслигини ҳам шу зот буюрган эди. Авлиёота масжидига Чорнинг ва ўзининг расмини остирган кимса ҳам ана ўша Самсонов эди...

Генерал Мартинс... туркистонликлар ҳар бир рус зобити ва маъмурини кўрганда ўрнидан туриб қарши олишга мажбур, деган машҳур 1916 йил, 3 август тарихли буйруқ мана шу генерал Мартинс томонидан чиқарилган эди. Бу генерал замонида биз туркистонликларга ўз юртимизнинг шаҳарлари, боғчаларида, кўчаларида ўтиришга руҳсат берилмас эди...

Буқаламунлиқнинг ниҳоят подир намунаси умумий воли генерал Куропаткин бўлган. Бир тарафдан ўз саройида Туркистон халқининг вакилларини «Бир қардош» каби қабул этган бўлиб кўринса, орқадан эса, Еттисувдаги бутун қозоқ, қирғизларни қувиб, ерларини рус муҳожирларига бўлиб бериш амрини бериб турарди. Жиззах шаҳрининг ва кўп қишлоқларининг вайрон этилиши, Фолбаум, Иванов, Краселинков ва бошқаларнинг идораси остидаги жазо гуруҳлари томонидан қирилган ўн мингларча маъсум халқ қонининг масъулияти ҳам ана шу генерал Куропаткин устидадир.

Бу умумий воли сарой ёнидан ўтиб бораётганда туркистонликлар қўлларини қовуштириб, бошларини эгиб, арзи таъзим этиб ўтишлари керак эди... мана шу саройида вилоят шўролари ва Туркистон ижтимоий уюшмаларининг қурултойи тўпланмоқда эди...

Саройнинг буюк қабул зали, деворлардаги Чор ва унинг овласи, умумий воли расмлари бутунлай туширилган. Фақат Туркистоннинг руслар тарафидан истило этилиши ҳодисаларидан турли саҳналарни кўрсатиш учун машҳур расмлар Вершагин тарафидан чизилган буюк расмлар осилиб турарди. Ғолибо, булар рус ҳокимиятининг давомини кўрсатиш учун қолдирилган эди... Буюк зал аралаш ўтирган руслар ва туркистонликларнинг вакиллари билан тўлган эди.

Узуи стол атрофини руслар ва ўзларини рус деб билган яҳудийлар ҳайъати аъзолари тўлдирган эди. Уртада янги Тошкент шаҳар бошлиғи (Баладий раиси) Иванов ўтирарди. Бизнинг туркистонликлардан кўк кўзли, узун бўйли Маҳмуд Хўжа Бехбудий афанди билан калта бўйли Убайдулло Хўжа кўзга ташланар эди. Четда, столининг охирига яқин бир ерда Шоислом Шоаҳмад ўтирарди. Унинг яқинида қоп-қора Сарикбай Оқой ўгли бор эди.

Залга кирган чоғимда мен танимайдиган бир рус мишбарда эди. У кишининг қайраб-қайраб, такрорлаб сўзлаган сўзларидан қуйидагилар хотирамда:

«Иқилобни рус иқилобчилари, рус ишчилари, рус солдатлари амалга оширдилар. Шунинг учун Туркистонда ҳам идора, ҳокимият биз русларникидир. Ерлилар биз нима берсак, шу билан қаноатланишлари керак...»

Бу сўзларни сўйлаган Қўқон мактаби муаллимларидан, халқчи социалистлар группасига мансуб Некора исмли киши эди. Некоранинг сўзи тугагандан сўнг, танаффус эълон этилди. Бизнинг орамиздан Некорага жавоб бермоқчи бўлганлар кўпгина чиқди. Мажлисни қўзиб юбормаслик учун фақат Шоислом Шоаҳмаднинг сўзлаши тўғрисида ўзаро англашдик.

Шоаҳмадбек кўп яхши жавоб қайтарди. Фақат Некора нутқи билан ўртага чиққан таъсир бутунлай тарқалиб кетмагандек бўлди. Қурултойга қатнашган рус кишиларининг қайси фирқага мансуб бўлганлигига қарамай ҳаммаси Некоранинг очиқ сўзлаб юборган фикрини дастаклаб, фақат «Иқилобчи назокати» ишлагани каби бўлибгина очиқчасига сўзлаб юборишдан тортиниб турганликларни сезилди ва кўринди.

Қурултойга Туркистоннинг барча қисмларидан кишилар қатнашган. Шунинг учун улар воситасида атрофдаги аҳвол билан танишмоқ фурсати ҳам вужудга келган эди. Кўпгина вакиллар муайян талаблар кўрсатилган мапдат (гувоҳнома)лар билан келган эдилар. Халқ ва мамлакатни «Ишчи ва Солдатлар Шўроси» ҳокимиятидан қутқариш кераклигини бутун атроф вакиллари бир оғиздан талаб этмоқда эдилар. Вакилларнинг сўзларидан «Ишчи ва Солдатлар Шўроларининг эски приставлардан ҳам ёмон бўлганликларни очиқ кўринмоқда эди. Аҳолини турли йўллар билан қийнаб таламоқда эдилар. Баъзи бир ва-

киллар: «Бизга қурол берингиз», деган қатъий талаб билан келган эдилар. Фақат ким уларга қурол берсин? Инқилобнинг биринчи кунларидан бошлаб бутун ҳокимият кучи «Ишчи-Солдатлар Шўролари» қўлига ўтган. Буни бурунги умумий воли саройида тўпланган қурултойда ҳоким бўлиб турган аҳвол-руҳия ҳам очик кўрсатмоқда эди. Биз кўнчилик бўлсак ҳам, кучли ташкилотга эга бўла олмаган эдик. Шу сабабдан ҳам энг қонуний ҳақ, даъволаримизни амалга ошира билмиш имконидан маҳрум кўпчилик эдик. Озчилиكنи ташкил этган руслар эса бутун идора аппаратини, қуролли кучларини ва бошқа воситаларини қўлда сақлаш билан вазиятга қўмондонлик қилиб турарди. Русларнинг Ишчи ва Солдатлар шўроларига қарши бўлган табақалар эса, бизнинг халқимизга ҳайвончасига зулм этиб турган «Ишчи-Солдат Шўролари»дан ҳам ёмонроқ душманларимиз эди. Биз туркистонликлар эса вилоят қўмиталаридан юқорига кета олмадик, ҳатто айни доирада бир-бирига қаршилиқ қилишдан бошқа, иш билмаган бир неча уюшмалар учратилган эди. Ҳар бир район ёки вилоят ташкилоти ўзини мустақил бир тузум деб биллиб, у доира ҳақида гапиришга ёлғиз ўзинигина салоҳиятли деб биларди, ўз ёнидаги иккинчи бир ташкилотга эса, на қиймат, на аҳамият берарди. Бу бир-бири билан уришиб-тортишиб яшаган доиралар сиёсий ва мафкуравий програм жиҳатидан эмас, ёлғиз бошдаги кишиларнинг шахсий қаршиликлари юзасидан тортишар эдилар. Бу ҳол бизга ҳеч қандай яхшилик ваъда этмоқда эмасди. Буни руслар яхши текшириб, билиб борардилар. Шунинг учун ҳам улар бизнинг миллий талабларимизни эътиборга олмай жасоратли одимлар отмоқда эдилар.

Қурултойдаги руслар орасида икки оқим кўринди: булардан бири «Ишчи ва Солдатлар Шўроси», булар бизнинг ерли ташкилотларни советларга боғламоқчи бўлардилар. «Ишчи ва Солдатлар Шўроси»нинг фаол душманларидан тўпланган иккинчи оқимнинг бошида собиқ Тошкент шаҳар бошлиғи (Баладия раиси) ва Туркистон вилояти расмий газетасининг бош муҳаррири Маллицкий турарди. Иккинчи оқимдаги руслар ерликларни руслардан айириб, бир-бирига душман икки группа яратишга уридилар. Маллицкий Тошкентда (Умумтуркистон шаҳарларида) бири рус, иккинчиси ерли аҳолига маҳсус бўлмоқ учун икки мус-

тақил шаҳар идораси қуриш лойиҳасини чиқарди. Маллицкийнинг далили ҳам гоёт содда эди. У «Руслар ерларига қарши аҳамият бўлиб қолмасликлари керак» дерди. Бу ерда Маллицкий лойиҳасининг тафсилотига киришни истамайман, чунки кейинроқ бу масалага яна қайтажакман. Маллицкий лойиҳаси қурултойдаги рус вакиллари, ҳатто энг сўл инқилобчи фирқалар тарафдорлари томонидан ҳам эътирозга учрамади. Бу лойиҳага қарши Туркистон халқ вакилигина сўзлади. Ниҳоят лойиҳа қурултой кунидан тўширилди. Фақат шунинг ҳам қайд этиш керакки, қурултой у лойиҳани рад этиб қарор чиқармади...

Некоранинг жуда ҳайрат яратган нутқи билан Маллицкий лойиҳаси ва унинг атрофида юририлган муноқишаларни тинглаш бизнинг маҳаллий-миллий доираларимиз орасида туғилиб ўсиб бораётган Миллий Марказ керак деган фикрнинг амалга ошишини тезлатган бўлди. Бунинг учун маҳсус қурултой тўпламоқ ортиқча топилди. Туркистоннинг ҳар томонидан сайланиб келган вакилларининг ҳозир бўлганлиги бундай марказий бир ташкилотни сайлаб қолдириш имконини бермоқда эди. Шундай қилиб «Туркистон Улка Марказий Мусулмон Шўроси» исми билан марказий ташкилот қурилади. Бу марказий миллат ташкилотга ҳар вилоятдан вакиллар кирди. Вилоят миллий шўролари раислари бу Марказий Шўронинг аъзоси саналар эдилар. Тезда доимий суръатда Тошкентда ўтирмақ учун ижроия комитети ҳам сайланди. Улка марказий шўросининг раиси бўлиб мен сайланган эдим...

Энг муҳими Миллий Марказининг бошлиғи бўлмоқ хуш кўринадиган бир нарса бўлса-да, марказий шўро аъзоси ичида ёш жиҳатдан энг кичиги бўлган ҳолиманда раислик ўрнига тушиб қолишим менга жуда оғир таъсир этди. Чунки бу ҳол менинг шахсий қадр-қимматим натижаси бўлмасдан, бизнинг зиёли кучларимизнинг озлиғи ва унга бўлган ташналигимизни кўрсатарди...

Мен ўзим Туркистон миллий ҳаракати қурилишида энг охириги оддий бир киши, қора ишчи «мардикор» бўлиб қатнашсам ўзимни нақадар бахтли билардим! Бироқ тақдир мени миллий ҳаракатимиз, миллий қурилишимизнинг энг нозик ва масъулиятли

бир даврида ўлка миллий ташкилотининг бошига келтириб қўйди.

Бизнинг Улка Миллий Шўромиз қаршисида ғоят муҳим масалалар турарди. Вилоят ташкилотларимизни оз бўлса-да, тартибга солмоғимиз керак эди. Муваққат ҳукуматининг Туркистон Қўмитаси, «Ўлка Ишчи ва Солдатлар Шўроси» каби муассасалар билан муносабат юритиш, мажлиси муассасон (таъсис мажлиси) сайловларига тайёргарлик каби бир қатор масалалар тўпланиб ётар эди. Ҳозирдаёқ сўзлаб қўяй-ки, эришган муваффақиятларимиз кўп бўлмади.

V

Умумий, ахлоқий ва фалсафий нуқтан назардан, яхши ва ёмон халқлар, деган нарсая йўқ ва бўлмайди. Бутун халқлар тенгдирлар. Бироқ сиёсий нуқтан назардан эса масала бошқачароқ. Бу борада халқлар ҳозирлиги, ўз ҳозирлиги деган каби бир қанча табақаларга бўлинадилар. Хусусан, эски Чорлик ва бугунги совет Русияси каби турли миллатлардан тузилган «Қурама давлат» ичида тенглик ҳуқуқи ва ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласи устидаги кураш даврида бу фарқларнинг аҳамияти анча муҳимдир. Бу курашда сиёсий ҳозирлик билан ҳозирсизлик орасидаги фарқ нимада эканлигини биз туркистонликлар ўз тажрибамизда кўриб билганмиз.

Туркистон турклари Осиё халқларининг кўпчилиги билан ҳар хусусда бўй ўлчаши билиш қудратида ва ўз бошларига бир давлат қуриб уни юрита билиш тайёргарлигидадир. Бу қурадиган давлатлари бир қанча қўшниларига қараганда яхши бўлмаса ҳам улариникидан ёмон ҳам бўлмасди. Лекин тақдир бошқачароқ бўлиб чиқди. Биз вақт-ла ҳозирги замон сиёсий қурилиш эътибори билан биздан олдинда бўлган буюк бир халқнинг чапгалини тушиб қолдик. У биздан бойроқ бўлгани каби биздан кучли ташкилот қура билган, ҳар жиҳатдан биздан ортиқ қуроллана билган эди. Бу халқнинг чапгалидан чиқмоқ учун бизнинг миллий ҳақ йўлида юритган курашимизнинг муваффақиятли чиқиши учун ҳозирги замон сиёсий ҳозирлик савиямиз 1917 йил инқилоби давридагига нисбатан анча юксак бўлиши керак эди.

Гарчи инқилоб бизни туртиб кўзимизни очиб анчагина олға сурган бўлса ҳам сиёсий уюшма учун бунинг ўзи кифоя этмас эди. Турли жиҳатдан ҳозирланган мутахассис кучлар ва халқ оммасини уюш-

тирувчи ташкилот яратиш тажрибаси лозим эди. Бунинг ҳар иккиси-да бизда етарли даражада йўқ эди. Буларнинг ўрнини эса на миллий ҳаяжон ва на инқилобий интилиш тўлдираладилар. Билармон-мунаввар куч, ташкилот тажрибалар эса тарихнинг тинч, нормал вақтларда етиштирилиб, қозонилажак унсурлардир.

Тарихнинг ҳозирги замонлари эса биз учун оғир бир миллий асорат, зулм даври бўлиб кечди. Мана энди миллий уюшма ва унга ҳозирланиш йўлидаги тўсқинлар битди, эркин юра биламиз деган бир пайтда ўтган даврнинг оғир натижасини сеза бошладик. Биз инқилоб келтирган имкониятлардан миллий манфаатларимиз учун фойдалана олмадик.

Бизнинг йўлимизда буюк тўсқин турарди. Буларнинг бири миллий ҳаракатларимизнинг асосий душманлари бўлса, иккинчиси ўзимизнинг ўртада қолганлигимиз ва муташаккил ҳаракат йўлидаги тажрибасизлигимиз эди. Бу тўсқинларнинг энг қўрқинчлиси ҳам ана шу иккинчиси эди.

Миллий марказимиз қурилгандан сўнг камчиликларимиз анча ойдинлашиб кўрина бошлади. Атрофдан миллий марказга кела бошлаган материаллар янги вазиятни англаш ва унга қараб ишлашда тартиб йўқлигининг қўрқинч бир кўрнинишини очмоқда эди.

Туркистоннинг дала доиралари бутунлай Рус Ишчи ва Солдатлари Шўроси ҳукми остига тушиб қолган эди. Миллий ташкилотлар эса уруғ ташкилоти негизда қурилиб кўпинча бир-бирлари билан англашолмаганлари туфайли Рус Ишчи ва Солдатлар Шўроларининг Туркистонга қарши ҳаракатларини қувватлантирмоқда эди.

Туркистон шаҳарлари, хусусан, қишлоқ ташкилотлари Ишчи ва Солдатлар Шўроси таъсиридан бир озгина озод эди. Бунга қарши у ерларда «Жадидчилик», «Қадимчилик» кураши шиддатли эди. Бироқ бизнинг миллий, ижтимоий уюшувимиз боқимидан чиқиши мажбурий ва табиий бўлган бу кураш рус ҳокимияти шароити остида қўрқинч вазият яратди.

Туркманистонда эса бу ўзаро курашлар қозоқ-қирғизлар орасидагидан ортиқроқ уруғчилик характерида эди. Бунинг устига туркманлар Умумтуркистон миллий ҳаракатидан тертишиброқ турдилар ва Туркистон Миллий Марказига намояндаларини юбормасдилар.

Миллий Марказнинг маҳаллий ташкилотларни яраштириш, уларга бир турда шакл бериш ҳақидаги уринишлари кўпинча натижасиз қолди. Марҳум муфти Маҳмуд Хўжа Бехбудий Афанди, Носирхон Тўра, Обиджон Маҳмуд, Мир Одил ака ва бошқалар каби кишиларнинг ғайрат ва ҳикматлари соясида Самарқанд ва Фарғона вилоятларида район ва вилоят ташкилотларининг бир даража йўлга қўя билган эдик. Бошқа ерларда эса ишлар бизни сўнг даражада қайғуртирадиган ва Ишчи ва Солдат шўроларини севинтирадиган бир вазиятда бормоқда эди.

Ички тортишмаларнинг умумий Туркистон миллий манфаати учун энг қўрқинчли шакл олган ери-да Тошкент эди. Гарчи аслида ўлка ташкилоти деб аталган бўлсалар ҳам, ишда бутун ўлка аҳолиси ақвол-руҳиясига таъсир этмоқчи бўлган икки муҳим ташкилот — «Шўрон Исломия» ва «Уламо Жамияти» бир-бирига қарши шиддатли курашмоқда эди.

Мунаввар Қори бошчилигида «Шўрон Исломия» янги давр амри билан турмуш талаблари ва юртизмизнинг ёт истило асоратидан вужудга келган шароитни кўзда тутиб ислохот планини ўртага ташлаган эди. Туркия, Афғонистон, Эрон, Миср ва бошқа араб ўлкалари каби ҳур, мустақил ва ярим мустақил ислом мамлакатларида кечирилган ва кечирилаётган тажрибалар миллий ҳаракатимизнинг қайси йўл ва истиқоматда бориши лозимлигини очиқ кўрсатмоқда эди. Эски насалининг бепоён ҳужум ва сўқишларига учраган, англашилгандек ҳозиргача давом этаётган жадидчилик йўл ва истиқомати мана шундан иборат эди.

Марҳум Серали Лопин бошчилигидаги «Уламо Жамияти» эса масалага бир оз бошқача ёндашди. Инқилоб, яъни Русияда идора режимининг ўзгарishiни «Уламо Жамияти» Ҳазрати Усмон замонидан бери мусулмон халқлар тарихида кўрилмаган Халифан Рашидиддин давлатчилик қурилишини қайтариш фурсати деб кўрмоқчи бўлди. «Уламо Жамияти»нинг раиси Серали Лопин ўз жамияти номидан Муваққат ҳукуматининг Туркистон қўмитасига топшириш объектив Туркистонда «Маҳкаман Шарнат» исми билан вакиллар мажлиси (Сенато) қуриб, Бутунрусия Таъсис мажлиси ва Умумрусия парламент тарафидан Туркистонга доир чиқарилаётган қонунларнинг бу маҳкаман шарнат тасдиғига тобе бўлишини

талаб этилганди¹. Мусулмонлик нуқтан назаридан бу жуда ҳам ёқимли бир таклиф эди. Бироқ бир сиёсий талаб бўлароқ ёш боланинг «Ойни тушуриб бер» деган талабига ўхшарди. Бу юксак мусулмонлик ғоясини амалга ошира билмиш учун энг аввал Туркистон Русия асоратида батамом қутулиши керак эди. Фақат «Уламо Жамияти» эса у замонги бутун миллий ташкилотларимиз тарафидан тасаввур этилган Русия федерацияси ичида мухториятгина талаб этарди.

Кейинроқ айни лойиҳа кичик ўзгартмалар билан Туркистон большевик шўроларининг учинчи қурултойига тақдим этилди. Бу замон «Уламо Жамияти» Туркистон ҳақидаги қонун-тартиб ва тадбирларни шароитга уйғун қилиб юритган тақдирда совет ҳукумати билан бирга ишлашга рози бўлганлигини билдирган эди...

«Шўрон Исломия» билан «Уламо Жамияти»ни келиштириш йўлидаги уринишлар ҳеч қандай фойда бермади. Қурултойларимизнинг бирида Туркистоннинг ҳар тарафидан келган вакиллар қатнашуви билан бир ҳайъат тузилди. Бу ҳайъат икки уюшмани келиштирув йўлларини қидирди. Ҳайъат бу мақсад билан Шайхандтавур мадрасасида «Уламо Жамияти» тўпланишига қатнашди. Аммо ҳеч қандай натижага эришолмади.

«Уламо Жамияти» Тошкентда халқ табақасининг кучли нуфузидан фойдаланмоқда эди. Бу вазият «Уламо Жамияти»нинг сиёсий хатти-ҳаракатдаги уйғунсизликларини ҳам беркитиб кетмоқда эди.

«Уламо Жамияти» ва «Шўрон Исломия» орасидаги келишмовчилик бизнинг умуммиллий курашимизни заифлаштирмоқда ва ишларимизни чувалаштирмоқда эди. Иккинчи тарафдан «Уламо Жамияти»

¹ Бу прожа (лойиҳа)да сиёсий тушунчалар асар бўлмай, «Уламо Жамияти» бошлиғининг кечирган икки фожеасининг натижаси бўлганлигини мен сўнгра англадим. Олмония мағлуб бўлиб инграётганда Берлин кўчаларидан бири ўртасида қўлига Қуръон олиб ўзини сақламоқ, фожеадан қутулмоқ учун олмонларнинг Ислом шарияти йўлини қабул этишлари лозим эканлигини сўзлаганини, демак, уларнинг мусулмонликка даъват этганини Серали Лопин 1919 йили Бокуда ўзимга айтганди. Заволли Серали мусулмон. Туркиянинг христиан Олмониядан анча аввал мағлуб бўлиб қолганини, мусулмон халифасининг ўз мусулмонлари — арабларнинг халифага қарши исён байроғи кўтарганликларини бутунлай билмоқ ва кўрмоқ истамеган.

нинг сиёсий программаси миллий ҳаракатимизнинг очиқ душманларига бизга қарши қурол бермоқда эди. Айни замонда у Туркистон мухториятини қабул этганини очиқ сўзлаб, уни ўз програмига киритган «Вақтли ҳукумат»нинг бир қисмидаги бизнинг ишларга бўлган симпатиясини ожайтормоқда эди. Чунки дунёнинг ҳеч бир ерида бир давлат «Уламо Жамияти» лойиҳасининг талаби каби умумдавлат муассалари тарафидан чиқарилиб қонунни маҳаллий шарият муассасанинг қарамоғига, тасвибига тобе бўлишни қабул этаолмас эди.

Бу икки жамият орасидаги қаршилиқ Тошкент **баладия**¹ сиининг сайлов замони очиқ кураш шаклини олиб кетди. Бу тортишмаларда бир тараф иккинчисига қарши қандай воситалардан фойдаланиб кураш олиб боргани ҳақида бу ерда ёзиб ўтирмоқчи эмасман. Хуллас, «Уламо Жамияти» лестаси² голиб бўлиб чиқди. «Уламо Жамияти» ўзининг муваффақиятини бир миллий муваффақиятга айлантира билса эди, мен жондан севишган бўлардим. Афсуски, иш бундай бўлиб чиқмади. Сайловни қозониб чиққанлар овози билан бир ўнг рус монархисти баладия раислигига сайланди. Баладия раислиги учун «Уламо Жамияти» тарафидан кўрсатилган номзодлар орасида 1916 йили Жиззах шаҳрининг яксон этилишидаги масъулиятлилардан, Самарқанд вилоятининг ҳарбий волиси генерал Ликошин ва 1916 йили исёнга қатнашганлик билан айбланиб ўлимга маҳкум этилган туркистонликларни афв этиш ҳақида генерал Куропаткинга мурожаат телеграми ёзувдан бош торган ва ғайрихлоқий ҳаракати учун Туркистон маҳкамаси тарафидан адвокатлик ҳақидан маҳрум этилган **Арсаниев** каби кишиларнинг борлигини юзларим қизармай эслай олмайман. Мана шундай виждони ва панжалари гуноҳсиз туркистонликлар қони билан бўялган кишиларни «Уламо Жамияти» Тошкент баладияси бошига келтирмоқчи бўлган эди.

Бир руснинг баладия раислигига сайланишининг ўзи сайловни қозонган кўпчилигининг иш олиб боришдан ожиз эканини кўрсатадир. Шу сабабдан, Туркистон миллий ҳаракати душманлари «Туркистонликлар мухториятни қандай идора этадилар?» деган

масалани чиқардилар. Баладия раислигига сайланган кишининг монархист эканлиги очиқ англашилгач: «Баладия сайловини қозонган бу кўпчиликка инқилоб ишларини топшириб қўйиш мумкинми?», деган жиддий бир сўроқ пайдо бўлди. Чунки, Туркистон мухторияти масаласининг ўзи инқилоб маҳсули, яъни инқилобнинг ўзи демак эди.

Тошкент баладия сайловидан сўнг, «Шўрон Исломия»нинг нуфузи ва эътибори, рус инқилобчиларининг бизнинг миллий ҳаракатга алоқа кўрсатган қисми назардан ҳам анчагина тушган эди. «Ишчи-Солдатлар шўроси»дан тортиб то ҳукумат қўмитасигача муслмонлар кўпчилигининг рус монархистлари билан иттифоқи бир реакцион туғилиши мумкин, деб қўрқа бошладилар. Туркистон марказий Ишчи ва Солдатлар шўроси, рус монархистлари муттафиқи «Муслмон реакциячиларига» ва мухториятчиларга қарши курашга ҳозир бўлиш ҳақида ҳар тарафга телеграмлар йўллади. Ишчи-Солдатлар Шўроси ва Ҳукумат қўмитаси тўпланишида, вақти билан Маллицкий тарафидан киритилган Туркистонда баладияларни муслмон ва рус қисмларига айириш лойиҳасига қайтиш масаласи янгидан кўрилди. Петербургдаги муваққат ҳукумат доирасида бир қисм аъзосини ҳукумат тарафидан берилган топшириқ асосида юритиладиган баладия ижроия идораси яратиш назарияси вужудга келди. Бу лойиҳаларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг миллий ишимиз учун зарарли бўлгани каби ҳиссиятимиз учун ҳақорат демак эди...

Афсуски, биз шундай заиф бир вазиятда бўлганимиз сир эмас. Бир гуруҳ рус солдати, рус ишчиси бизнинг ҳақимизда бу қадар роясизлик, ҳурматсизларча ҳаракат жасорати кўрсата билди ва инқилобчи Муваққат ҳукумат ҳам бизни инқилобнинг келтирган асосий ютуғидан маҳрум этишни мумкин ва лозим топди. Табиий, биз бу лойиҳаларга қарши шиддатли эътирозлар билдирдик, кўпчилик ҳаққимизни талаб этдик. Бироқ ўз-ўзимиз учун эътироф этишимиз керакки, бу ёқимсизликларни бутун гуноҳи ўз устимизда эди. Бизнинг кучсизлигимиз, бизнинг сиёсат соҳасида орта қолганимиз ва ҳаракат эта билмаганимиз, сиёсий масалаларни турмушнинг бошқа масалаларидан айира қўя олмаганимиз устимизга бу қадар оғирликларни келтирмоқда эди.

Миллий марказимизнинг порозилиги Улка Ишчи

¹ Шаҳар.

² Салмоғи.

ва Солдатлар Шўроси ва Ҳукумат қўмитаси ҳаракатига моне бўлароқ таъсир кўрсата олмади. Маллицкий лойиҳаси баъзи бир ўзгартишлар билан тасдиқ учун Петербургга юборилди. 1917 йили июл ойининг охирида, бу лойиҳа муносабати билан. Муваққат ҳукумат мени Петербургга чақирди. Мен кучим етгунча кўпчилик ҳақи асосини ёқладим ва қабул эттиришга тиришдим. Зотан, Миллий Марказимизнинг қарори ҳам шу мафҳумда эди. Вақтли ҳукуматнинг бошлиғи ва ички ишлар нозирини билан бўлган хусусий кўришимларимда Тошкент баладия сайловида кўпчилик қозониб чиққан группанинг баладия раислигига бир монархистни сайлаб қўйгани учун таассуф билдирдим. Кенг илқилобчилик тажрибаси бўлган ички ишлар нозирини менга: «Энди сиз бу реакциянер уламо кўпчилигига итоат этасизми?», деган сўроқ берди...

Мен эса: «Табиий, итоат этаман ва этамиз, чунки, бу кўпчилик Тошкент аҳолисидир, халқимизнинг бир қисми томонидан озод сайловда сайланиб келтирилди», деган жавобни бердим.

Бунга қарши у: «Ярамас илқилобчи экансиз», деб қўйди. Мен ҳам: «Бу мумкин. Сизнинг, рус илқилобчиларининг тушунчаси қаршисида ўзимни бир илқилобчидап зиёда бир миллатчи бўлганимни сезаман», дедим.

Тошкентда икки шаҳар баладиясини тузиш лойиҳаси Вақтли ҳукумат ишлари орасида қолди, Ҳукумат уни тасдиқ ишида ошиқмагани каби уни рад этмади. Бу лойиҳа масаласи 1917 йили сентябрда, Миллий марказимизнинг кўрсатуви ва Муваққат ҳукумат бошлиғи Керенскийнинг шахсий талаблари билан мен Вақтли ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси аъзолигига тайинланганимдан кейин ечилди.

VI

Вақтли ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси ва Туркистон Марказий Ишчи-Солдатлар шўроси тарафидан ҳукуматга тақдим этилган Тошкент баладиясини ерли ва рус баладияларига ажратиш прожасидан кейин бошқа бир прожа ҳам ўртага чиқди. Бу прожада Умумрусия Таъсис мажлисига Туркистондаги рус аҳолидан айрим вакиллар сайлатиш лани тақлиф этилмоқда эди. Бу прожани тузувчилар, Рус Ижти-

мой Ташкилотлари Бирлиги эди. Уни илк бор тошб ўртага чиқарувчи эса социалист революционер Михаил Сусновский эди. Туркистон олти сайлов доирасига айрилган эди. Бу доираларнинг ҳеч бирида русларнинг соли ўзларига айрим вакил чиқара билиш даражасида эмас эди. Ана шу жиҳатдан прожа муаллифлари (Рус Ижтимоий Жамиятлари Бирлиги) бутун Туркистондаги русларни бир сайлов доирасида деб қабул этиб, уларнинг ҳаммасини овози билан айрим вакиллар чиқаришни кўзда тутмоқда эдилар. Улка Ишчи ва Солдатлар Шўроси русларнинг бу талабини очик тасдиқламаган бўлса-да, рад ҳам этмади. Ҳукумат қўмитаси эса бу прожага анчагина қизиқди. Бу Туркистондаги русларга Туркистон халқидан айри бир сиёсий турмуш ҳақи бериш мақсади миллий Туркистоннинг келажак сиёсий илқишофига анча таъсир этишини узун изоҳлаб ўтириш керак эмас. Айрим рус баладиялари таъсис мажлисида, Туркистондан алоҳида рус вакиллари деган хусуслар юрти-мизнинг миллий вужудига қадалган бир ханжар ва ўлдирувчи бир заҳар эди. Энг қизиги шундаки, Туркистоннинг миллий қурилишига душман, илқилоб асосларига қарши, Туркистонда ерлилар билан руслар орасидаги муносабат нуқтан назаридан сўнг даражадаги хавфли прожалар, Муваққат Ҳукумат қўмитаси тарафидан ёрдам кўрмоқда эди...

Ҳукумат қўмитаси деган нарса ўзи нима эди? Бу сўроқнинг жавоби ниҳоятда муҳимдир.

Илқилобчи Вақтли ҳукумат тушунчасида, Ҳукумат қўмитаси янги илқилобий даврининг сиёмаси демак эди. У Туркистон илқилобий ташкилотлари, яъни бизнинг Миллий марказимиз ва Улка Ишчи ва Солдатлар Шўроси билан англашма йўли орқали Туркистонни идора этажакди. Улкада ниҳоятда кўпчиликни ташкил этганимиз учун, табиий Ҳукумат қўмитаси қарор бериб иш юритар экан, энг кўпи бизнинг раъйимиз билан ҳисоблашмали эди. Бахтга қарши, ташкилотимизнинг кучсизлиги, техникавий имкониятларимизни йўқлигидан биз кўпчилигимиздан фойдалана олмадик.

Вақтли ҳукумат Туркистон қўмитаси илк қурилишида 9 кишидан иборат эди:

1. Н. Н. Щепкин. 2. Пресображенский. 3. Липовский. 4. Ельпатовский. 5. Шкавский 6. Генерал Адул

Азиз Давлатшин. 7. Садри Мақсудий. 8. Муҳаммаджон Танишбой. 9. Алихон Бўкайхон.

Алихон Бўкайхон айни замонда Тўрғай вилояти комиссари бўлганидан Туркистон қўмитаси ишига ҳеч қатнаша олмади, ҳатто у киши Тошкентга ҳам келмади. Шунинг учун унинг Туркистон ҳукумат қўмитасига тайинлангани бир намоёншдангина иборат эди. Қолган 8 аъзонинг 5 таси рус, 3 таси турк эди. Преображенский ниқилобчи фирқа кишиларидан эди. Липовский эса бир вақтлар Тошкент гимназиясида ўқиган бўлгани учун қўмитага кириб қолган эди. Петербург адвокатларидан Ельпатовский эса ниқилобдан бир йил аввал Туркистонга бориб қайтгани учун қўмитага кирган эди. У киши бизнинг мамлакат масалалари, вазияти билан қизиқиб эмас, арзон баҳога кўп фойда келтирадиган ер топиб олиш фикри билан Туркистонга бориб қайтган эди. Шкавский қанзати эътибори билан сўл фирқа кишиларидан бўлса ҳам, рус муҳожирот сиёсатини энг фаол юритганлардан бири эди. Шу билан бирга айтиш керакки, у қўмитанинг рус аъзолари орасида Туркистонни билладиган биргина киши эди.

Энди бир оз қўмитанинг турк аъзолари ҳақида гапирайлик. Генерал Абдул Азиз Давлатшин ниқилобга қадар, ниқилоб бошлангандан сўнг ҳам рус ҳукуматининг эътиборини қозониб юрган нодир мусулмон генералларидан бири эди. У ҳеч турли сиёсат билан машғул бўлмас ҳамда сиёсатга қизиқмасди. Ҳеч кимга зарар келтирмагани каби фойдаси ҳам оз тегарди.

1916 йили генерал Куропаткин, генерал Абдул Азиз афандини Туркистонга ўз ёнига хизматга чақирди.¹ Табний, бу билан Туркистондаги сўнг чор умумий волиси Куропаткиннинг 1916 йили халқ исёнини бостиришда қилган зулми, ҳақсиз тўккан қонларнинг масъулияти ҳеч бир йўл билан генерал Давлатшин устига тушмади. Давлатшин Куропаткин ёнига хизматга борганда ҳам рус ўрдусининг содиқ зобити, итоаткор бир маъмур тарзида кетди.

Вақтли ҳукуматнинг Туркистон қўмитасига шундай итоаткор бир маъмур сифатида кирди. Табний, янги шароит ичида Туркистон учун фойдали бўла билмиш ўйида йўқ эмас эди. Ўзининг вазиятида эски режим

¹ Куропаткин, Абдул Азиз Афандининг тавсияси билан мени ҳам бир хизматга тайинламоқчи бўлган эди, бироқ мен қабул этмадим.

билан боғлиқдан вужудга келган қийинчилик ҳақида бир неча бор ўзимга сўзлаган эди.

Туркистон ҳукумат қўмитасининг иккинчи турк аъзоси Садри Мақсудийбек эди. Бу киши «кадет» фирқасига мансуб эди. Ниқилобнинг илк кунларида Петербургда тўпланган «кадет» фирқаси қурултоишида Русия қўли остидаги мусулмон аҳолисининг ўз тақдирини ўзи белгилашини «кадет фирқаси» билан боғлаш каби эҳтиётсизликда бўлинди. Садри Мақсудийбек Русия мусулмонлари ичидан Русия давлат думасига қатнашган кишиларнинг, шубҳасиз, энг танилгани эди. Бироқ унинг рус миллий либерал демократ фирқасига, яъни кадетлар фирқасига мансуб бўлиши ўзини кўп нуқталарда боғлаб тутмоқда эди.¹

Муваққат ҳукумат Туркистон қўмитасининг учинчи турк аъзоси туркистонлик муҳандис Муҳаммаджон Танишбой эди. Бу кишининг ҳам сиёсий кураши бир даража «кадет»ларга яқин эди. Уни яқиндан билувчиларнинг сўзларига кўра қобилъятли, яхши муҳандис бўлса ҳам, у муҳим бир сиёсий сиймо бўлмаган эди. Петербург муҳандислар институтини битирар-битирмас сиёсий ҳаракатга одим отган бу кишига Туркистон халқи нақадар умид боғлаган эди!..

Муваққат ҳукумат Туркистон қўмитасининг аъзолари боқимидан қурилиши мана шундан иборат эди. Ичларида ранс Шчепкиндан бошқа кўзга кўринган сиёсий сиймо йўқ эди.

Ҳукумат қўмитасидан биз туркистонликлар норози эдик. Биз Муваққат ҳукуматга Туркистон қўмитаси қурилишида ўзгаришлар ясаш, унга бизнинг сайлаган кишиларимизни келтирмоқ берасида таъсир эта билармидик? Табнийки, йўқ.

Ҳукумат қўмитаси ёнида бир кенгаш мажлиси қурилган эди. Бу кенгаш мажлисига ҳукумат қўмитаси аъзоларидан бошқа бизнинг Миллий марказ ҳамда Ишчи ва Солдатлар шўролари аъзоси кирарди. Бутун муҳим сиёсий масалаларни мана шу кенгаш мажлисида кўрилиб қарор чиқариларди.

Ҳукумат қўмитасининг тинч иш турмуши бир ярим ойгина давом эта билди. Қўмита Тошкентга келар-

¹ У замондаги турк сиёсий одамларининг кўпи, масалан, Юсуф Оқчура ва Али Мардонбек Тўпчибошдан бошлаб то бизнинг Алихон Бўкайхоғача ҳаммаси машҳур Милюков бошчилигидаги «кадет» фирқасига мансуб эдилар.

келмас, унинг раиси Шчепки билан Ишчи-Солдатлар Шўроси орасида келишмовчиликлар чиқа бошлаган эди. Продалди киши бўлган Шчепки Ишчи-Солдатлар Шўроси тарафидан бўлаётган тазйиққа тобе бўлиб қолганини истамади. Сиёсий жиҳатдан биз туркистонликларга озгина ҳам мойил бўлмаган Шчепки бу курашда бизларга таянмоқчи бўлди. Биз эса бундай кўмигага таянч бўлишни истамадик ва бўлмадик... Юракдан истамаганимиз билан ҳукумат кўмитасига қарши ҳам чиқмадик. Сиёсий фаолият деган нарсанинг ҳақиқий маъносини билаётган киши бизнинг фожеамизни англаса керак, деб ўйлайман. Биз ҳукумат кўмитасини ёқтирмадик ҳамда унга қарши курашини ҳам истамадик. Чунки биз учун жуда қўқинчли бўлган бир куч, яъни Ишчи ва Солдатлар Шўроси, бу ҳукумат кўмитаси ўрнига кўз тикиб турган эди. Бизнинг фаолиятимиз вазиятни ўлчаб бичмоқ ва фурсатни кутмоқдан иборат бўлиб қолди...

Тошкентда чиқаётган русча «Туркестанский курьер» газетаси 1917 йил, 5 сентябрь нусхасида: «Эски режим замонида рус тўпларига тушган вазифа энди Ишчи ва Солдатлар Шўроси зиммасидадир. Инқилобчи ишчи, солдат ва крестьян расман эски рус сарбози (аскари) ўрнини тутадилар», деб ёзган эди.

Анча сўнгра, большевикларнинг «Миллатларни қутқазини» инқилобидан сўнг, Большевик фирқа маркази вакили, юз фоиш ленинчи **Георгий Сафаров**: «Февраль инқилоби давридан бошлаб рус муҳожирини, Туркистон қишлоқ ва овулларини ўз чўнтаги каби қўллаб ола бошлади», деган шаклда ишботлайди.

Мана, бизнинг Туркистонда кўп секин билан қарши олган инқилобимиз гизгинини қўлига олган рус инқилобчи демократияш ташкилотларидан саналган Ишчи ва Солдатлар Шўросига яқинлашувдан чекинганимизнинг асл сабаби ҳам шу эди. Туркистонда Ишчи ва Солдатлар Шўросининг ҳукумат кўмитасини енгмоғи биз учун юртимизда «Рус тўпи ва эски рус сарбози»нинг галабаси бўлиб кўринди...

Бир неча тўқнашувдан сўнг Шчепки Туркистон шаронтида Ишчи ва Солдатлар Шўроси билан биргалашиб ишлаш имкони бўлмаганлигини тушуниб, май ойининг охирида бирданига Тошкентдан жўнаб кетди. Ҳукумат кўмитаси аъзоларидан Преображенский, Давлатшин ва Садри Мақсудийбек ҳам раисларига қўшилиб кетдилар. Давлатшиннинг Шчепки билан

бирлашиб кетишини бир аскарини маъмурининг аскарини интизом туйғусидан келди, деб англаш мумкин. Бироқ, Садрибекнинг кетишини эса раисига қарши фирқа орқадoshiлигини кўрсатиш ўйи билан дебгина изоҳ этилса бўлади. Ҳукумат кўмитаси аъзосидан бошқа икки киши, яъни Липовский, Ельпатовский Тошкентда қолди. Шкавский билан Муҳаммадjon Танишбой доимий суръатда Еттисувда эдилар. Етарли даражада эътибори ҳамда сиёсий тушунчаси бўлмаган Липовский ва Ельпатовский оз вақт ичида Ишчи ва Солдатлар Шўросининг итоаткор қуллари бўлиб қолдилар... Ишчи ва Солдатлар Шўроси аъзосидан бириси келмай қолганда кенгаш мажлиси йиғилишини бошламайдиган бўлдилар. Ҳукумат кўмитаси аъзоси қолдиқлари орасидан раисликни устига олган Ельпатовский «Михаил Якулович қаерда?», «Григорий Асакович қаерда?», «Бир оз йўлдош Беликовни кутайлик!»,¹ деб бизни куттириб турарди. Бу йўлдошлари эса кўпинча узун-узун куттириб келардилар. Яна шу Липовский ва Ельпатовский афандилар Фетерман, Беликов ва бошқа йўлдошлар билан биргалашиб, эски Маллицкийнинг Тошкент баладиясини бўлув прожасини қазиб чиқардилар. Яна шу кишилар Сосновскийнинг Туркистондаги русларга ерли халқдан айрилиб, айрим таъсис мажлиси депутатлари сайлов ҳақи прожасини ёқлаб чиқдилар...

Шчепки кетгунча Туркистон кўмитаси қурилишидан ниҳоятда норози бўлган Ишчи ва Солдатлар Шўроси энди ундан кўп мамнун эди. Ишчи ва Солдатлар Шўроси Ельпатовский ва Липовскийнинг «бажаришсизлик заволликларини»дан фойдаланиб Туркистонда таъсис мажлиси тўплангунча бутун програмани амалга оширишга улгурмаса ҳам, биз Туркистон туркларини ўртадан чиқариб, бутунлай орқага отиб қўя билдиларига ишонарди. Биз эса ҳукумат кўмитасини янгидан тиздириш, унга биз учун унумли бўлган кишиларни киритиш йўли билан иш юритмоқчи бўлдик. Миллий марказимиз, иш Ельпатовский билан Липовский афандиларнинг қўлида қолаверса, биз учун таҳлика кучайиб бораётганлиги ва мамлакатимиз учун инқилобдан умид этган гоиларимизнинг амалга ошмаслиги кўрқувни туғилди. Биз билан Ишчи ва Солдатлар Шў-

¹ Бу уч шахс Ишчи ва Солдатлар шўросининг бошчиларидандир.

роси орасида янги ҳукумат қўмитасига олинажак номзод аъзолари устида узун-узун музокаралар бошланди. Ишчи ва Солдатлар Шўроси гўё бизнинг орзумизга риоят этган бўлиб, ҳукумат қўмитасининг эски аъзоларидан Садри Мақсудий ва ҳатто генерал Давлатшинининг қайтадан ҳукумат қўмитасига аъзо бўлишларига розилик билдирдилар. Фақат энди биз ўзимиз уларни ҳукумат қўмитасига киритишга қарши эдик. Эски ҳукумат қўмитасининг раиси «кадет» Шчепкинга боғланиб Туркистонни ташлаб кетган кишиларнинг қайтиб келишини истамдик. Ельнатевский, Липовский каби ҳукумат қўмитаси аъзоси Тошкентда қолдилар-ку! Нега улар каби, масалан, Садри Мақсудийбек ҳам Тошкентда қолмади-ку! Унинг Тошкентда бўлиши биз учун жуда муҳим эди. Бироқ Садрибек бошқача ўйлади, қайтиб кетди. «Иўлинг яхши бўлсин», деган фикрга келиб, унинг қайтадан тайин этилишини сўрамасликка, ҳатто Вақтли Ҳукумат уни тайин этмоқ истаса рози бўлмасликка қарор чиқарилди... ҳам Ишчи ва Солдатлар шўроларини, ҳам бизни қониқтирадиган номзод жуда оз эди... Улар ўз планларига ярайдиган кишиларни олга суришлари каби, биз ҳам ўз кишиларимизни кўрсатдик. Музокарамиз анча чўзилди. Ҳукумат қўмитаси тузилмади. Адлия реформаси, тупроқ ишлари ислоҳоти каби реформалар бир-бирини таъқиб этди. Таъсис мажлиси сайловлари қонун ҳозирланиб тугатилмоқда эди. Туркистонда норозилик кучайди. Ошиқмоқ керак эди.

VII

Туркистонда норозилик кенгаймоқда ва чуқурлашмоқда эди. Ҳукумат қўмитаси Ишчи ва Солдатлар шўроларига қарши атрофдан келган шикоятлар билан тўлган эди. Мапа шундай шикоятлардан бири — Ғазоли район турк-қозоқ аҳолисидан келганди:

«Биз инқилобдан сўнг вазиятимизни яхшилашнинг умид этган эдик. Лекин иш терси бўлиб чиқди. Районда бутун кучи билан ҳукуматни қўлларига киритган ишчи ва солдатлар бизга эски ҳукумат кишиларидан анча ёмонроқ муносабатда бўлмоқдалар. Кундан-кунга кучайиб овулларга келиб, бутун овулни муҳосира этиб, уйларда типтувлар ўтказиб, «Инқилоб ва унинг қурбонлари» фойдасига деб халққа ўлчовсиз даражада оғир солиқлар соладилар... Қай бири-

мизда яхши от, қимматли гилам, иўстин, олтин-кумуш каби ашёлар кўрсалар олиб кетадилар. Хотинларни таҳқир этиш ҳодисалари оз эмас. Бизнинг ташкилот аъзолари ҳеч қандай гуноҳлари бўлмаган ҳолда ҳибс этилмоқдалар. Ишчи ва Солдат шўролари ва унинг айрим аъзолари талабларини амалга оширишда кўрилаётган кичик бир сустрелик учун ҳам бутун овул жазолантирилади, бизни донмий жазо дастаси ҳаракати кўрқуви остида тутадилар. Районда очлик бошланди, бизга ғалла бермайдилар.

Темир йўл билан келтирилган бугдой, тарик, тарна, гуруч — ҳаммаси русларга берилиш учун темир йўл станцияларида ва шаҳарларда сақланмоқдадир. Биз эса очлик ўлими таҳликаси остида турамыз. Биз рус ҳокимиятини таниймиз. Бугунги ҳоким вазиятини ўзгартириши мумкин бўлмаса, Вақтли Ҳукумат Туркистон қўмитасидан эски идорачиларни қайтарилишини сўраймиз. Бутун ёмонликларга қарамай, улар аҳолини бу даражада таламаганлар. Гуноҳсиз халқни тутиб қамаб қийнамаганлар, хотинларимизни таҳқир этмаганлар».

Ушбу тарздаги шикоятлар Туркистоннинг ҳар томондан келмоқда эди. Вақтли Ҳукумат қўмитаси эса бу шикоятларни марказий Туркистон Ишчи ва Солдатлар шўроларига берарди. Ишчи ва Солдатлар шўролари эса ишчи ва солдатларни «Инқилоб қонунларига» итоат этишга чақириб қарор чиқариш билангина кифояланарди.

Туркистонда рус ишчи, хусусан, солдати «Инқилоб қонунини» деганда ўзининг ҳеч чекланмаган ҳуқуққа эга бўлганлигини, истаганини қилишга ўзини ҳур деб тушунарди. Талон-тарош ва ҳар хил зўравонликларнинг ҳаммаси Туркистондаги Ишчи-Солдат шўролари таъбирича «Инқилоб қонунини» ҳукмларидан эди.

Оқмасжид районидан келган шундай шикоятлардан бирини ҳукумат қўмитаси, масалани ўз ерида текшириш учун, Сирдарё вилоятининг ижрония қўмитасини юборган эди. Бу ижрония қўмитанинг раиси машҳур Владимир Петрович Наливкин эди. Унинг ўринбосарларидан бири большевик Анферов, иккинчиси мен эдим. Қўмита бу ишни текшириш учун мени юборишга қарор берди. Бизнинг миллий марказдан ҳам тегишли мандатларни олиб Оқмасжид (ҳозирги Қизил-Ўрда)га кетдим. Оқмасжид йўлидаги, янги қурилган станциядан бошлаб аҳолининг норозилик

даражасини сезиш ва кўриш мумкин эди... Бутун йўл бўйи Оқмасжид шикоятларини баробар текшириш учун йўлланган маҳаллий ташкилот вакиллари мен бораётган вагонга тушдилар... Оқмасжидга мен 50 га яқин вакиллар билан бирга кирдим. Келган куним район комиссари Преображенский исмли ёш зобит (офицер) билан кўришдим. У билан бирга Оқмасжид район Ишчи ва Солдатлар шўросини бошлиғи темир йўл ишчиларидан большевик Огапов ёнига кетдик. Унинг ёнида собиқ тилмоч Хусан Иброҳим (бу киши ҳақида юқорида ёзилган эди) ўтирган экан. Бизнинг суҳбатимиз юришмади. Огапов рус ишчи, рус солдатларининг «Инқилобий ҳақлари» устида маҳкам турди. Мен эса Туркистон билан ҳеч қандай боғланиши бўлмаган рус солдатларининг Туркистон халқининг ишларига аралашиб юрмаслиги кераклигини сўзладим. Ярим йилгина аввал чорлик Русияси солдатлари билан биргаликда бизнинг халққа қонли душманчилик қилиб юрган рус ишчиларининг ҳам «Инқилоб қонунлари», «Инқилоб асослари» деган нарсаларда эҳтиётли бўлишлари кераклигини англатмоқчи бўлдим. Огапов менинг сўзларимни қабул этмади. Туркистонда ҳукуматнинг ишчи ва солдатлар қўлига ўтганлигини, эскидан чор ҳукумати агентларига бўйсунган аҳолининг эди Ишчи ва Солдатлар шўроларига бўйсунушлари лозимлигини англатиб, «Мана, ўртоқ Хусан бу ҳақда мен билан бир фикрдадир», деб ёнида ўтирган Хусан Иброҳимни кўрсатиб қўйди. Хусан Иброҳим эса ўзининг Огапов билан бир фикрда эканлигини тасдиқлади. Эртаси кuni эскидан адлия маҳкамаси бўлган уйнинг ҳовлисида буюк митинг чақиршига қарор бердик. 300—400 киши тўпланди, ҳовлига сигишмаганлар кўчада турдилар. Район доирасидаги вазият ҳақида миллий шўро раиси Эрали Қосим нутқ сўзлади. Хусан Иброҳим эса унга қарши чиқди. Атрофдан келган вакиллар сўзга чиқдилар ва уларнинг ҳаммаси Ишчи ва Солдат шўроларидан шикоят эдилар. Рад этиб бўлмайдиган ҳодисаларни сўзлаб бердилар. Таринбевзлик ва масъулиятсизлик билан айбланган солдат ва ишчилар ҳам мажлисда ҳозир эдилар. Сўзни мен олдим. Бошида ўзимнинг Сирдарё вилояти Ижроия қўмитасининг вакили бўлароқ бу ишга қатнашганимни англатдим. Ҳеч кимини айблаш учун эмас, Ишчи ва Солдатлар шўроси билан ерли миллий шўролар орасида

биргалашиб ишлаш йўлини топиш учун келганимни сўзладим. Бу орада Хусан Иброҳим: «Ўзингиз қандай англашма воситасини тавсия этасиз?» деб сўзимни бўлди. Мен эса: «Бизнинг Миллий марказ ва Сирдарё вилояти ижроия қўмитаси тарафидан шуни тавсия этмоқчиманки, Ишчи ва Солдатлар шўроларининг ерли миллий ташкилотлар турмушига, ишларига аралашмасликларни, «Мандат комиссияси (текширувчи расмий ҳайъат) деган ҳайъатларини юбориб, халқнинг роҳатини бузишдан тўхталишлари, қуроли солдатлари овулларга чиқиб, тинтув ва турли ашёларидан солиқ тўплаш йўлларини батамом тўхтатишлари, аъзоларига бундай ҳаракатларни манъ этишларидир...» дедим.

Мен ушбу сўзларимни айтиб тугатар-тугатмас шиддатли бир шов-шув чиқиб қолди... Хусан Иброҳим ва бошқа бир неча собиқ тилмочлар билан биргаликда Огапов менинг ёнимга минбарга чиқиб келиб қолди ва нафаси сиқилиб-тиқилиб буюк француз инқилоби ҳақида аллақандай англашилмас нарсалар сўзлаб бошлади. Чорлар, мулкдорларни қувган рус солдат ва ишчиларидан сўзлади. Сўзини менга қаратиб «машҳур Петербург адвокати»¹ бўлганимни, Туркистон мусулмон халқи Марказий бирлигини қўлимга тушириб олиб Туркистон халқини рус ишчи ва солдатларига қарши қўлламоқчи бўлганимни, Туркия агенти, пантуркист, панисломист, рус душмани бўлганимни сўзлаб: «Мусулмонлар Мустафо Чўқай орақасидан кетадиган бўлсалар, рус ишчи ва солдатлари билан қарама-қарши қолишини унутмасинлар!», деб қўйди.

Огапов бу билан ҳам қониқмади, у сўзини давом эттириб ўз ўртоқларига қараб: «Шундайми, инқилобчи ишчи ва солдат юртдошлар?» деди. Ўртоқлари баланд овоз билан: «Шундай, шундай!» деб уни сўзларини тасдиқладилар. Огапов юзини бизнинг орамиздан тортиб олган хоин Хусан Иброҳимга қаратиб: «Шундай эмасми, ўртоқ Хусан?» деди. Имонсиз туркистонлик Хусан ҳам уни тасдиқлади...

Вазият бирок сари кескинлашди. Рус ишчи ва солдатлар ичида ҳам, туркистонликлар орасида ҳам ғалаён авжга чиқди. Митингнинг боришини, вазиятни

¹ Таҳсилим эътибори билан юрист (ҳуқуқшунос) бўлсам ҳам, ҳеч бир вақт адвокатлик қилмаганман.

диққат билан таъқиб этиб бораётган район комиссарни Преображенский сакраб мишбарга чиқди. Бор жучи билан бақриб:

«Уртоқлар! Шаҳарда галаён бор. Қозоқлар қишлоқни ўраб олганлар. Ерли халқ табақаси темир йўл станцияси томон юрмоқдалар. Агарда сиз Мустафо Чўқайга қарши чиқсангиз, бутун шаҳарда фалокат юз беради, шаронт оғирлашади...» деди. Галаён бир оз пасайди.

Оқмасжид бутун кечани галаён ичида кечирди...

Солдат ва ишчилар йиғилиши мени отиб ўлдиришга қарор берганлигини эртаси куни эшитдим...

Мана шундай қилиб Оқмасжиддаги ишни тузатиш учун келиб, қутурган рус ишчи ва солдатларнинг қурбони бўлишимга оз қолди.¹

Шунинг билан кўзга ялварли бир натижага эриша олмай Тошкентга қайтишга тўғри келди.

Мен ўз саргузаштим ҳақида Тошкентда баёнот бердим. Сирдарё вилоят қўмитаси Оқмасжид Ишчи ва Солдат шўролари бошлиқларини Тошкентга чақирришга қарор берди... Улар келдилар. Шельков, Тункунчов ва Жардов исмли солдатлар келдилар. Улар мажлис залига оёқ босар-босмас, ранс ўрибосари большевик Анферов: «Бу афандилар ҳар нарсани қила оладилар... Бандит қиёфалари бор...» деб шивирлаб қўйди. Вилоят қўмитаси Оқмасжид Ишчи ва Солдатлар шўролари ҳаракатининг тарзи жиноят эканини кўрсатмоқчи бўлди. Улар эса ўз ҳаракатларининг янглиш эканлигини қабул этмаганликлари бир томонда турсин, ўз фаолиятларининг «Инқилоб қонунини» йўлида бўлганини ҳам илдоа этдилар...

Оқмасжид ишчи ва солдатлари марказий Ишчи ва Солдат шўролари доирасида ҳам бўлидилар. У ерда вилоят қўмитасидагидан бошқачароқ қарши олиндилар. Маҳаллий Ишчи ва Солдат шўролари Марказий шўронини юзаки таниб, у билан ҳеч ҳисоблашмасдилар. Шундай қилиб Шельков, Тункунчов, Жардов афандилар «мағлуб» бўлганларича ерларига қайтиб кетдилар.

¹ Бироқ анча сўнгра, Қўқон миллий ҳукуматининг большевиклар билан кураш вақтларида, 1918 йилнинг февралда, 1917 йилнинг май ойининг сўнгги кунларида бўлган бу ҳодиса пайтида рус солдат ва ишчилари қўлида ўлиб кетмаганим учун афсуслангандай бўлдим.

Мен ўзим билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни бир оз тафсилоти билан ҳикоя этишимнинг сабаби, шу даврда бутун Туркистонда ҳоким бўлган вазиятни очиқ аёнлаштириш мақсадидир. Мен у замон кенг юртимизнинг кўп жойларида бўлдим. Ҳар томонда деярли айни манзара қаршисида бўлдим. Халқ сўнгги даражада корози эди.

Ёлғиз очиқ тўпланишларда сўзлаб руҳий фарахланмоқ мумкин эди.

Бу ишдан бизнинг Миллий марказимизнинг вазияти сўнг даражада фожеа эканлиги билинади. Биз Ишчи ва Солдат шўролари алабсизликларига қарши кураша олмаётганимизни кўриб, етарли кучимиз йўқлигини билардик ва сезардик. Халқ ҳам кучсизлигимизни сезганди. Фақат халқ марказий ташкилотимиз кучсизлигининг ўз кучсизлигидан вужудга келгани, инқилоб келтирган шаронда фойдаланиш учун, инқилоб даврининг талаб этган воситалари бизнинг юрт ва халқимизда етарли даражада бўлмаганидан чиқмоқдалигини ҳам англаган эдимиз?

Бизнинг кучсизлигимизни Ишчи ва Солдатлар шўролари ҳам англаган эди. Шунинг учун бизни эътиборга олмади. 96—98 фоз кўпчилиكنи ташкил этган ҳолимизда Ишчи ва Солдат шўроларига қарши кураш юрита олмай, Вақтли Ҳукумат қўмитасида иттифоқчи излаб юришимизнинг ўзи фожеамизнинг даражасини очиқ кўрсатарди.

Янги қонунлар бир-бирини таъқиб этди. Марказимизнинг иши халқ ва мамлакатни бу янги қонунлар билан таништириш ва унга бундан фойдаланиш йўлини кўрсатишдан иборат эди. Иккинчи томондан биз ўзимиз бу қонунларни ҳозирлашда ва баъзи бир қонунларни тадбиқ этишда халқимизнинг турмуш ва шаронтига кўра ўзгартмалар киритиш ишларида қатнашмоқда эдик. Шу жумладан, адлия маҳкамалари ва ер қўмиталари ҳақидаги янги қонунлар биз учун махсус аҳамият қозонмоқда эди.

VIII

«Еш Туркистон»нинг бу сони (декабрь, 85-сон) Туркистон мухториятининг 19 йиллигига тўғри келганидан хотирамнинг бу қисмини шу ҳодисага бағишладим.

«Еш Туркистон»да ҳар йили деярли «Қўқон мухторияти» масаласига доир махсус мақола нашр этиб

«Келамиз. Миллий ҳаракатимиз йўналишида бугун тарихга айланган Туркистон мухторияти ҳозирги Туркистон Миллий озодлик ҳаракатининг бошланғич нуқтасидир. Шунинг учун ҳам у миллий курашимиз тарихида буюк аҳамиятга молик ҳодисадир. Бунга энг яхши ва ойдин шаҳодат совет матбуотининг унга қаратилган тўхтовсиз ҳужумларидир. Европа ва Америкада Туркистон мухториятини қизиқиш билан тадқиқот қилаётганларнинг мавжудлиги ҳам унинг моҳиятини кўрсатмоқда.

Энди, 19 йилдан сўнг биз бутун хатоларимизни очиқ кўряпмиз. Фақат 1917 йилги янглишликлар учун бизни танқид этиш эса янги юра бошлаган болани гандираклагани, йиқилгани, тўғри юра олмагани учун танқид этишга ўхшайди. 1917 йил бизнинг «сиёсий туғум» йилмиз эди. Мухторият эса бизнинг кўрқакўрқа отган биринчи «Миллий-сиёсий» одимимиз эди.

Большевиклар Туркистон мухторияти учун энг кўп мени сўкдилар. Орада ёлғиз ғайрисамимий, қалбаки дўстларгина эмас, ҳатто самимиятларига заррача шубҳам бўлмаган яқин дўстларим ҳам мухторият масаласи учун мени айблаб, танқид этардилар. Большевик сўкишларини, Туркистон миллий кураши йўлида қилган камгарона фаолиятим аҳамиятининг душман тарафидан тақдирланиши ва заҳматимнинг «мукофоти» деб қабул этаман. Ғайрисамимий — қалбаки дўстларнинг сўзлари ҳақида тўхтаб ўтишга арзитайди. Самимий дўстларимнинг танқидларини эса «ўз-ўзини танқид» шаклида қабул этаман.

1917 йили апрель ойининг бошида Петербургни тарк этмасдан олдин, мен ўша замон Бутунрусия ҳажмида муҳим роль ўйнаган Петербург Ишчи ва Солдатлар шўроси бошлиги Николай Симёнович Чехандзеннинг ёнига бордим. Уша замонда бундай зиярат мажбурият шаклида лозим эди. Чунки у замон Вақтли Ҳукумат сиёсати деярли Петербург Ишчи ва Солдатлар шўроси тарафидан белгиламоқда эди. Мен Чехандзе билан инқилобдан аввал танишган эдим. Тўртинчи давлат думаси Социал-Демократ фракциясининг лидери гуржи Чехандзе инқилобнинг бошларида «Бутун рус инқилобчи демократияси»нинг биринчи қаторида турарди. Шунинг учун ҳам Петербург Ишчи ва Солдатлар шўроси раислигига сайланиши билан рус инқилобнинг бош вакили дейилажак

даражага эришган эди. Табиий, бизнинг суҳбатимиз Туркистон тўғрисида бўлди.

Чехандзеннинг бизнинг бошланғич ишимиз ҳақидаги сўроғига мен: «Биз Туркистон учун мухторият истаймиз. Шунинг учун ҳам бизнинг фаолиятимиз мана шу мухториятга тайёргарлик йўлида боради», деб жавоб қайтардим.

Чехандзе менинг бу жавобимдан чўчиб кетгандай бўлиб:

«— Олло ишқига, ўртоқ Чўқай ўғли, мамлакатда — юрдошларингиз орасида мухторият ҳақида сўзламанг. Биринчидан, ҳозир бу тўғрида сўзлаш эрта. Иккинчидан, сизнинг Туркистон каби бир мамлакатда мухторият дарҳол истиқлол ва айрилиш томон отилган одим бўлади», — деди.

Мен унга дарҳол мухторият эълон этиши ёки мухториятчи идора берилишини талаб этиб чиқмаганлигимизни, таъсис мажлиси тўпланишини қутаётганлигимизни, келажакда ёлғиз мамлакат ва халқимизни бу мухториятга ҳозирламоқ ишлари билан машғуллигимизни аниқладим. Унинг чўчиган айрилиш масаласи ҳақида эса «Рус инқилобчи демократияси ўнларча йилдан буён эълон этиб келаятган миллатларнинг ҳуррияти ҳақидаги шнорга содиқ қолсалар айрилиш кўрқинчига ўрин бўлмаслигини» аниқладим.

Чехандзе менинг изоҳимдан қониқмади, бизнинг мухторият масаласини очмаслигимиз хусусида билдириб, Русия инқилобчи демократиясининг Русиядаги бутун халқларга, ерли, миллий хусусиятларини ҳам таъмин этиш моҳияти билан кенг ҳуррият беришини, Туркистон каби деярли рус таъсири бўлмаган, халқи бутунлай бошқача урф-одат, қон ва динида бўлган бир ерда, мухториятнинг тезгина айрилишга айланиб кетишини, инқилобчи ва демократик Русиядан ташқарида халқимиз вазиятининг яхши бўлмаслигини аниқлатди.

Ҳодисалар биз туркистонликларни алдагани каби, рус инқилобчи демократияси лидери гуржи Чехандзеннинг умидларини ҳам пучга чиқарди. Тузумнинг саккизинчи ойидавоқ Русия инқилоби большевиклар қамчиси остига тушиб, Русия инқилобчи демократияси ҳам тўзонга айланди. Мухториятдан чўчиб турган Чехандзе эса мустақил Гуржистоннинг бошлиғи, гуржи таъсис мажлисининг раиси ва Гуржистон Европа ҳайъатининг бошлиғи бўлиб қолди.

Биз қурултойларимизда мухторият ҳақида очиқ сўзламадик. Фақат бизнинг Миллий Марказимиз, вилоят қўмиталаримиз доирасида бизни энг кўп машғул қилган мавзу шу эди. Биз у замондаги мухториятни шундай тушунардик: Туркистоннинг ўзига махсус идора ва ижроня муассасалари, яъни қонун ишлаб чиқарадиган парламенти ва ишни юритадиган ҳукумати бўлиши эди. Ташқи сиёсат, молия, йўллар, ҳарбий ишлар Умумрусия Федерацияси ҳукуматининг иши деб таниларди. Маориф ишлари, маҳаллий йўллар масаласи, маҳаллий идоралар, адлия ҳамда ер масалаларининг ҳаммаси маҳаллий мухторият ҳукумати ишлари деб қараларди. Биз хусусан тупроқ-ер масаласига аҳамият берардик. Урду қурилиши масаласида ҳам бир қанча асос ўзгартмалар киритмоқчи эдик. Масалан, Умумрусия учун қурилган қўмондонлик назоратида бўлиш билан туркистонликларнинг аскарий хизматларини Туркистонда кўриб, Туркистонда қолмоқлари биз учун муҳим бир масала эди.

Бизнинг у замонги асосий режамиз ана шундан иборат эди. Тафсилотга киришмадик. Бизнинг энг муҳим уринишларимиздан бири миллий кадрлар масаласи эди. Исталган принципларни эълон этиш мумкин. Ҳар нарсани, кўкдаги ойни исташ мумкин. Фақат керакли кадр бўлмаганда, керакли инсон кучи ва бошқа воситалар топилмаганда, бутун бу гўзал тилаклар қуруқ сўздан иборат бўлиб қолади, халқ ва дўстлар норози бўлади, душман кулади.

Бизнинг ўша пайтда иш олиб борувчи миллий кадримиз йўқ бўлмаса ҳам, бизнинг эҳтиёжимизга нисбатан жуда кучсиз эди. Агарда биз эскича миллий сиёсий турмушимизга Русия аралашмаган, хўжалигимиз йиллар мобайнида Русия хўжалиги билан борди-келди қилиб унга боғланмаганда, биз бутун Туркистон учун Бухоро ва Хива хошликларидаги ички сиёсий ва ижтимоий вазиятга рози бўлсак ва шу ҳолда қолишни истасак эди, у вақт табиийки, кадр тўғрисидаги қийинчилик ўз-ўзидан йўқоларди. Афсуски, вазият бундай эмасди. Уйлаб бош қотирганликларимизга қарши идоравий жиҳатдан Русияга боғлигимиз каби бир «ҳақиқатни» ошқор айта олмадик. Шу билан бирга яна бир муҳим нуқтани эслашимиз керак. Ушш замон Туркистонда бирдан-бир бутунлай Русиядан айрилиб кетиш фикрини қабул этиш психологияси, аҳвол-руҳия ҳозирлиги ҳам йўқ эди...

Миллий марказ Шонслом Шоаҳмадбекка Туркистон мухторияти учун керакли материал тайёрлаб тақдим этишни буюрди. Бу ишда унга Маҳмуд Хўжа Бехбудий афанди, Убайдулло Хўжа ва мен ёрдам қилдик. Туркистон мухториятини қуриш учун маҳаллий рус унсурларининг ҳам қатнашиши керак бўлди. Бироқ Туркистон мухториятини тиклатиш йўлида биз билан биргалашиб ишлайдиган рус унсурлари қаерда? Тошкентдаги бутун рус жамоати группалари бизга қарши эдилар. Ёлғиз кичик рус бойлари группаси билан сўл социалистлардан айрим кишилар (масалан, В. П. Наливкин) бизнинг фикримизга қўшилдилар. Тошкентдаги рус жамоати ёлғиз Туркистонда мухторият идораси танкил этилишига қарши бўлиб қолмасдан, умумтуркистонликларнинг руслар билан тенг ҳақда бўлишларига ҳам қарши эди. Бу тўғрида социал-демократ Беликов ва Фетерман, эски ходим Маллицкий, Ефремов ва бошқалар билан бир фикрда эдилар. Ёлғиз социал-революционер Вадим Чайкиннинг муҳим роль ўйнагани Фарғона Ишчи ва Солдатлар шўроси Туркистон талабларини қатъий суратда ёқлади. Июль ойининг охири, август ойининг бошларида Петербургдалигимда Вақтли Ҳукумат аъзолари билан Туркистоннинг келажаги ҳақида бир неча марта кўришдик. Очигини айтсам, кўришган зотларим мухторият ҳақини тан олибгина қолмай, ҳатто таъсис мажлисида уни ёқлашни ваъда этдилар...

Вақт ўтиши билан Русия инқилоби сўл томонга йўлланди. Нихоят 7 ноябрь (25. X) да большевиклар ва сўл социал-революционерлар қўлига тушиб қолди. Большевиклар эса: «Таъсис мажлисини кутайликми? Йўқса дарҳол мухторият эълон этайликми?» деган сўроқлар қаршисида қолди. Ҳар томонга йўлланган сўроқларимизга «Туркистоннинг Русиядан бутунлай айрилиб кетишини, ҳеч бўлмаганда мухториятни дарҳол эълон этиш керак», деган жавоблар олдик. Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоят қўмиталари бир оғиздан дарҳол ўлка қурултойини чақиритишни истадилар. Еттисув ва Туркистоннинг айрим район қўмиталаридан келган васиқаларда ҳам айни талаб билдирилган эди. Айни замонда биз рус ташкилотлари билан музокара ўтказдик. Социал-революционерларнинг бир қисми, крестьян ташкилотлари намояндалари, ишчиларнинг бир қисми, деярли бутун идора-

чилар, банкалар, саноат эгалари ҳаммаси мухториятни ёқламоқчи эдилар.¹

Фавқулодда қурултой 1917 йил 8 декабрда, яъни Русияда большевиклар ҳокимиятга келгандан том бир ойдан сўнгра Қўқонда тўпланди. Бу қурултой ҳақиқий маънода Туркистон Миллий Бирлигини тасмил этмоқда эди. Большевиклар туркистонликларини парчалаб қурултой йиғилишига қарши қилган ҳаракатларидан голиб чиқмадилар. Ниҳоят большевиклар ҳам комиссар Полторацкийни ўз намояндалари этиб қурултойга юборишга мажбур бўлдилар. Большевик вакили кузатувчигина бўлиб қолмай, қурултой вакиллари билан музокарага киришиб кетди.

Полторацкий: «Биз ҳам Туркистон мухториятини инстаимиз», деди. Унинг сўзига кимса ишонмади. Бироқ унинг қурултойга қатнашуви, қурултойни қўллаб сўзлашидан Туркистонда совет ҳокимиятининг миллий негизи йўқлиги очиқ ва ойдин бўлиб қолди.

Ҳайҳот! Яна шу бизнинг ҳозирсизлигимиз, жонли, техникавий кучларимизнинг озлиги, халқимиз табақасида сиёсий тушунча етишмаслиги қаршимизга чиқди. Бизга бу бахтсизликни сон жиҳатдан оз бўлса ҳам кучли ташкилот ҳамда мўл қуролга эга бўлган душманамиз келтирди. Мухториятимиз икки ойгина яшади ва кучли қуролланган душман қаршисида йиқилди.

Мен бу курашимизнинг баъзи бир ҳодисаларини қисқача эслатиб ўтмоқчиман. Қўқон шаҳри ўққа тутила бошлаганди. Ҳар томонда ўқ отишлари, қўл бомбалари портлаши эшитиларди, узоқдан тўп гурилтиси келарди. Большевиклар бизга ўз вакилларини юбордилар ва менинг «Қўқон Ҳарбий Иккилоб Қўмитасига» топширилишимни талаб этдилар. Большевик намояндаларини Қўқонда бўлган ҳукумат аъзолари ҳузурда мен қабул этдим. Уртоқларимнинг раъйини кутмасдан ўзим жавоб қайтардим: «Большевиклар шаҳарни ўққа тутишни дарҳол тўхтатсалар ва тинч халққа қарши шиддат кўрсатмасликка сўз бериб, бошлиқларини бизнинг Миллий марказимизга топширсалар, мен ўз-ўзимни Қўқон ҳарбий иккилоб қў-

¹ Табиий рус группаларининг бирдэн-бир Туркистон мухторияти тарафдори бўлиб кўринишларининг сабаби, уларнинг бизнинг халққа алоқа кўрсатганликларидан эмас, ёлғиз большевикларга қарши душманликларидан эди.

митасига «омонат» бўлароқ таслим этишга тайёрман», дедим. Большевик намояндалари кетдилар, эртаси куни яна қайтиб келдилар. Қўқон ҳар тарафдан ўрналиб олинган эди. Самарқанд, Тошкент ва Фарғонадан большевик аскарлари келдилар... Шунингдек, ҳар томондан бизнинг одамлар ҳам келдилар. Бироқ буларнинг кўпчилиги узун таёқ, тўқмоқ, болта, буюк пичоқ каби нарсалар билан қуролланган эдилар.

Бугунги ҳодиса каби эслаймак. Эрталаб соат II дан 20 дақиқа ўтганда ёнимга янги большевик намояндалари келди. Бу сафар янги талаблар билдирилган ультиматум келтирган эдилар. Большевиклар бу гал: 1. Мухторият ҳукумати совет ҳокимиятнини таниши; 2. Туркистон халқини совет ҳокимиятига бўйсунушига чақириб баённома нашр этиши; 3. Аҳолини қуролсизлантириши, халқ қўлидаги бор қуролларни большевикларга топшириши; 4. Миллий ҳукумат милиция ташкилотини тарқатиши ва ҳоказолар талаб этилмоқда эди. Бу пайт ҳукумат аъзосидан Миродил, Абдурахмон Урозий, Ҳидоятбек Юргули ҳамда мен Қўқонда эдик.¹ Бизнинг жавобимиз қисқачина эди: биз ушбу ультимативни қабул қилишдан бутунлай бош тортдик. Уртоқларимнинг талабига мувофиқ мен большевик намояндаларига қаратиб шундай жавоб бердим:

— Куч сиз тарафда. Бизда эса ҳозирча ўз миллий ҳақимизни таниганликдан бошқа куч йўқ. Сиз бу курашда бизни енгиб чиқишингизга ҳеч шубҳа йўқ. Шу билан бирга сизнинг ҳокимият ҳақингизни, Туркистонда совет ҳокимиятини танишни рад этамиз...

Биз большевикларга бу жавобни берарканмиз, ўзимиз Туркистон миллий мухторият ҳукумат аъзоси бўла туриб большевик ҳукуматини танисак, Туркистон халқини большевикларга қарши курашга қатнашувдан маҳрум қилган бўламиз, деган фикрда эдик. Биз у замон мамлакатимизнинг мавқенга муносиб вакил бўлмаганлигимиз ҳам мумкин. Фақат шу билан бирга тўқдир бизни миллий ишнинг бошига чиқариб қўйган эди. Биз ўз томонимиздан бошлаб бутун халқ томонидан тасдиқлаган бу ишнинг юкланган масъулият даражасига кўтарилишига уридик. Миллий ишимиз

¹ Носирхон Тўра Наманганда, Ҳарцфелд Самарқандда, Убайдулло Ҳўжа Ашхобод — Самарқанд йўлида, Обиджон Бухорода, Шоаҳмадбек эса Қўқон қўргонини ичида экан, большевиклар қўлига тушиб қолган эдилар.

таҳлика қаршисига келгандан, халқимиз, ишимиз ва ўзимиз таҳдид остида бўлсак-да, совет ҳукуматига бўйсунини ёки унга ихтиёрини суратда ҳокимиятнинг большевикларга топширишигина эмас, ҳатто большевик ҳокимиятига қарши очиқ овоз бермасак, большевикларга қарши юритилган миллий курашда хусусан бошчилик этиш ёки шундай бир даъво ҳақини битиради деган фикрда эдик.

Большевик намоёндалари чиқиб кетдилар. 20 дақиқадан сўнг, яъни 11 дан 40 дақиқа ўтгач, большевиклар бизнинг ўтирган уйимизни ўққа тутдилар. Уқ визиллашни ичида биз Қўқоннинг Эски шаҳар кўчалари ичига кириб кетдик. Уша пайт менинг ёшимда бир польшалик ҳарбий штаб офицери бор эди. Исминини унутиб қўйганман, бу киши аскарини ташкилотимизнинг шуъба мудирини эди. Уша бизнинг миллий ишларимизга юракдан берилган, билармон ва қобилиятли эди. Уни ҳозир қаерда эканлигини билмайман. Агарда ўз элида ёки дунёнинг бошқа бир бурчагида яшаётган бўлса, миллий курашимизнинг оғир дақиқаларида кўрсатган самимий хизмати, ёрдами учун жондан ташаккурларимизни билдирамиз. Улиб кетган бўлса, унинг инсоний руҳини ҳурматлар билан саломлаймиз.

Миллий мухторият курашимиз пайтида туркистонликлар қаторида курашган польшалик офицерлардан бири ҳозир Варшавада яшаётган Юниша Гзовскийдир. Унинг ҳам миллий даъвомизга қилган хизматлари учун юракдан ташаккур айтамыз.

IX

Инқилоб биз учун қутулиш ва миллий фаолият майдонининг эшикларини очгандек бўлди. Бироқ узун замон қоронғиликда қолган бир одам эшикда кўзини очолмаганидек, узун замон чорлик мустамлака сиёсати қоронғиликларида сурунган бизлар инқилобнинг келтирган ҳуррият ёруғлигига чиқар-чиқмас кўзларимиз қамашиб, бирдан-бир тўғри истиқоматини тугтиб кета олмадик. Кўз қамашиб тентирашларимиз ўзимизнинг ҳам қоронғилигимиз орқасида бир оз ортомоқда эди. Бизнинг заифлигимиз бир қисминимизни рус инқилобчи демократияси билан биргаллашиб йўл бўлишга мажбур этмоқда эди... Иккинчи бир қисм, кўпчилик эса, сиёсий муваффақиятини... дуо билан қозонишга ишониб юрардилар... Табиийки, бу йўлларнинг

ҳар иккаласи ҳам янглиш эди. Мен мансуб бўлган биринчи группа янглиши, польяклар ва финлардан ташқари бутун ғайрирус халқларининг миллий муавварларига умумий, ўртоқ бир янглишлик эди. Ҳатто польяклар ва финлардан сўнг биринчи ўринда Русиядан батамом айрилиш йўлига тушган украинларнинг ҳам кўпчилиги федерация тарафдори эдилар. 1917 йили май ойида Москвада тўпланган Умумрусия мусулмонлари қурултойига қатнашувчиларнинг кўпчилиги ҳам федерациячилар эди. Мен шахсан бу қурултойга қатнашмадим. Қурултой протоколлари ва қурултойга қатнашганларнинг шаҳодатларидан, қурултойда Русиядан айрилиб кетишни ўртага қўйган биргина овоз кўтарилмаганлиги билинади. Ҳатто қурултойда Русиянинг федерация шаклида қурилишга қарини турган товушлар ҳам бор эди. Федерация тарафдорлиги умумрус демократиясига, айниқса инқилобчи демократиясига ишонч деган маънада англашилмоқда эди. Агар рус инқилобчи демократиясига таянганликни хато деб қўрсатиш мумкин бўлса, у пайт соф сафсата учунгина ўртага ташлангани каби рус мактабидан чиққан кишиларнинг хусусий янглишликлари эмас, умумрус империализми чангалидан қутулиб ўз бошига миллий давлат қура билишга бўлган ишончининг озлигидан пайдо бўлган умумий хато эди. Кейинчалик қурилиб, қисқа вақт давом этган турли миллий мустақил ҳукуматлар тажрибаси бизга бир томондан рус инқилобчи демократиясига бўлган умумий ишончимизнинг янглишлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, ўзаро очиқ ғайришимиз керакки, ҳар ўлка ва ҳар кичик халқнинг ўз давлатини қуриб, уни рус империализми чангалидан ўз кучи билангина сақлаб қолиши каби тушунчанинг ҳам янглиш эканини кўрсатди.

Умид этамизки, яқин ўтмишимизнинг оғир ва ачиқ тажрибалари бошқа такрорланмасин. Ҳақиқатан ўз юртининг озодлигини тилаган ҳар бир киши, аввал бирор рус фирқаларининг қайси бирига ишониб юришдан қатъий суръатда воз кечишлари ва бутун ғайрирус халқлар кучларининг умумий кураш жабҳасида тўпланишлари йўлида жуда қатъият билан ишга киришишлари зарур...

Иккинчи группанинг хатоси бошқачароқ эди.

Юракдан Русияга содиқ бўлиб қолган бу группа миллий мухторият масаласи ғоя ва ҳадафини фақат

диний масала дебгина тушунди ва халқини диний байроқ остида курашга чақирди.

Биринчи группа инқилобнинг Русия мустамлака системасидан озод бўлиш йўлини очди деб тушуниб, бу йўлда биринчи одим бўлароқ сиёсий мухторият масаласини ўртага қўйди. Иккинчи группа инқилоб соясида тараққийпарварликнинг ўсиб кетишидан қўрқиб, тараққийпарварларнинг кичик бир эҳтиётсизлигини туядек қилиб, бўяб, уни халққа дин душманлиги деб кўрсатишга уринди. Бу группа инқилоб ҳукумати тарафидан кўрилган барча ислоҳот ва танзимот тadbирларини ёлғиз ўзларининг фикрича шариаат, ўйиб-ўйиманглиги нуқтан назаридан текширишга уринди.

Ажабо, Туркистоннинг Умумрусия ичида қолиши тарафдорин бўлган ушбу группа, Туркистоннинг шариаат ҳукмларини кузатувчи махсус муассасасиз Умумрусия учун тузилган қонуниларни негизидангина идора этилишини билмадимикан? Бу группани ўзининг бурунги сиёсий янглишлигини эътироф этдимиз? Мен бу ҳақда муайян бир жавоб бера олмаман. Бироқ, афсуски, баъзи бир нишонлар уларнинг ҳозир ҳам эски вазиятда бораётганликларини кўрсатмоқдадир. Бир замонлар бутун мусулмонлар учун муқаддас саналган Хижоз билан Яман орасида бўлиб ўтган қонли муҳорибаларни бу гуруҳга мансуб кишилар кўрган, ўқиган ёки эшитганлар.

Муваққат Ҳукуматининг янги адлия маҳкамалари ҳақидаги қонуни: бу қонуни эски маҳкамаларни тарқатиб, сайлов усули билан халқ маҳкамалари тузиш арафасида, Муваққат Ҳукуматининг Туркистон қўмитаси бутун ташкилотларга, шу жумладан, бизнинг Миллий марказимизга ҳам маҳкам прожасини йўллаб, бу ҳақда фикр сўрамоқда эди. Биз мухториятчилар, Туркистонда маҳкаманинг Русиядагидан бошқачароқ бўлиши фикрида эдик. Шу билан бирга қоришиқ характерида бўлган умумдавлат нуқтан назаридан муҳим саналган масалалар ҳам, умумдавлат ҳисобида олинган принциплардан узоқлашиб ҳам кетмоқчи эмасди. Туркистоннинг ўзинга хос махсус маҳаллий маҳкамалари эса мухториятнинг амалга оширилиши билан юзага чиқа биларди.

Шуни ҳам билганимиз керакки, инқилобга қадар Туркистон маҳкамаларининг ўзинга хос хусусияти бор эди. Русиядаги каби халқ орасидан сайлаб олинган кишиларнинг қатнашуви билан ишлаётган («суд

присяжных») маҳкама Туркистонда йўқ эди. Бу ерда бутун ишлар расмий давлат маҳкамаларида («Коронный суд») кўриларди. Ерли туркистонликларнинг ўзaro хоҳ жинсий, хоҳ мулкий жаижалларини, оғир жазони ижоб эттирмаслиги тақдирда, шаҳар аҳолиси доирасида Қозихоналар, кўчманчи молдорлар орасида Беклар томонидан ҳал этиларди. Қозихоналарда иш шариаат асосига кўра юритилишидек, бекларнинг маҳкамаси ёзилмаган халқ одати бўйича бўларди.

Қози ва беклар бир даврони ҳар икки тараф рози бўлгандагина текширадилар. Томонлардан бири ишни рус маҳкамасига элтмоқ истаса, иш рус маҳкамасига тортиларди. Бу ишга аралашинишдан қози ҳамда беклар маҳрум этилгандилар. Ушбу тарздаги ишни рус маҳкамасига олиб кетиш тилаги билан рус маҳкамасига тушиб кетиш ҳолисаси шаҳарлик, умуман ўтроқ халқ орасида оз, кўчманчилар ичида эса инсбатан кўн кўриларди. Бу йўлни кучайтириш ва кенгайтириш учун турли ҳийлалар ишлатилмоқда эди. 30 сўм олтин қийматидаги оддий жинсий ишлар қози ва беклар маҳкамасига тобе эди. Талончилик, босқинчилик жиноятини эса рус маҳкамасига кетарди. Дала, қишлоқ, ҳатто шаҳарларда оддий ўғрилиқни босқинчиликка айлантириб рус давлат маҳкамасига бериб юборишлари ҳам кўриларди. Бу вазият хоҳ одат, хоҳ шариаат асосига қўрилган ерли маҳкамаларнинг эътиборини бутунлай тугатмоқда эди. Бундан, хусусан, шариаатнинг нақадар ҳақорат кўрмоқда бўлганлигини, қасддан кўр бўлганлар кўрмасдилар. Қозиларнинг шариаат асосида берган ҳукмларининг тадбиқи учун чиқарилган тартиб шариаат эътиборига янада ёмонроқ зарар етказмоқда эди. Бу тартиб бўйича шариаат асосида қозилар томонидан берилган ҳукм рус идорасининг, яъни район бошлигининг талабига мувофиқ қайтадан кўриларди, ҳатто рус давлат маҳкамаси қарори билан бекор қилинарди.

Мен талаба чоғларимда биздаги қози ва бекларнинг вазияти билан кўн машғул бўлдим. Район ва вилоят идоралари архивларини неча бор текширдим. Район бошлиғи ёки мудданий умумийларнинг (прокурорларнинг) бек ва хусусан, қозилар ҳукмини қайтадан қуриш ёки бекор этишини талаб этганда кўрсатган сабабларини ўқиб кўриб кўпинча ўз-ўзимдан уялиб терга пишиб кетардим. Бек ва қози томонидан ишланган ҳақсизлик ҳақида туркистонликларнинг

шикоятлари ҳам оз учратилмасди. Бундай мурожаатларда рус маҳкамасининг одат бўйича мавжуд беклар маҳкамасигина эмас, шарият бўйича юритилаётган қозихоналардан ҳам устун қилиб кўрсатишга уринишлар ҳам учратиларди. Бу ёзувлар орасида қозихона томонидан айни иш ҳақида айни шариятда берилган икки ҳукмнинг қарама-қарши бўлганлиги ҳам учратиларди.

Инқилобга қадар ерли маҳкамалар ҳақида бир оз тафсилотли тўхталим. Мақсадим бир томондан адолат ишларини тўғри юритишдаги нуқсонларни ва сабабларни кўрсатиш учун бўлса, иккинчи томондан, балки жуда ҳам ортиқча шариятнинг нуфузи ва эътиборига урилаётган зарбани очиқ кўрсатиш учундир.

Мана, янги давлат маҳкамаси таклифи олдимизга келганда биз у замон ишлаб турган қозихона ва беклар маҳкамалари каби эски адлия муассасамиз манзарасини кўздан кечирмай қололмадик. Бизга мурожаат мактубларини ва шикоятлар ёғмоқда эди. Ушбу мурожаатларининг бир қисми туркистонликлар учун умумий давлат маҳкамаси тузилиши сўрамоқда, яна бир қисми эса Туркистонда шарият маҳкамалари тузишни талаб этмоқда эди. Шарият маҳкама тарафдорлари жуда кўп фаолият ва жонкуярлик кўрсатмоқда эдилар. Улар ҳукумат қўмитасига мурожаатнома ҳам топширган эдилар. «Уламо жамияти» раиси Серали Лопин ҳукумат қўмитасига қозихона маҳкамалари тузиш ҳақида тайёрланган таклифини тақдим этди. Бу таклифга кўра қозихона ҳукми туркистонликлар учун мажбурий ва қатъий, қоришиқ, яъни бир томондан рус, иккинчи томондан туркистонлик бўлган ишларда эса ихтиёрий бўлади. Қозихоналар ихтиёрига қўйиладиган ишлар чегараси анча кенгайтирилган эди. Фақат шарият маҳкамаларига берилган ҳукмларни юқори идора ва адлия маҳкамаси томонидан қайтарилиши ва бекор этилиши масаласи сақланган эди. Қозихоналар тарафидан берилган ҳукмларнинг тадбиқи эса айнан рус идорасига қолдирилмоқда эди.

«Уламо жамияти» бошлигининг иши бу таклиф ва мурожаатномани топшириш билангина тугамади. Оқмасжид ва Ҳазоли районларидан юзга яқин намояндалар тўплаб Тошкентга келтирилган эди. Бу намояндалар қозихона маҳкамаларини дарҳол тузишни ёқлаб ташаббусда бўлмоқда эдилар. Урол,

Тўрғай, Самаи вилоятлари қозоқ туркларини эса халқ одатига таянган халқ маҳкамалари сайловини ёқлаб чиқдилар. Шу тариқа Туркистон далалари бу масала устида икки тарафга бўлинди. Уша замон Ишчи ва Солдатлар шўролари тарафидан тайёрланган таҳлика кундан-кун ортиб бораётган бир даврда, халқни шундай масалалар устида турли жабҳаларга бўлиб, ўзаро тортишмалар тугдириш озми-кўпми миллий снэсий кураш юрита биладиган бир уюшма яратиб, фаолиятга бошламасдан ўлдириш, ўзимиз учун инқилобнинг келтирган шароитидан бир оз ҳам фойдаланиш имкониятини битириш демак эди.

Миллий марказ Оқмасжид ва Ҳазолидан келган вакиллар билан кўришиб, уларни қисқа бир замон учунгина бўлса ҳам қозихона маҳкамалари қуриш талабидан воз кечишга унатишни менга ҳавола этди. Бу музокараларни юритиш жуда оғир эди. Вакиллар ўз элдошларининг бизнинг эски маҳкамаларимиз ҳақидаги шикоят мурожаати билан танишдилар. Улар қозоқ даласининг қозихоналарини исташда айни қаноатда бўлмаганлигини кўрдилар. Вакиллар «Уламо жамияти»нинг мўътабар аъзолари оғзидан қозилик маҳкамасини қабул этгандан сўнг қочоқларга тушаётган вазифаларни эшитдилар. «Уламо жамияти» бошлиқлари қозилик маҳкамасини қабул этгандан сўнг қозоқларнинг онла турмушларини «Шарият талабига» уйғун қилиб қуриш, масалан, хотинларига паранжи ёпиштиришга мажбур эканликларини сўзладилар. Бу сўзларни эшитган қозоқ вакиллари ўйлашиб қолдилар. Серали билан сўзлаб кўришга қарор бердилар. Бу музокаралар икки-уч кун давом этди. Ниҳоят мени чақирдилар. Серали қатнашган ҳолда биз янгида музокарага киришдик. Уруғ боғлиқлиги устун кела бошлади. Оқмасжид ва Ҳазоли вакиллари: «Қозоқларнинг кўпчилиги қозихона маҳкамаларини талаб этмайдиган бўлса, энди биз бу талабдан қайтамиз», дедилар. «Уламо жамияти» талабини такрор этса, мамлакат шаҳарлари билан дала аҳолиси орасидаги боғланиш узлиб қолажаги очиқ кўриниб қолди. Бу ҳақиқат қаршида Серали ҳам «Уламо жамиятининг қозихона маҳкамасини дарҳол тадбиқ этиш талабидан қайтишга ундаш учун музокарага киришмоқчи бўлди. «Уламо жамияти» қарорининг қандай бўлганлигини мен аниқ билмайман. Бироқ «Уламо жамияти» бошлиги Сера-

ли ҳукумат қўмитаси ҳузурда ўз талабини дарҳол Вақтли ҳукумат тасдиғига тақдим этиш ҳақида ортиқ қатъий турмади.

Бир ҳодиса Туркистон билан Ҳукумат қўмитаси (яъни Вақтли ҳукумат) орасини қирғинлаштириб юборди. Бу машҳур «Мирмуҳсин масаласи» эди. Инқилобнинг биринчи кунларида туркистонлик ёш йигитлардан бири Мирмуҳсин бизнинг эски мадрасалардаги ўқитув ишларини танқид этиб бир мақола ёзди. Тошкент қозихоналари бу танқидни динни таҳқир этиш деб, Мирмуҳсиннинг қўлини кесиб ташлаш ҳукмини чиқардилар. Мирмуҳсин мақоласининг ҳеч ўйланмасдан, тушунилмасдан ёзилган кераксиз бир нарса бўлганда шубҳа йўқдир. Бироқ бунинг учун қозилар тарафидан унинг қўлини кесиш ҳақида чиқарилган ҳукм Туркистон мухторияти душманларининг ишига яради. Улар Туркистонга мухторият бериш бир томонда турсин, олдий ҳуқуқ тенглиги беришнинг ҳам зиддига ташвиқот юрита бошладилар. Бу ҳодиса эса улар учун кучли далил бўлди. Тошкентдаги ҳаяжон фавқулодда эди. Бу ҳодиса таъсири остида Ҳукумат қўмитаси ва Ишчи ва Солдатлар шўроси Тошкентдаги ерликлар ва европаликлар учун айрим баладия идораси тузиш масаласи устида англашилдилар. Район комиссари қозилар қарорига эътироз этди. У умумий қозилар қарорини бекор этишни талаб этибгина қолмасдан, уларнинг ўзини масъулиятга тортиш билан таҳдид этди. Ишчи ва Солдатлар шўроси қозиларни «Инқилоб маҳкамасига» тортишни талаб эди. Ҳукумат қўмитаси қандай вазият олишини билмай довдираб қолди. Ҳаяжон ортди. Мирмуҳсин яширинди. Эски шаҳар милиция бошлиғи (ўз туркистонлигимиз) Мирмуҳсинни қидириб толиб, қўлини орқасига боғлаб ҳибсхонага олиб кетди. Иш Сирдарё вилояти ижроия қўмитаси қарамогига ўтди. Милиция бошлиғи эъзоҳот учун чақирилди. Вилоят ижроия қўмитаси аъзосидан баъзилари Мирмуҳсинни тутгани учун милиция бошлиғини ишдан бўшатиб маҳкамага беришни талаб этдилар. Ҳақиқатан ҳам тутилгандан кейин Мирмуҳсиннинг вазияти сўнг даражада таҳлика остида эди. Ҳатто вилоят ижроия қўмитаси раиси ўринбосари большевик Анферов Мирмуҳсинни тутиб қамаш билан унинг вазиятини таҳликага киритган милиция бошлиғининг ўлимга маҳкум этилишини талаб этди.

Вилоят ижроия қўмитасининг раиси кекса Наливкин ҳам сўнг даражада ҳаяжонланган эди. Раис ўринбосари мавқесига бўлган менинг ҳам вазиятим жуда оғирлашди. Мен ёлғиз большевик Анферовнинг ўлим талабигагина эмас, ҳатто озгина қонуний бўлган комиссарни ишдан бўшатиш талабига ҳам қарши чиқдим. «Бу кишини вазифасидан бўшатиб, унинг ўрнига бир русни тайин этасиз, бу билан Тошкент аҳолиси ҳаяжонини бир оз орттирган бўласиз», деган далилни келтирдим...

Мирмуҳсин озод этилди. Давлат маҳкамаси умумдаъвоҳис қозилар ҳукмини ҳам бекор қилди. Шу билан безовталик бир оз пасайди, иш йўлга тушди. Бироқ бу билан Туркистонда итариат маҳкамалари — қозихоналар қуриш масаласи шиддатли зарба эди. Инқилобчи ҳукуматнинг Туркистонда қозихоналар системасини тиклантиришга рози бўлишини бундан кейин умид этиб бўлмасди. Ўз тарафимиздан бир тарафлама тадбир бўлароқ ўтказиб юбориш учун биринчидан, ушбу масала устида ўзаро бир фикрда эмас эдик. (Юқорида қайд этиб ўтилган, қозоқлар орасида бўлиб ўтган ҳодисани эсланг). Иккинчидан, ҳеч қандай кучимиз йўқ эди.

Мирмуҳсин ҳодисаси шу йўл билан Туркистонни сиёсатан қутқармоқчи бўлиб юрганларнинг сиёсий жаҳолати даражасини кўрсатаётган қайгули манзараларнинг бири эди.

X

1917 йили инқилобнинг ўртага ташлаган асосий масалаларидан бири — ер масаласи ҳам бизнинг Туркистонда Русияга қараганда бутунлай бошқача қўйилганди. Мен бу ерда ана шу ер масаласидаги фарқнинг сабаб ва иллатларини, асосий нуқталарини изоҳлаб ўтишни лозим топдим.

1917 йили, инқилобдан 56 йил аввал, яъни 1861 йилга қадар рус қишлоқ мужигининг ер эгаллашга ҳақи йўқ эди. Зотан у бу тарихга қадар энг олдий инсоний ҳақ-ҳуқуқдан ҳам маҳрум эди. 1861 йилга қадар рус чорлари шахсларга ёки давлатга хизмат кўрсатган ходимлар ва қавм-қариндошларига мужикларни ҳада этардилар. Ҳар йўл билан бўлса ҳам қишлоқ аҳолиси устидан эгаллик ҳақини қозонган кишилар уларга исбатан одатда ўз қўлларидаги

хайвонлари каби муомала қилардилар. Вақти билан уларни сотар, ҳада этар ва ҳатто «този ит»га алмаштирардилар. Ҳаддан зиёда хўрланган мужиклар қўзғолонлар кўтариб ўз хўжайинларини ўлдирардилар. Уша замон таъбири билан айтганда, «Қизил хўрозни кўйиб юборардилар», яъни хўжайинларнинг юртини ёндириб юборардилар. Русия тарихида икки марта бундай деҳқон кўтарилишлари ҳукуматга қарши умумий халқ галаёни шаклини олган. Биринчиси (1667—1671) Степан Разин ҳаракати, иккинчиси (1773—1775) Эмельян Пугачов ҳаракати деб аталади¹. Бу қўзғолонлар мусбат натижа бермади. Рус ҳукуматлари эса «Асрлар бўйича рус тарихининг муқаддас омилларида бўлиб келган» сиёсатни давом эттирди. Эски қул сақлаш сиёсатининг давомида чор тахти ва бутун давлатнинг остида бўлганлиги англашилгач, 1861 йил 3 мартда Чор иккинчи Александр мужикларни қулликдан озод этиш фармони чиқарди.

Чор фармони, тарихда деҳқон аҳолисининг озодлиги деб юритилса ҳам, бу озодлик тўла эмас эди. Чунки бу билан яна деҳқонга ер берилмади. Озодлик эълон этилган замон деҳқонларнинг ишлаб турган ерларининг бир қисми деҳқон жамоатларига (Крестьянская община) сотиб олишга берилди. Бу ерлар айрим жамоат аъзосининг эмас, жамоатнинг умумий мулки деб таниларди. Шу тариқа бурунги хўжайинларнинг қулликдан озод этилган деҳқон жамоатга боғлиқ қолди. Шу йўсинда жамоатдан айрилган умумий мулк ҳисобланган ердаги ҳиссасидан фойдаланишдан воз кечиш демак эди...

Уша пайтларда 30 мингга яқин буюк мулкдорлар оилаларининг қўлидаги ер 64.700.000 гектар эди. 10 миллион деҳқон оилалари жамоати қўлида эса, 68.600.000 гектар ер бор эди. Бу икки сонни солиштириб кўрсак, 30 минг мулкдор оиласида 64.700.000 гектар ер бўлиб, 10 миллион деҳқон оиласи қўлидаги ернинг 68.600.000 гектар бўлганлиги ўзи Русияда ер масаласи нақадар кескин вазиятда эканлигини кўрсатади...

¹ Пугачев қўзғолонига татар, бошқирд ҳамда қozoқларнинг ўша замонгача рус истилоси остига тушган қисмларидагилар қатнашганлар.

Рус чорлари ҳукумати, бир томондан, тахтининг таянчи саналган мулкдорларнинг асрлардан буён келётган «ҳақиқ»ни мудофаа этишига уринса, иккинчи томондан, деҳқон аҳолиси тўдасининг ўсиб бораётган инқилобий аҳвол-руҳиясига қарши курашмоқдайди. Кучайиб бораётган огирликдан қутулиш чораси истило этилган гайрирус ўлкаларига, Кавказ, Сибирь, хусусан, Туркистонга кўчиришдан топилди. Чор ҳукуматининг расмий манбаларига кўра ёлғиз ҳозирги Қозоғистон жумҳурияти доирасида рус муҳожирларига бериш учун тўртинчи олинган ернинг 45 миллион гектари бўлганлигини ўзи, гайрирус ўлкалардаги ер тўртинчи олинганларнинг даражасини кўрсатиш учун етарли мисол бўла олади.

Энди бу 45 миллион гектар ер олинган доирадаги рус муҳожирларининг бир миллионга етар-етмас сонда бўлганлигини ҳам илова этсангиз, Русиядаги рус деҳқон билан Туркистонга келтирилган рус муҳожир деҳқон вазиятлари орасидаги фарқ ҳам кўз олдингизда намоён бўлади. Бунинг устига, Туркистондаги муҳожир рус деҳқон эгаллаган ерларининг ҳақиқий эгаси ҳисобланганлигини ҳам илова этишингиз керак. Бу йўл билан Русияда ҳукумат душмани — инқилобчи руҳия ташиган рус деҳқони Туркистонда бу ҳукуматнинг таянчи бўлиб қолган эди.

Энди тасаввурингизни бизнинг юртимиз Туркистон тарихига қаратинг. Хонлар, уларнинг зolim идоралари фано эди. Бироқ бизнинг халқ ҳеч бир замон қул бўлмаган, қул этилмаганлар. Уларнинг ҳеч бир замон сотмаганлар ҳамда «итга алмантирмаганлар...» Бизда тупроққа муносабат икки турли йўл билан иккишоф этилиб, икки турли тартиб ўрнатилган эди.

Туркистон даяларида ҳукм сурган халқ урф-одати таъбири остида уруг (қабилла) эгаллиги, шаҳар ҳамда ўтроқ аҳоли доирасида эса шарият негизидаги умумий ва хусусий мулкيات жорий эди. Иккинчи томондан, дала қисмининг мулкдор аҳолиси хўжалиги ерга кўпинча ўт-ичил ва мол боқиш жиҳатидан қараб, шу нарсага ярайдиган ерларга кўпроқ аҳамият берардилар. Утроқ экинчилик қисмида эса экин кўп экин заҳмат талаб этаётган ва сугориш билан боғлиқ бўлганидан айрим буюк соҳиблари бўлмаган. Инқилобга қадар бизнинг юртимиз хўжалик шароитида бундай бир нарсанин бўлиши ҳам мушкул эди. Туркистон қиншоқ хўжалигидаги кичик ва ўрта даражали

мулк соҳиблиги характери шундан иборат эди. Ёлғиз кейинги даврларда пахтачиликнинг гайритабиий шаклдаги иккишофи таъсири остида пайдо бўлган қарз масаласининг оғир юки остида қолган кичик ер соҳиби деҳқонлар мулкни йўқотиши оқибатида буюк ер эгалари вужудга кела бошлаганди. Бироқ бу билан ҳам буюк ер соҳиби, мулкдорлар сони кўпая олмаган эди. Истаганингизни туркистонликлардан сўрасангиз, Андижон бойлари Миркомил билан Темурбек ҳожилар ёнига бошқа бир неча буюк ер соҳиблари исми-ни кўша билиши шубҳалидир. 100 гектар, яъни 600 таноб ер демак Туркистонда буюк бир сарватдир...

Туркистондаги тупроқ масаласини Русияникидан фарқли томонларини қайд этиш керак:

1. Ер туркистонликларни бир-бирлари билан келишолмас душман синфларга бўлмаган эди.

2. Туркистонда ер танқислиги Русиядагидек айрим мулкдорларнинг буюк бир ер парчасини эгаллаб ўтиришдан эмас, Туркистонда экин учун керакли бўлган суғориш масаласининг аҳоли кўпайиши билан мутаносиб ўстирилиб борилмаганлиги натижаси эди.

3. Туркистонликларнинг ерсизланишининг йилдан-йилга ортиб бориши, биринчидан, рус ҳукуматининг рус муҳожирига бериш учун ерни олиб қўйишдан, иккинчидан эса унинг ваҳшиёна юритган пухта сиёсатидан пайдо бўлган эди.

Иккилобдан сўнгра Туркистондаги ер масаласи Русиядагидан фарқли бўлганлиги ҳам шундадир. Русияда ер масаласи ижтимоий, синфий, сиёсий бир масала эди. Туркистонда эса у сиёсий ҳамда миллий масала эди.

Русияда иккилоб рус мужиги манфаатига уйғун эди. Чунки у мулкдор, черков ва чор авлодлари ерларининг ҳаммасини унинг қўлига топширмоқда эди. Туркистонда эса иккилоб асослари рус муҳожир мужиги манфаатига қарши эди. Чунки у чор ҳукумати тарафидан рус муҳожир мужигининг эгаллигига олиб берилган ерларининг ҳаммаси бўлмаса ҳам, буюк бир қисмини туркистонликларга қайтарилишини, унинг ҳозиргача фойдаланиб келган фавқулодда ҳуқуқидан айрилишини ҳар ҳолда очиқ ижоб эттирмоқда эди.

Рус иккилобчиларининг муҳим бир қисми бу фарқни тамоман англамасди. Бошқа бир қисми эса, англаган ҳолда у билан ҳисобланмоқ нстамасди.

Рус иккилобчилари билан бизнинг орамизда ер

масаласи устида чиққан англашмасликларнинг сабаби ҳам мана шу эди.

Иккилоб бошидаёқ, аввалан Оренбургда тўпланган умумқозоқ турклари, кейинчалик Тошкентдаги Умумтуркистон қурултойи рус муҳожирларини келтиришининг дарҳол тўхтатилиши ва муҳожирлар учун деб ажратилган ва ҳозирга қадар муҳожирлар қўлига ўтказилмаган ерларнинг дарҳол туркистонликларга қайтарилишини талаб этиб қарор чиқарди. Бу тилак Вақтли Ҳукумат томонидан ҳам тасдиқланди. Туркистондаги рус муҳожирларининг намояндалари бунга ҳам эътироз эта бошладилар. Ишчи ва Солдатлар шўроси ҳам табиий рус муҳожирлари томонида эди. Вақтли Ҳукумат зироат министрлиги «Ер қўмиталари» тузиш ҳақида қонун чиқарди. Ер қўмиталари мулкдорлар қўлидаги ва бошқа жинс эгалликларидagi ерларнинг деҳқонлар қўлига тартиб билан ўтишига боқажак ва бу ҳақда керакли чораларни кўражак эди. Туркистонда «Ер қўмиталари»ни тузиш учун зироат министрлиги вақтли бўлароқ Меҳдий Чанишев исмли бириси келди. Бизнинг Туркистонда бундай ер қўмиталарининг кераги бўлмаганлигини, бошқа миллатни заррача тушулмаган бу ёш йигитга англаш мумкин бўлмади. Туркистондан борган вакиллар зиёратидан сўнг, Вақтли Ҳукумат бошлиги Керенский тарафидан бу ер қўмиталари қонунининг Туркистонга оид қисмини амалга оширилишдан тўхтатилди ва адашган Меҳдий Чанишев «Ер қўмиталари»ни кўролмасдан Туркистонда ишсиз қолди. Шу тариқа Туркистон тупроқ масаласи узундан-узоқ таъсис мажлиси тўпланишига қараб қолди. Шунинг ҳам айтиш керакки, ер масаласини тушунишда, сиёсий дунёқараш ва завқ масалаларидан қатъий назар, бутун туркистонликлар бирга эдилар. Керенскийдан «Ер қўмиталари» қонунининг Туркистонга доир қисмини тўхтатиб қўйишни сўраган ҳайъатнинг кўнчилиги «Уламо жамияти» аъзоларидан эканлигини ҳам шу ерда қайд қилиб ўтиш лозим.

Ҳар икки тараф, яъни туркистонликлар ҳамда рус муҳожирлари, кўндаланг турган тортинувлар учун диққат билан тайёрланмоқда эдилар.

...Байрамали атрофидagi ҳамда Тежап районидаги туркманлар рус муҳожирларига олиниб берилган эски ариқларини зўрлик билан қайта ололадилар. Тошкент ёнидаги Зогариқ донрасидаги аҳоли эса эски одати

бўйича ўз истаганича, вақтидан аввал сувни ағдариб кетмоқчи бўлган рус муҳожирларини қувиб юборди... Туркистон далаларининг бир қанча ерларида Туркистон қозоқ-қирғизлари, эскидан тортиб олиниб рус муҳожирларига берилган ницазлик ўтлоқларини қайтариб олдилар. Қун сайин англашилмовчилик ҳам кучайди. Рус муҳожирлари ҳатто Ишчи ва Солдатлар шўросида ҳам ушбу ер масаласи устида жиддий тўқнашувлар чиқиб кетиш эҳтимоли сезиларди. Ушбу нуқталарни назарда тутиб қораниқ¹ларининг имкони борича олдини олиш учун, таъсис мажлиси тўпланишига қадар яроқли бир англашма топиш мақсади билан «Туркистон Рус муҳожирини — Қозоқ шўроси» деган уюшма ташкил этилди.

Бу ишда ташаббуснинг ким томонидан бошланганлигини аниқ билмайман. Мен Миллий марказининг топшириғи бўйича Самарқанд вилояти доирасини айланиб чиққандан сўнг, аини мақсад билан Фарғонага кетган эдим. У ерда Тошкентдан дўстим Али Муҳаммад Қутибор ўғлидан бу янги қурилган шўронинг икки рансидан бири бўлиб сайланганлигини билдирган телеграм олдим. Асли иш билан Тошкентга қайтгач танишдим. Бу ташкилот ранслигини қабул этишдан аввал мен масалани Миллий марказга билдирдим. Миллий марказ розилик берди; мен ҳам бу «Ўлка Рус муҳожирини — Қозоқ шўроси»нинг ранслигини қабул этдим. Иккинчи ранс эса эски сўл социал-революционер Черньовский эди. Аъзолар эса қозоқ ҳамда рус муҳожирлари вакилларидан эди. 1917 йили март ва октябрь ойлари орасидаги муддатда анархистликдан бошлаб «кадет»лик ва соқчиллик марҳалаларини кечиб сўл социал-революционерга қадар бориб етган ва ниҳоят 1918 йилда большевиклар қаторига ўтиб кетган доктор Успенский ҳам бу шўронинг аъзосидан бири эди.

Бу янги тузилган «Ўлка Рус муҳожирини — Қозоқ шўроси»да бир ер масаласи устидаги Туркистон халқи билан рус муҳожирини орасидаги муносабатни текширдик. Ҳар икки томон ҳам ўз талаб ва орзуларини ўртага қўйдилар. Руслар туркистонликларининг муҳожир ерларига ҳужумни тўхтатишларини ва уларнинг ариқларидан фойдаланишга моне бўлмасликларини сўрадилар. Бироқ текширилганда бу каби ҳаракат-

¹ Туполон.

лар туркистонликларининг руслар тарафидан ўтмишдаги каби масъулиятсизлик, зўравонлик ҳаракатига «жавоби» эканлиги англашилди. Рус муҳожирлари, эскидан ҳукумат ёрдами билан ишлашга ўрганиб қолганларидек зўрдан сувни ағдариб, ерли деҳқонларнинг ҳақини емоқчи бўлган. Туркистонлик деҳқонлар ҳам уларни сувга яқинлаштирмай қувиб юбордилар. Биз ҳам ўз томонимиздан рус муҳожирларининг Ишчи ва Солдат шўролари билан боғланмасликларини, туркистонликлар билан аввалгидаги каби муомалада бўлишдан сақланишликларини, Еттинсувдаги муҳожирларга ерли қозоқ-қирғизларга қарши қуролли ҳужумларини тўхтатиш йўлида таъсир этишларини ва ниҳоят бу ўраниган муҳожирларини биз билан бирликда Русиядан янги муҳожир келтириш сиёсатига қарши чиқишларини талаб этдик. Ушбу талабларимизни қабул этган тақдирда таъсис мажлисига Туркистондан бир муҳожир вакилини ўтказишга рози бўлганимизни билдирдик.

Бугун, 29 йилдан сўнг, бизнинг у замондаги талабларимиз нақадар солдалик асари бўлиб кўринади! Фақат биз у замон шу қадар кучсиз ва тайёрсиз эдикки, талабларимиз ўзи шундай буюк бир «Иккилоб ютуғи» бўлиб кўринарди...

«Ўлка Рус муҳожирини — Қозоқ шўроси» рус муҳожирини тўдасини татмин¹ эта олмади. У келажак Туркистон ер қонунини биз билан баробар текширишни истамади. Чунки у русларининг эскидаги каби Туркистоннинг тўла ҳуқуқли ягона ҳўжаси бўлиб қолишларини истарди. У ўзига тортиб олиб берилган ерларини ўзида қолдирилишини таъмин этишини истарди... Биз билан унинг келишмайдиган нуқтаси эса Русиядан муҳожир келтиришни вақтинча тўхтатилиши масаласи эди. Уларнинг исидан сўзловчи вакиллари ўзларини «Сўл социал-революционер», бошқача қилиб айтганда «Зўрликка қарши ҳаққониятнинг ниқилобчи қурувчилари» деб атаб юрган ҳолларида рус муҳожир зўравонлиги, ҳақсизлигига қарши очиқ сўзлашга қарор бера олмадилар, очиқ сўзлашни истамадилар. Биз бу афандиларга бундай бир шўронинг ёлғиз туркистонликлар товушлари билан таъсис мажлиси вакиллигига ўта билишлари учунгина керакли эканини англадик. Шўронинг икки-уч мажлисидан

¹ Қаноатлантириш.

сўнг олган таассуротим ҳақида Миллий марказга билдирдим. Миллий марказ эса, расман шўро аъзоси бўлсам ҳам амалда унинг ишларига қатнашишни тўхтатишим ҳақида қарор чиқарди... Табиий, Миллий марказнинг қарори бўйича ишланди. Муҳожир рус мужиклари ўз вакиллари билан ҳамфикр бўлмасалар ҳам уларни ёқламоқда эди. Бу вакиллар эса таъсис мажлиси аъзоллиги умиди билан бизга яқинлашардилар. Баъзилари муайян фирқа аъзоси сифати билан ишчи ва солдатлар аъзоси бўлганлари ҳолда муҳожир мужикларини Ишчи ва Солдатлар шўросига жуда яқин бўлиб кетишдан сақламоқда эдилар. Бу эса у замондаги шароитда биз учун анчагина фойдали бир нарса эди.

Адлия ислоҳотлари устидаги ички курашларимиз, бизни рус муҳожирлари билан қўшилиб, сўнгги мақолада гапирилган, «Улка Рус муҳожирини — Қозоқ шўросини»ни қуришга мажбур этган ер масаласи атрофидаги кураш бизнинг заифлигимизни бир оз кўрсатиб қўйди. Қаршимизда бизни кутиб турган оғирлик ва қўрқинчли кўпгина ватандошларимиз аниқ кўролмадилар. Биз Миллий марказ аъзолари истар хусусий курашларимизда, истар йиғилишларда ватандошларимизни порлоқ сўзларга берилиб кетиб қаршидаги қийинлик ва ўз кучсизлигимизни унутмасликка чақирсак, улар бизни озорлашга уринардилар. Энг кўп қаршиликка маъруз қолганлар марҳум Мунаввар Қори билан Убайдулло Хўжа эди...

Бир марта Убайдулло Хўжа билан Шайхандтахур масжиди ҳовлисида бир митингга қатнашганимизни ҳозир мен эслайман. У йиғилишда сўзга чиққан нотича, уламо жамияти бошлиқларидан бири, Тошкент шаҳар «Шўрон Исломия»си ва унинг бошлиғи Мунаввар Қорига қаратиб масжид ёнида сўзлашга полыйиқ сўзлар айтди. Убайдулло Хўжа мендан кўра қизгинроқ, жўшқинроқ бўлганидан ўзини тўхтатолмай ўрнидан сакраб туриб:

«Бир рус анархистини Тошкент шаҳар бошлиғи қилиб сайлаган сиз «Уламо жамияти» кишилари бўласиз, уялинг!» деб қичқирди.

Тўполон бошланди. Ҳар томондан бақирешлар, орада бизга қаратиб оғир сўзлар ҳам айтилмоқда эди. «Уламо жамияти»нинг нотичи Убайдулло Хўжанинг сўзига жавобан: «Рус монархисти Марков жадидчи Убайдулло Хўжадан яхшироқдир!» деди.

Мажлис ранси ҳам нотичанинг бу сўзини тасдиқлади...

Мен ушбу ҳодисани тарихий турмушимизнинг энг масъулиятли пайтида ички муносабатимизнинг қайси тарзда экапчилигини кўрсатиш учунгина нақл этмоқдаман. Мусулмон — турк Тошкент аҳолисининг бир қисми, яъни «Уламо жамияти» жадидчидан рус монархистини устуи кўрганини сўзламоқда эди. Масаланинг фожеавийлиги фақат шундагина эмас эди, бир рус монархистини бир жадидчига нисбатан таржиҳ берадиган кишилар айни замонда ички ишолч «Эътиқоди Ислои» ташвиқотини олга сурмоқда эдилар.

Марков собиқ Самарқанд воллеси генерал Ликошин, ҳатто 1916 йили туркистонликларга қарши қилган полыйиқ ҳаракати учун чор маҳкамаси тарафидан адвокатлик ҳақидан маҳрум этилган Арсанасев ва шунингдек, рус монархистлари юқорида зикр этганимиздек, ёрдам соясида иш бошига қайтажакларини умид этмоқда ва бу йўлда турли ҳаракатлар олиб бормоқда эдилар...

Айтганимдек, русликнинг энг сўлидан ҳам, энг соғидан келаётган таҳликаларга қарши кураш мажбурияти бор эди. Бироқ ўз ишларимиз учун етарли кучимиз бўлмаган бир пайтда курашни қандай олиб бориш керак эди? Фақат биргина йўл бўлароқ Вақтли Ҳукумат Туркистон қўмитасини ислоҳ этмоқ, уни кучайтириш масаласи қолган эди. Кундан-кунга ортиб бораётган оғирликлар билан машғул бўлган Вақтли Ҳукумат эса Туркистонга у қадар эътибор бермай келди. Вақтли Ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси узун замон бошлиқсиз, икки аъзо (Элпатовский ва Леновский)¹дангина иборат бўлиб қолди. Буларнинг иккиси ҳам Ишчи ва Солдатлар шўроси қўлида ўйинчоқ эдилар. Шўрода эса большевик сўл социалист-революционер унсурлари кучаймоқда эди. Биз эса бу ҳукумат қўмитасини Ишчи ва Солдатлар шўроси таъсиридан қутқазиб, унга Туркистоннинг қисман ички истиқлоли, яъни мухторият тарафдори бўлган унсурларни киритиш билан кучайтириш тарафдори эдик...

Бизнинг аҳвол-руҳиямиздан хабардор бўлган Ишчи ва Солдатлар шўроси келажак ҳукумат қўмита-

¹ Ҳукумат қўмитасининг бошқа икки аъзоси Муҳаммадҷон Тинишбой ва Шиканский эса доимий суратда Еттисувда эдилар.

сининг ҳайъати ҳақида биз билан музокарага киришмоқчи бўлди. Чунки Ишчи ва Солдатлар шўроси Вақтли Ҳукумат бошлиғи Керенскийни бутунлай туркистонликлар талабига берилиб кетиб Ишчи ва Солдатлар шўросига ярамайдиган кишиларни тайинлаб юборишидан қўрқа бошлаган эди.

Биз Улка Ишчи ва Солдатлар шўроси билан биргаликда кўпгина номзодлар белгиладик. Ёлғиз икки номзод устида келиша олдик. Бу ҳам иқилобнинг биринчи ойларида Тошкент баладьяси бошлиғи бўлган, Туркистондаги машҳур рус бойи Н. И. Иванов билан мен эдик. Мен ўзимни ёшлигим ва идора ишларида тажрибасизлигимни сабаб кўрсатиб бу вазифадан узил-кесил бош тортдим. Фақат бу билан бирга Миллий Марказимизнинг исрори¹ сабабли муайян шартлар билан қабул этишга мажбур бўлдим...

Ана шу пайтларда машҳур социалист-революционер Вадим Чайкиннинг Ҳукумат қўмитаси раислигига тайинланганлиги хабарини олдик. Ишчи ва Солдатлар шўроси бунга қарши ҳукуматга протест билдирди. Ишчи ва Солдатлар шўроси нуқтан назарига кўра Вадим Чайкин, Мунаввар Қорн, Убайдулло Хўжа ва бошқа Туркистон миллатчилари билан яқин муносабатда бўлганидан, уни ҳукумат қўмитаси бошлиғи қилиб тайин этилиши тўғри эмас эди. «Жаҳидчилар» дўсти Чайкин тайинланишига «Уламо жамияти» ҳам эътироз билдирди. Биз туркистонликларнинг ўзаро бир фикрда бўлмаганимизни кўриб Чайкин ҳукумат қўмитаси раислигидан воз кечди. Миллий марказимизнинг ҳеч бўлмаганда Ҳукумат қўмитаси аъзоси бўлиб қолиши ҳақидаги мурожаати-да уни бу қарордан воз кечтира олмасди.

Бир неча кундан сўнгра бир телеграм Налифкиннинг Ҳукумат қўмитаси бошлиғи бўлиб тайинланганлиги хабарини келтирди. Бизнинг халқ умуман Налифкинга яхши кўз билан қарарди... Бу факт эскидан ҳам маълум эди.² Яхши киши Налифкин қариб қолган, ирода кучи сусайган, заифланиб қолган эди. Мен уни Сирдарё вилояти ижроия қўмитаси раислиги даврида жуда яқиндан таниган эдим. У ҳар замон бизнинг тарафдоримиз эди. Бироқ кўп заиф эди. Кўпинча мажлисларда раислигини икки ўринбосари — мен ва боль-

¹ Талаби.

² Бизнинг уламочиларимиз ҳам Налифкинга ҳурмат кўрсатгандир.

шевик Анферовдан биримизга ўтказарди. Унинг Ҳукумат қўмитаси бошчилигига белгиланишида яхшилик томон ҳеч қандай ўзгариш келтира олмади. Миллий марказнинг топшириғи бўйича Шонслом билан бирга Налифкин ёнига бориб бутун мулоҳаза ва андишаларимизни очиқ сўзладик. Кекса Налифкин бизни яхшилаб тинглади, кўрсатган самимиятимиз учун кўп танаққурлар билдирди. Ҳукумат қўмитаси бошида қолишга қатъий қарор берганини билдирди ва ўзига мувофиқ ёрдамчи ўринбосарлар топишда ёрдам беришимизни сўради.

Бир неча вақт ўтгандан кейин янги бир телеграмдан Элна Шандриков деган бирисининг Ҳукумат қўмитаси аъзоллигига тайинланганлигини ўрғандик. Насдан Еттиевуз казачиларидан бўлган бу киши Фарбий Сибириянинг Бийск шаҳрида адвокат эди. Сиёсий нуқтан назардан у социал-демократларнинг соғ қанотига (Плехановчи) мансуб эди. Биз у кишини ҳеч танимасдик. Шахсан мен унинг ишсини яхши танирдим. У билан Петербург дорилфунушида бирга ўқиган эдик. Табиийки, икки қардошнинг бирисига қараб, иккинчиси устидан ҳукм чиқариб бўлмайди. Шу билан бирга ҳеч танимаган киши ҳақида ўйлаганда ҳеч бўлмаганда унинг туғишганларига қараб ҳукм бериш мумкиндир. Бу эса Элна Шандриков учун мусбат натижа беролмасди. Бу кишининг ўзи билан мен биринчи дафъа июль ойининг охириларида Петербургда учрашдим. Биринчи кўришдаёқ у менда жуда манфий таъсир қолдирди. У биринчи сўзини ўзининг Туркистондан таъсис мажлисига киритилиши масаласидан бошлади ва ўз номзодлигини бизнинг Миллий Марказимиз томонидан ўртага қўйилиши устида қаттиқ турди. Мен унга қандай жавоб қайтаришимни билмай қолдим. Фақат унинг талабига биноан Миллий Марказимизнинг туркистонлик бўлмаганлардан номзод қўйиш ҳақидаги қарор чиқариш каби қийин бўлган шартни англатиш керак эди. Мен унга Туркистондан кечган рус вакилларининг таъсис мажлисида миллий Туркистон нуқтан назарининггина акс эттирилиши ва Туркистон вакиллари фракциясида кўпчилик билан фикр айрилиги чиққанда вакиллик вазифасидан воз кечишга ёзма тилхат беришлари керак бўлганини, шунинг учун ҳар номзодни таъсис мажлиси сайловидан аввал ишда танишувимиз кераклигини англатдим. Англатилган шартлар унинг номзодлик қизғин-

лигини бир оз сўндирди, у ҳам ортиқ бу мавзу устида тўхтамади.

Улуғ тангрим ўзи билсин — кимларгина Туркистон Ҳукумат қўмитасига аъзо бўлмоқ, Туркистондан таъсис мажлиси аъзоллигига сайланмоқ хаёлига тушмади! Ҳатто ўз районида таъсис мажлиси аъзоллигига ўта билишни умид эта олмаганларнинг ҳаммаси Туркистондан номзод этилишини истардилар ва сўрадилар. Ҳамда ким экапликлари сўралмаган номзодларнинг ҳаммаси бу ҳаракатлари билан Туркистонга шараф келтириш ўйида эдилар. Миллий Туркистон эса бу «шарафлар»нинг ҳаммасини қабул этишдан бош тортди ва бизнинг номзодлик рўйхатимизда Туркистон таниқарисидан биргина исм ҳам киритилмади.

Июль ойининг охири кунлари билан августнинг биринчи ярмини мен Петербург ва Москвада вилоят ижроня қўмиталари қурултоғи ва давлат шўроси тўпланишларига қатнашни билан ўтказдим. Бу аспода ҳукумат аъзолари, хусусан, Вақтли Ҳукумат бошлиғи Керенский билан бир неча марта учрашдим ва бизнинг вазият, шароит, Ҳукумат қўмитасининг фаолият програми ҳамда ҳайъати ҳақида бизнинг қарашимизни, Миллий Марказимизнинг қарорига асосан, батафсил аниқладим. Вақтли Ҳукуматнинг ҳам ўзига махсус планлари бор эди. Бу планлар ҳам бизнинг қарашимизга тамоман уйғун эмасди. Фақат бир масалада ҳукумат бизга таъминот берди. Ҳеч бир реформа Туркистоннинг салоҳиятли ташкилоти билан аниқлашмагунча Туркистонга тадбиқ этмаяжакди. Бундан Петербургда махсус Туркистон ишлари комиссарлиги қуриш масаласи чиқди. Бу фикр шахсан Керенскийга оиддир. Биз ҳам уни кўп қувватладик.

Вақтли Ҳукумат аъзолари билан бўлган кенгашида келажак ҳукумат қўмитаси аъзолари рўйхатини туздик. Мен Убайдулло Ҳўжа билан Шоислом Шоаҳмадбекнинг киритилиши устида қаттиқ турдим. Керенский асос эътибори билан рози бўлди. Аммо Ишчи ва Солдатлар шўроси тарафидан эътироз бўлиб қолиш эҳтимолини кўзда тутиб, кўп ошиқмасликни сўради.

ХИ

Бирини Русия, иккинчиси Туркистон миқёсида муҳим бўлган икки ҳодиса, умуман, Русияда ва айниқса Туркистонда ниқилобнинг олға боришига кучли таъсир этди.

1917 йили 27 августда умумий Русия ўрдусининг бош қўмондони генерал Корнилов Вақтли Ҳукуматга қарши чиқди. Жабҳадан Петербургга аскар юборилди, аксилниқилоб қўрқуви вужудга келди. Муваққат ҳукумат, Ишчи ва Солдатлар шўросининг қатъий ҳаракати соясида бу аксилниқилобий чиқиш қон тўкилмасдан бостирилди. Шу билан бирга бунинг қолдирган изи ниқилоб тақдирини учун ёмон бўлиб чиқди. Ишчи ва Солдатлар шўроларида большевик ва сўл эсер унсурларининг нуфузи ортиб кетди. Кўпчилиги ерсиз, оз ерли деҳқон табақасидан бўлган аскарга большевик пропагандасининг таъсири аввалгидан ҳам ортиб кетди. Большевикларнинг қўллаган асосий шнорлари «Бутун ҳукумат — советларга!», «Бутун ер — деҳқонларга!», «Завод-фабрикалар — ишчиларга!» деганлардан иборат эди.

Большевикларнинг ҳукуматини қўлга олиш тажрибалари илк бор бизнинг Тошкентда бўлди. 1917 йили 13 сентябрда Тошкент ишчи ва солдатларининг большевиклашиб ва сўл эсерлашиб юрувчи табақаси қўлга тушиб қолди. Вақтли Ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси аъзоси Шандриков, Леновскийлар қасргадир яширидилар. Қўмита раиси Налифкин ташқи дунёдан узилиб қолди. Ниқилоб бошларида Ишчи ва Солдатлар шўролари томонидан Туркистон аскарни қўмондони сайланган генерал Черкас солдатлар тарафидан урилиб, ярим ўлик ҳолига туширилди. Улка Ишчи ва Солдатлар шўроси ўзи ҳам йўқ каби бўлиб қолган эди. Бир оз аввалроқ «Ниқилобчи ишчи ва солдатлар» номидан бақириб-чақириб, нуфузли бўлиб кўриниб юрган кишиларнинг товушлари ўчиб, ўзлари эса кўчаларда кўринмай қолдилар. Қўшқа ва Оқмасжид каби Туркистоннинг турли бурчакларидаги маҳаллий Ишчи ва Солдатлар шўролари Тошкент исёнчиларига қўшилганликларини маълум этиб, совет ҳукуматини ўрнаштириш учун ёрдамчи кучлар юборганликларини билдирдилар. Бутун Туркистондаги Ишчи ва Солдатлар шўролари ташкилотларинида ёлғиз Фарғона Ишчи ва Солдатлар шўроси Вақтли Ҳукумат тарафдори бўлиб қолди. Яна шу Фарғона Ишчи ва Солдатлар шўроси Туркистон ерли халқи билан аниқлашмагунча ҳар қандай бир ҳужжат қуришга қарши эканини эълон этди.

Бизнинг бутун диққатимиз эски Тошкент ва умуман турк — Ислом Туркистонини исёнчи ишчи ва

солдатларнинг қуролли курашидан сақлаб қолишга қаратилган эди. Оқмасжид ва Кўшқадан исёнчиларга ёрдам кучи юборилишига жавоб бўлароқ Фаргона Вақтли Ҳукумат тарафини ёқлаб, Тошкент устига тўпчи қисмини йўллади. Ҳукуматсиз қолган Тошкентда исёнчилар икки кун ҳукм сурдилар. Бу орада Вақтли Ҳукуматнинг, энг тўғриси, ҳукумат бошлиғи Керенскийнинг Тошкентдаги исёни жуда қисқа ва кескин йўл билан бостириш учун амр берганлиги хабари чиқди. Қозон доираси қўмондон генерал Коровиченконинг Туркистон генерал комиссарлигига белгиланганлигини ҳам ўргандик. Айни хабарда генерал Коровиченконинг етарли аскарний қувватлар билан Тошкент томонга юрмоқдалиги билдирилган эди. Исёнчилар тезгина тинчидилар.

На ҳукумат қўмитаси ва на Ишчи ва Солдатлар шўроларининг таянчоқ кучи бор эди. Ҳар қандай исёнчи аскар дастаси истаган вақтида ҳукуматни қўлга тушириб ола билажак бир ҳолда эди. Бу ҳар кимга маълум эди. Ўз-ўзидан очиқ кўриниб турган бир нарса бўлса, у ҳам биз туркистонликларнинг ушбу тортишувлардан зарар кўрмоқдалигимиздир... Бу кўрқинчли вазиятнинг олдини қандай олиш керак? Уша замон бизнинг қаршимизда кўндаланг бўлиб турган савол шу эди. Ўзимиз бу саволни еча билиш вазиятида эмас эдик. Чунки ниқилоб бизга бутун орзуларимизни очиқ айтишга имкон берган бўлса ҳам, уни амалга ошириш, ҳатто келгинди рус солдат, ишчи ҳамда крестьянлари таҳдидидан сақланиш қуролини ҳам бермаган эди. Туркистонликлар дилдан ниқилобдан узоқлашмоқда, уни ётсимоқда эдилар. На Корнилов чиқиши ва на Тошкентдаги большевик, сўл эсерларисёни туркистонликларни ҳеч қандай ҳаяжонга солмаганлигининг ўзи аҳвол-руҳияни очиқ кўрсата олади. Бу ниқилоб тақдирига қарши алоқасизликнинг ҳар нарсадан аввал ўзимизга таҳлика келтириш эҳтимоли бор эди.

Туркистонга генерал комиссар тайин этилиши биз учун қутилмаган бир нарса эди. Англашилган генерал Корнилов исёни Вақтли Ҳукуматни Туркистон қўмитаси асоси ҳақидаги қарорини ўзгартиришга мажбур этган. У бу қўмитани кучсиз бир ниқилобий муассаса ҳолидан чиқариб, жуда катта фаолиятли идоравий муассаса ҳолига келтирмоқчи бўлгандек кўринди.

Генерал комиссар ёнига бири ҳарбий, иккинчиси граждан бўлган ҳолда икки ўринбосар белгиланган эди. Аскарний ўринбосарликка Оренбург казачиларидан, ҳозир исми хотирамдан кўтарилган, бир ҳарбий штаб офицери тайин этилган эди. Граждан қисм ўринбосарлигига исми юқорида бир марта зикр этилган граф Доррер белгиланган эди.

Бу генерал комиссарнинг тайин ҳодисасидан бир неча кун аввал Иванов билан мен Ҳукумат қўмитаси аъзолигига сайланган эдик... Янги вужудга келган ҳодиса қаршисида мен кўп оғир вазиятга тушиб қолдим. Менинг ҳукумат қўмитасига киришим устидаги бизнинг Миллий Марказимиз истаги ва менинг рози бўлишим ҳам бутунлай бошқа шароит остида бўлган эди. Генерал комиссарнинг роли нимадан иборат бўлишини ҳали ҳеч ким билмасди.

Миллий Марказнинг вилоят миллий қўмиталари раислари ва Тошкент шаҳар Ислоний Шўросининг бошлиғи қатнашини муносабати билан кенгайтирилган йиғилишни чақириб қарори берилган эди. Туркистон Миллий Марказининг раиси ҳукумат қўмитасига бутун Туркистон халқини намояндаси бўлиши керак, деган далилни кўрсатиб Убайдулла Хўжа, «Уламо жамияти»дан раис Серали Лошнинг ҳам чақирилиши устида фикр билдирди. Бу таклиф қабул этилди. Ўзгарган шароит остида ҳукумат қўмитаси аъзолигига сайланишини қандай шартлар остида қабул этишим кераклиги ва бизнинг назаримизда таъсис мажлиси тўпланишини кутмасдан амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳақида план ҳозирлаш шахсан менга ҳавола этилди. Бундай илани тайёрлаш қийин иш эмас эди. Чунки биз у ҳақда деярли ҳар кун музокара этардик. Миллий Марказ бизнинг шартларимизни қабул этган тақдир менинг ҳукумат қўмитасига киришимни ва мен тайёрлаган программани қўмитага топширишимни қабул этди. Айни тўпланишда мени генерал комиссарни қаршиламақ учун Актюбега боришим қарори чиқарилди. Мен комиссарга Туркистондаги ҳодисалар, хусусан, бизнинг вазият, шароит ва тилакларимизни таништирмоқчи эдим. Биз билан бирга ишлаб қимматли ёрдамлар кўрсатиб келаётган Вадим Чайкин бу саволларда мен билан бирга йўлга чиқди.

Менинг Ҳукумат қўмитаси аъзолигига олинишимни қабул қилишим учун Миллий Марказимиз томо-

нидан қўйилган шартлар шулардан иборат эди: Ишчи ва Солдатлар шўроси ёрдами билан собиқ Хукумат қўмитаси тарафидан ҳукуматга топширилган Тошкент ва бошқа буюк шаҳарларда туркистонликлар ҳамда руслар учун айри-айри баладиялар қуриш планини қайтариб олиш; Туркистон рус аҳолисига айрим таъсис мажлиси вакиллари чақириш ҳақи бериш устидаги рус жамиятларининг собиқ ҳукумат қўмитаси томонидан тасдиқ этилган планини қайтариб олиш; генерал комиссарнинг Туркистондаги ҳарбий кучларини ички Русиядан келтириладиган, аксарияти татар-бошқирдлардан иборат бўлган бошқа ҳарбийлар билан алмаштириш масаласини Вақтли Хукуматга таклиф этишни зиммасига олиши...

Генерал комиссар билан биз Актюбе станциясида учрашдик...

Генерал комиссар ёнида, телеграмда кўрсатилган ва Туркистондаги большевик ва сўл эсерларни қўрқитадиган аскарний куч деган нарса, ёлғиз кичик бир тўп, бир ўқсочар (пулемёт) ва икки-уч ёш офицердан иборат бўлиб чиқди.

Мен Туркистондаги ҳодисаларга қарашимизни ҳамда Миллий Марказимизнинг қандай шартлар остида мени ҳукумат қўмитасига киришимга рози бўлажагини аниқладим. Генерал Коровиченко бизнинг талабларимизни қабул қилди. Вагонда ўтирган ҳолда баладияларни тақсимлаш ва рус аҳолисига айрим вакиллар чақириш ҳақи бериш планларини таъсирсиз қолдириши ҳақида Вақтли Хукуматга телеграм йўллади. Учинчи шартимиз, яъни Туркистондаги гарнизонни бошқа ҳарбий қисмлар, кўпроқ татар-бошқирд ҳарбийлари билан алмаштириш масаласига келганда, генерал бу ишда қийинчилик кўрмаслигини аниқлаб ҳам, бу иш, табиийки, йўлда бораётган вагонда амалга ошаётган иш эмасди.

Ниҳоят, генерал комиссарнинг раислиги остида биринчи ҳукумат қўмитаси йиғилиши. Генерал комиссар ва унинг икки (ҳарбий ва граждон ишлари) ўринбосарларидан бошқа Липовский, Шандриков, Иванов ҳамда мен бор эдик. Налпфкин истеъфо этган эди. (Ялпатовский Бухорога Вақтли Хукуматнинг сиёсий мухбири бўлароқ тайинланган эди.) Дарҳол жабҳанинг истиқомати очик кўришиб қолди. Доррер Хукумат қўмитасининг ёлғиз Туркистон халқига таяниши кераклигини очик айтди. У солдатлар-

нинг ҳаммаси Русиядан келтирилган кишилар бўлганлигини, ишчиларининг ҳам Туркистон халқи учун ёт ҳамда унга дўст бўлмаган аҳвол-руҳиядаги бир-унсур бўлганини, рус крестьянлари эса, аввалдан туркистонликлардан тортиб олинган ерларга ўрнаштирилганлиги ва шунинг учун ҳам улар очикдан-очик ерли халқ душманлиги фикри юритишларини айтди. Рус аҳолисининг қолган қисми, маъмурлар, зиёлилар ва савдогарлар эса озгина миқдорни ташкил этганлигини сўзига илова этди.

Бутун манфаати ва турмуши билан Туркистонга ҳамда Туркистоннинг ерли халқига боғлиқ бўлган Иванов ҳам жуда кескин ва очик бўлмаса ҳам айни назарни юмшоқроқ сўзлар билан билдирди. Қутилганидек, Элиа Шандриков бутунлай бошқача фикр билан чиқди. Уни Туркистон томонидан таъсис мажлиси номзодлигига қўйишни рад этганимни унуталмамди. Липовский Шандриков фикрига қўшилди. Генерал комиссарнинг ҳарбий ишлари ўринбосари, бир ҳарбий киши бўлароқ ўзини сиёсат ташқарисидан бўлганлигини айтди. Генерал комиссарнинг ўз вазияти бутунлай ойдин бўлмаса ҳам, бизнинг Русия манфаатига қарама-қарши бўлмаган талабларимизни ёқлаброқ гапирди. Хукумат қўмитасининг шу йиғилишида Вақтли Хукуматга Убайдулла Хўжа билан Шонсломбек Шоаҳмадбекин ҳукумат қўмитаси аъзоллигига тайин этишни таклиф этиб қарор чиқарилди. Шандриков ҳамда Липовскийлар ушбу қарорга қарши эдилар. Янги қўмитанинг биринчи одимлари бизга ёқимлироқ бўлиб кўринмоқда эди.

XIII

Янги Хукумат қўмитаси доирасидаги илк муваффақиятларимиз рус жамоатининг сўл ва соғ қанотидаги душманларимизни ташвишга туширди. Ҳар икки томон ҳам бизнинг миллий ҳаракатимизнинг маҳкамлашиб, кучайиб кетишини ҳеч истамас ва уйдан қўрқардилар. Сўллар учун биз «Миллатчи реакция тарафдорлари» бўлиб кўринадик. Чунки биз миллий имкониятимизни ўз қўлимизга олишга ҳаракат қилардик. Бизнинг бу мақсадларимиз айни пайтда соқчил руслар кўзига «Даҳшатли инқилобчи унсур» бўлароқ

¹ Унг.

қўринган эди. Бизни «Пантуркистлик» билан айблашда сўл ва соғинлар бирга эдилар. Бироқ уларнинг бу қўрқинч ҳаяжонни кўп давом этмади. Туркистон ерли аҳолисини ҳарбий хизматга олиш ҳақида мен келтирган таклиф муҳокама этилгандаёқ бизнинг биринчи муваффақиятимиз, сўнгги муваффақият бўлганлиги ҳам очиқ англашилиб қолди. Қизиги шунда эдики, мен келтирган таклиф ҳукумат қўмитаси томонидан менинг гибим¹да кўрилган...

... Ёз фаслининг ўртасидаёқ Туркистонда галла озлиги сезила бошлади. Туркистоннинг галла маҳсулоти ўз эҳтиёжини қоплайдиган ҳолда эмасди. Темир йўл боғланishiдаги занфлик ва тартибсизлик керакли галлани Русиядан келтиришга имкон бермади. Бунинг устига 1916 йили кўзголон натижасида экин-тинкин масаласига анча зарба етгани туфайли Туркистоннинг ҳар томонида очлик сезила бошлади. Қайси йўл билан бўлмасин, четдан галла келтириш чорасини қидириш керак эди. Ҳукумат қўмитасининг маблағи йўқ эди. Петербурдан маблағ ёрдами кутиш мумкин эмасди. Шунинг учун ҳам Туркистоннинг ўзидан маблағ топиш йўлини қидиришга тўғри келди. Бундай маблағни эса пахта қўмитаси, турли банк шуббаларининг тўпланган, Туркистоннинг пахта маркази Қўқондаги топилмиш эҳтимоли бор эди. Ҳукумат қўмитаси, пахта қўмитаси, банк бошлиқлари, туркистонлик ва яҳудий бойлари билан учрашиб пул топиш учун мени Қўқонга юборишга қарор қилди. Қўқонда мен ёлғиз бир кун қолдим. Пахта «Бўрса» қўмитаси аъзолари, банк бошлиқлари Ҳукумат қўмитаси қарорини яхши қарши олиб ёрдамлашинга рози бўлдилар. Шимолий Кавказдан олинмоқчи бўлган галла учун керакли маблағни бердилар. Биринчи «дипломатик музокарамнинг» натижасидан мамнун бўлиб Тошкентга қайтиб келганимда Ҳукумат қўмитаси менинг таклифларимни муҳокама этиб, олға сурилган туркистонликларни ўрду сафига тортиш планини рад этганлигини Доррердан эшитдим. Бу қарорни ёлғиз Доррердан бошқа бутун аъзоларнинг раъйи билан қабул этилганлигини, Доррернинг бир таклифини киритувчиси муаллифи бўлмаган ҳолда музокара этилишига эътироз этганлигини Ҳукумат қўмитасининг ушбу йиғилиш қатнашчиларидан ўргандим. Мен кес-

кин суратда протест этдим ва протестимни ёзиб бердим. Ҳукумат қўмитасининг ўз аъзосидан бирига қилган ушбу қаршилиқ ҳаракати тўғрисида истеъфо беришга мажбур бўлганимни билдирдим...

Бироқ истеъфо беришдан олдин биринчи навбатда 1916 йилги исёнин бостиришда қатнашган рус аскаррий қисмларини Туркистондан чиқариб, уларнинг жойига бошқа, айниқса татар-бошқирд ҳарбий қисмларини келтириш масаласини ҳукумат қўмитаси мажлисига киритмоқчи бўлдим. Хусусий музокарамизда генерал комиссарга рус ҳарбий қисмларини татар-бошқирд ҳарбий қисмлари билан алмаштириш масаласи атрофидаги ваъдасини ҳам эслатдим. Ушбу масалани биз уч мажлис бўйи музокара этдик. Генерал Коровиченко, собиқ Қозон ҳарбий доирасининг қўмондонини сифатида татар-бошқирд аскарларининг мукамал солдатлиги ва маънавий савияси ҳақида гоят тўзал шохидлик берган эди. Фақат шу мукамал солдатлар... Туркистон учун таҳликали бўлиб чиқдилар! Ҳарбий ишларнинг музокарасида Туркистон ҳарбий доираси ҳар бир орган бошлигининг ҳукумат қўмитаси мажлисига нинтироқ ҳақи бор эди. Мана шу ҳарбий орган бошлиги Туркистон «Миллий иқлимнинг» хусусиятларини исбот этишга бошлади. У, Туркистон «миллий, сиёсий иқлими» шартларининг кўп жиҳатлардан ёлғиз Русиянинг эмас, ҳатто татар-бошқирд доираларининг иқлимий шартларидан бутунлай бошқа бўлганини айтди. У Туркистоннинг Эрон, Афғонистон каби Русияга душман кўзи билан қараётган мусулмон мамлакатлари билан ўралиб олинганлигини, 1916 йилги исёни аҳвол-руҳиясининг халқ зеҳнида ҳозир ҳам яшаб турганини, донра ҳарбий орган қўлида бўлган материалларга кўра, Туркистоннинг ҳар томонида, ҳатто Тошкентнинг ўзида ҳам махфий «Анвар Пошо агентлари» борлигини англади, асир турк субойларнинг Сибириядан қочиб қозоқ далаларида яшириниб юрганларини сўзлади. Бутун тафсилотидан шундай натижа чиқдики, Туркистондаги рус солдатларининг татар-бошқирд аскарлари билан алмаштирилишида Туркистон Русиядан ажралиб кетиш хавфи тугажакди.

Ҳарбий орган бошлигининг нутқи мажлисадагиларда чуқур таъсурог қолдирди. Доррер томонидан

¹ Офицери.

ҳимоя этилган менинг эътирозим, генерал комиссар иштирок этгани ҳолда, мажлис аҳлининг аввалдан ҳозирланиб қўйилган қапоатларини ўзгартира олмади. Шу билан масала тугаган бўлди. Генерал комиссар ва Ҳукумат қўмитаси аъзолари менинг ўз истеъфом ҳақидаги баёнотимни тингламадилар. Мен эса Убайдулла Хўжа билан Шонсломбек Шоаҳмадбекининг сайланиш масаласини таъкидладим...

Октябрь ўрталарида большевикларнинг чиқишга тайёрланишлари хабари тарқалмоқда эди. Ҳукумат қўмитаси қўлида большевик ва сўл социалист-революционер ҳукуматини қўлга киритиш тўғрисида тайёргарликда бўлганларини кўрсатувчи қатъий маълумотли васиқалар бор эди. Бунга хилофан Ҳукумат қўмитаси фаолиятсиз қолди. Генерал комиссар ўзи ҳам бу соҳада ҳеч қандай чора кўра олмади... 23 октябрь кунин Тошкент Тупроққўрғондаги ҳарбий қисм қуролланди. Қўмондоннинг қуролни таслим этиш ҳақидаги буйруғига таҳдидкор жавоб қайтарди. Елғиз Тошкент ҳарбий мактаби талабаларигина генерал комиссар амрини тинглаб, буюрган ишга кетажак бир вазиятда эдилар... Ҳарбий қисмларнинг итотдан бени тортганликлари, Тошкентда ҳеч қандай ишончли ҳарбий қисм қолмаганлиги ошкор эди. 23-24 октябрь кечаси Тошкент «Хуррият юрти» биносида аскар ва ишчиларнинг буюк йиғилиши бўлди. У ерда ҳукуматини қўлга олиш масаласи очиқ музокара этилди. Ҳукуматининг бу тўпланишини олдини олиш чораси натижа бермади. Чунки бу уринишлар қуруқ сўзланганина иборат бўлиб, ташаббуснинг орқасида ҳеч қандай қуролли куч йўқ эди. Большевик ва сўл эсерлар бошлиқларини тутиб, ҳибс этишга уринишлар ҳам муваффақиятсиз чиқди.

Ниҳоят 25 октябрь (7 ноябрь) эрталаб ишчилар казачи қисмларини қуролсизлантирдилар.

Тошкентда тўрт кун уруш давом этди... Генерал комиссар ва ҳукумат қўмитаси аъзолари Тупроққўрғонга сиғиндилар. Шандриков яшириниб қолди. Мен эски шаҳарга тушиб кетдим. Генерал комиссар ва Ҳукумат қўмитаси аъзолари билан маслаҳатлашмоқ учун ҳар кунин Тупроққўрғонга келардим. Исёнчилар билан музокарага киришини мен билан Доррерга топширилган эди. Бир марта биз большевиклар қароргоҳига бордик. У ерда ўлдириб юборишлари хавфидан зўрга қутулдик. Иккинчи марта исёнчи большевик

ва сўл эсерлар вакиллари билан Тошкент баландияси биносида кўриндик. Бу музокараларимиз ҳеч қандай натижа бермади... 29 октябрь (11 ноябрь) деярли бутун Тошкент исёнчилар қўлига ўтди. Генерал комиссар билан унинг икки ўринбосари қамоққа олинди. Шандриков қочиб кетди. Липовский эса исён бошланishiдаёқ Тошкентдан жўнаб кетган эди. Иванов эса анча аввал галла олиш иши билан Шимолий Кавказга юборилган эди. Ҳукумат қўмитаси аъзосидан озод ўртада қолган киши мен эдим.

Тошкент Тупроққўрғони ҳам ишғол этилгандан сўнг менинг рус солдатларини татар-бонқирд ҳарбийлари билан алмаштириш ҳақидаги таклифимни йўққа чиқарган Туркистон ҳарбий доирасининг ҳарбий орган бошлиғи эски шаҳарга бизнинг ёнимизга қочиб келди.

Генерал комиссар ва Ҳукумат аъзолари Тошкент Тупроққўрғонда қолган кунларида комиссарнинг амри билан Тошкент ва унинг атрофидаги ерли халққа тарқатиш учун кўпгина қурол ва ўқлар чиқарилди. Бироқ бизга кўрсатилган бу «ишонч» кўп кеч қолганди. Шунинг учун ҳам бузилган ишни тузатиш мумкин бўлмади. Бу қуролларнинг бир ҳафтадан сўнг шаҳарнинг янги хўжалари — большевикларга қайтарилиб берилганлигини ҳам афсус билан тилга олиш керак.

Туркистонда туркистонликларнинг муқаддароти¹ устида ҳукмронлик учун Тошкент кўчаларида уруш бораётган бир пайтда туркистонликлар бетараф сайрчи бўлиб қолдилар. Большевикларнинг Вақтли Ҳукумат қўмитасига қарши юритган курашга «Биз туркистонликларни алоқадор этмаётган рус фирқалари орасидаги ички тортишма» деб қараган туркистонликлар ҳам кўп эди... Агар биз қуролланган, техника жиҳатидан курашга тайёрланган бўлсак эди, балки бетараф бўлиб қолмасдик.

Большевиклар галиб чиқдилар. Бир оз муддатдан сўнг генерал комиссар Коровиченко ўлдирилди. Унинг ҳарбий ўринбосари қочиб чиқди. Анчадан сўнг, 13 декабрда Доррер ўлдирилди. Бутун Туркистонда умумий ҳибсга олишлар, ўлдиришлар бошланди.

Энди нима қилиш керак эди? Келажак бизга қоронғи ва қўрқинчли кўрина бошлади. Нима бўлса ҳам

¹ Тақдир.

бир нарсалар қилиш керак эди. Бизнинг Миллий Марказимиз аъзолари вақтинча Самарқандга кўчдилар. У ердан Фарғонага ўтдилар. Ашхобод ҳамда Олмаотага кишилар юборилди. Туркистон халқининг янги тузилган рус солдатлари, рус ишчилари ҳукуматига қарши бўлганлиги маълум бўлди. Ноябрьда совет ҳукуматининг халқлар озод ҳолда ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари, истасалар Русиядан айрилиб мустақил ҳукумат қуриш ҳақларини таниш декрети чиқди.

Биз Русиядан айрилиб кетишини талаб этмадик, ёлғиз мухторият эълон этдик. Натижа эса маълум...

Мен 1917 йил атрофидаги ушбу хотира парчаларим сўйишида қисқача таъсис мажлиси сайловлари тўғрисида тўхтамоқчиман. Русия асоратидаги барча халқлар каби туркистонликлар ҳам таъсис мажлисига катта умидлар боғлаган эдилар. Ҳаммамиз идоравий мухторият талабларимизнинг таъсис мажлиси томонидаги тўла таъмин этилишига ишонган эдик. Русиянинг келажакда жумҳуриятлар федерацияси шаклида қурилиши аввалдан англашилган эди. Бу вазиятда, табиийки, Туркистоннинг ҳам тенг ҳуқуқли қисмларининг бири бўлиши тушуниларди. Бу ҳақда биз бутун чиқишларимизда гапирдик. Бу ҳақда бизнинг вакилларимиз Москвадаги биринчи умумий Русия мусулмонлари қурултойида сўзладилар. Кўпгина иш Туркистондан сайланажак таъсис мажлиси номзодларини ўтказишга боғлиқ эди. Сайлов қонунини бизга 33 та ўрин бермоқда эди. Сони эътибори билан Рус аҳолиси ёлғиз Еттисув вилоятидагина ўз номзодларини ўтказа биларди. Қолган беш сайлов доирасининг ҳеч бирида ўз номзодларини ўтказа билиш имкониятлари йўқ эди. Ана шунинг учун ҳам рус жамиятлари рус аҳолиси учун бутун Туркистонни бир сайлов доирасига айлантириш қонун ланини чиқарган эди. Шу тариқа 3-4 номзодларини ўтказа билишларини умид этардилар. Биз бунига қарши эдик, ўз фикримизни амалга ошириш учун уриндик. Шу билан бирга рус аҳолисини бутунлай вакилсиз қолдиришни истамадик. Бу тўғрида рус крестьянларининг вакиллари ва шу пайтгача ҳар бир масалада бизни ёқлаб келадиган социалист-революционерлар фирқаси маркази билан музокара қилмоқда эдик. Биз бир рус крестьянлар вакилини Сирдарёдан, социалист-революционерлар фирқаси кишини Вадим Чайкини Фарғонадан ўтказишга ваъда бердик. Бир рус Етти-

сув казачиларидан ўтди. Бу билан русларга 3 ўрин берилган бўлди. Бухоро яҳудийлари ҳам бир ўрин сўраб бизга мурожаат этдилар. Келажак таъсис мажлисида Туркистон фракционига мансуб бўлиш шarti билан Самарқанддан яҳудийларнинг бир вакилини ўтказишга қарор берилди. Кейинчалик большевиклар томонидаги ўлдирилган мухторият ҳукумати аъзоси Ҳерцфелд яҳудийлар вакили бўлароқ кўрсатилган эди.

Сайлов тайёргарлиги жиддий ва қизғин шаклда олиб борилди. Ҳар тарафда, Туркистон халқи томонидан, икки рўйхат чиқарилган эди; бири «Уламо жамияти»нинг рўйхати, иккинчиси Миллий Марказ рўйхати эди. Ёлғиз икки вилоятдагина сайлов ўтказиш мумкин бўлди. Еттисув ҳамда Фарғонада 10 ўриндан 8 таси Миллий Марказ рўйхатига тушди. Убайдулла Хўжа, Шонслом Шоаҳмад, Ҳидоятбек Юргули, мен, Вадим Чайкин бу ердан сайланган эдик. Иккинчи рўйхатдан кечган, кейинчалик Қўқон ҳукумати аъзосидан бўлган, Носирхон Тўра ҳам ҳамма масалаларда биз билан ҳамфикр эди. Еттисувда ҳам Миллий Марказ рўйхати қозониб чиқди. Руслардан бир казачи сайланган эди. Шахсан менинг номзодим уч ердан: Сирдарё, Самарқанд ва Фарғонадан қўйилган эди. Самарқанд вилояти Миллий Марказ бошида марҳум муфти Маҳмуд Хўжа Бехбудий афанди турарди.

Тақдир бизга таъсис мажлисига боришни насиб этмади. 1918 йилнинг 1 (18) январида, совет ҳукумати даврида бўлган таъсис мажлиси очилишга биз бормадик ва юртимиз Туркистонда қолдик. Узининг тек йнгилишида таъсис мажлиси фақат Русиянинг жумҳуриятлар федерацияси бўлиши қонунинингига чиқара билди. 6 январь тонг отишда большевиклар уни тарқатиб юбордилар. Уша замондаги Русия қўли остидаги барча халқларнинг умид кўзи тикилган таъсис мажлиси маҳв этилди ҳамда абдий қайтмас бўлиб кетди. Бизнинг ўша замондаги федерацион умидларимиз ҳам абдий йўқолди...

Биз миллий озодлик, тўлиқ миллий истиқлол кураши йўлига ва мустақил Туркистон Турк Давлати учун кураш йўлига тушдик.

ЯШАСИН ҲУР ВА МУСТАҚИЛ МИЛЛИЙ
ТУРКИСТОН!

Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси

Литературно-художественное издание

МУСТАФО ЧУҚАН УҒЛИ

ПАЛАЧИ НАШЕЙ НЕЗАВИСИМОСТИ

(Воспоминания 1917 года)

Художник **А. Васиханов**

Ташкент, Издательско-полиграфическое объединение
им. Г. Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

МУСТАФО ЧУҚАН УҒЛИ

ИСТИҚЛОЛ ЖАЛЛОДЛАРИ

(1917 йил хотиралари)

Муҳаррир **Н. Қиличев**

Расмлар муҳаррири **М. Карпузас**

Техн. муҳаррир **Н. Сейдуалиева**

Мусаҳҳиҳ **Ш. Собирова**

ИБ № 5050

Босмахонага 08.01.92. да берилди. Босишга 29.06.92 да рухсат этилди. Бичири
84×108 32 2-нав бо махона қоғози. Адабий гарнитурга. Юқори босма. 4,20
шартли босма то'ғи. 4,62 бўёқ исухаси. 4,5 нашр босма то'ғи. Жами 10000
жусха. 1158 рақамли буюртма. Баҳо.и 6 с. 5—92 рақамли шартнома.

Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 700129, Тошкент,
Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси матбуот қўмитаси Ғафур Ғулом номидаги Наш-
риёт-матбаа бирлашмасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент,
Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй,